	Автомобиль йўлларини қуриш усуллари; <u>Йул пойи қурилишида сифат назорати;</u>			
3	Автомобиль йўллари тўшамасини қуришининг <u>назарий асослари;</u>			
4	Грунтларни мустаҳкамлашнинг умумий <u>тамойиллари;</u> <u>Маҳаллий материаллардан асос қуриш;</u> <u>Утувчи турдаги йўл қопламаларини қуриш</u>	Адабиётларда н конспектлаш ири ш.		
7	Йул қопламасини Чақиқтош ва қум аралашмасини битум билан жойида аралаштириб ётқишиш усулида қуриш технологияси	Индивидуал топширикларн и бажариш.	1 -	
8	Йул қопламасига устки юза ишлов бериш технологияси	Масалалар ечиш.	18	67
9	Цементбетон қопламалари чокларини қуриш <u>технологиялари</u>	Мустақил топширикларн и бажариш.		
10	Автомобиль йўлларини қуришда атроф муҳит <u>муҳофазаси</u>	Танланган мавзу бўйича		
11	Сув утказмайдиган ва капилляр тусувчи <u>катламни қуриш</u>			
12	Тоғ ён бағрида йўл пойини конструктив хусусиятлари ва уни ишни бажариш усулига <u>таъсири</u>			
13	<u>Йул пойи устки юзасини ва ён бағрини</u>			

- пардозлаш
- 14 Иул пойи ён багрини мустахкамлаш
- 15 Шўрланган грунтлар ва шуршок грунтлардан йўл пойини куриш технологик жараёнлари
- 16 Совук хароратли кунларда йўл пойини куриш
- 17 Иул пойини куриш бўйича ишлар хажмини аниклаш ва зарур бўлган машина-механизмлар отрядини шакллантириш
- 18 Чақиқ тошли, кум-шағалли материаллардан ташкил топган асос қатламларини куриш
- 19 Зичлаш машиналарини танлаш тамойиллари
- 20 Совук асфальтбетондан қоплама куриш технологиялари
- 21 Цементбетон қопламаларини куришда сифат назорати
- 22 Автомобиль йўли қурилиши сифатини бахолаш
- 23 Иул пойи грунти намлиги ва зичлигини назорат қилиш

Жами

67

Кўлланиладиган таълим технологиялари: *Тармоқлар методи, Блиц - уйин технологияси, Бумеранг техникаси, Талаба тренинги методи, Китоб билан мустақил ишлаш, Инсерт технологияси.*
Адабиётлар: А1; А2; А3; К4 К5; К6; К7; К8; К9.

7. Дастурнинг информатсион услубий таъминоти

Фанни ўқитишда фан бўйича тайёрланган таълимда инновацион технологиялар, электрон дарсликлар, маъруза матни, амалий ишларни, лаборатория ишларини, курс лойихасини бажариш учун тайёрланган электрон версиялар, ахборот технологиялари, фан бўйича мавжуд интерфаол технологиялардан фойдаланилади. Ташкилий-технологик ечимни оптимал танловчи дастурий махсулотлар: ОУМТВ сайти, институт интернет сайти, кафедра сайти мавжуд. Фанни ўқитишда мавзуларни тулик ва охириги технологиялар асосида ёритиб бериш мақсадида интернет сайтларида бериб бориладиган маълумотлардан кенг фойдаланиш, талабалар купрок ушбу сайтлардан фойдаланиб Мустақил иш мавзуларини бажариши тавсия этилади.

8. “Автомобиль йўллари куришни ташкил қилиш ва технологияси асослари” фанидан талабалар билимини рейтинг тизими асосида бахолаш мезони

“Автомобиль йўллари куришни ташкил қилиш ва технологияси асослари” фани бўйича рейтинг жадваллари, назорат тури, шакли, сони ҳамда хар бир назоратдага ажратилган максимал балл, шунингдек жорий ва оралик назоратларининг саралаш баллари хақида маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

Фан бўйича талабаларнинг билим савияси ва узлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун куйидаги назорат турлари утказилади:

- Жорий назорат (ЖН) - талабаларнинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий куникма даражасини аниклаш ва бахолаш усули. Жорий назорат фаннинг хусусиятларидан келиб чиккан холда амалий машғулотларда огзаки суров, тест утказиш, сухбат, назорат иши, коллеквиум, уй вазифаларини текшириш ва шу каби бошка шаклларда утказилиши мумкин;
- Оралик назорат (ОН) - семестр давомида Ўқув дастурининг тегишли (фанларнинг бир неча мавзуларини уз ичига олган) булими тугаллангандан кейин талабанинг назарий билим ва амалий куникма даражасини аниклаш бахолаш усули, оралик назорат бир

семестрда икки марта утказилади ва шакли (ёзма, оғзаки, тест ва хоқозо) Ўқув фанига ажратилган умумий соатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланади;

- Якуний назорат (ЯН) - семестр якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий қуникмаларни талабалар томонидан узлаштириш даражасини баҳолаш усули. Якуний назорат асосан таянч ва ибораларга асосланган “Ёзма иш” шаклида утказилади.

ОН утказиш жараёнида кафедра мудири томонидан тўзилган комиссия иштирокида мунтазам равишда урганиб борилади ва уни утказиш тартиблари бўзилган ҳолларда, ОН натижалари бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда ОН қайта утказилади.

Олий таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тўзилган комиссия иштирокида ЯНни утказиш жараёни мунтазам равишда урганиб борилади ва уни утказиш тартиблари бўзилган ҳолларда, ЯН натижалари бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда ЯН қайта утказилади.

Талабанинг билим савияси, қуникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида талабанинг фан бўйича узлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

“Автомобиль йўлларини қуришни ташкил қилиш ва технологияси асослари” фани бўйича талабаларнинг семестр давомидаги узлаштириш курсаткичи 100 баллик тизимда баҳоланади. Ушбу 100 балл баҳолаш турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

Семестр бўйича талабалар билимини баҳолаш		рларидаги тақсимоти		
Баҳолаш турлари	Баллнинг 55 %	Баллнинг 100 %	Сони	Шакли
Жорий ва Мустақил иш	22,0	40	2	Оғзаки, ёзма
Оралик	16,5	30	2	Тест, ёзма
Якуний	16,5	30	1	Ёзма, тест, оғзаки
Жами	55	100	5	

Баҳолаш мезонлари, тақсимоти ва тартиби

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	Аъло	Хулоса ва қарор қабул қилиш. Ижодий фикрлай олиш. Мустақил мушоҳада юрита олиш. Олган билимларини амалда қўлай олиш. Моҳиятини тушунтириш. Билиш, айтиб бериш. Тасаввурга эга бўлиш.
71-85	Яхши	Мустақил мушоҳада қилиш. Олган билимларини амалда қўлай олиш. Моҳиятини тушунтириш. Билиш, айтиб бериш. Тасаввурга эга бўлиш
55-70	Кониқарли	Моҳиятини тушунтириш. Билиш, айтиб бериш. Тасаввурга эга бўлиш
0-54	Кониқарсиз	Аниқ тасаввурга эга бўлмаслик. Билмаслик

Талаба билимини баҳолаш мезонлари

Назорат тури	Баҳариладиган ишлар ҳажми	Балл
1-ЖН 15 балл МИ 5 балл	а) агар талаба 1-4-амалий ишларни, 1-3-лаборатория ишларни ва Мустақил ишни 86-100% баҳарса;	17 - 20
	б) агар талаба 1-4-амалий ишларни, 1-3-лаборатория ишларни ва Мустақил ишни 71-85% баҳарса;	14 - 17
	в) агар талаба 1-4-амалий ишларни, 1-3-лаборатория ишларни ва Мустақил ишни 55-70% баҳарса;	11 - 14
	г) агар талаба 1-4-амалий ишларни, 1-3-лаборатория ишларни ва Мустақил ишни 0-54% баҳарса;	0-10
2-ЖН 15 балл; МИ 5 балл	а) агар талаба 5-8-амалий ишларни, 4-5-лаборатория ишларни ва Мустақил ишни 86-100% баҳарса;	17 - 20
	б) агар талаба 5-8-амалий ишларни, 4-5-лаборатория	14

			ишларни ва Мустакил ишни 71-85% бажарса;	
			в) агар талаба 5-8-амалий ишларни, 4-5-лаборатория ишларни ва Мустакил ишни 55-70% бажарса;	11 -
			г) агар талаба 6-10-амалий ишларни, 4-5-лаборатория ишларни ва Мустакил ишни 0-54% бажарса;	14 0-10
	I- ОН 15	II- ОН 15	Талаблар	Балл
	агар талаба фаннинг Ўқув-услубий харитасида келтирилган 1-4 мавзулар бўйича	агар талаба фаннинг Ўқув-услубий харитасида келтирилган 4-7 мавзулар бўйича	а) хулоса ва қарор қабул қилса; ижодий фикрлай олса; Мустакил мушоҳада юрита олса; олган билимларини амалда қўллай олса; моҳиятини тушунса; билса, айтиб берса; тасаввурга эга бўлса.	13-15
б) Мустакил мушоҳада юрита олса; олган билимларини амалда қўллай олса; моҳиятини тушунса; билса, айтиб берса; тасаввурга эга бўлса.			11 -	
в) моҳиятини тушунса; билса, айтиб берса; тасаввурга эга бўлса.			12	
г) аниқ тасаввурга эга бўлмаса ва билмаса			8/9-11 0-7	
	ЯН 30 балл фаннинг Ўқув-услубий харитасида келтирилган 1-7 мавзулар бўйича		а) хулоса ва қарор қабул қилса; ижодий фикрлай олса; Мустакил мушоҳада юрита олса; олган билимларини амалда қўллай олса; моҳиятини тушунса; билса, айтиб берса; тасаввурга эга бўлса.	26-30
		б) Мустакил мушоҳада юрита олса; олган билимларини амалда қўллай олса; моҳиятини тушунса; билса, айтиб берса; тасаввурга эга бўлса.	22-26	
		в) моҳиятини тушунса; билса, айтиб берса; тасаввурга эга бўлса.	16 -	
		г) аниқ тасаввурга эга бўлмаса ва билмаса	22 0-16	

• Фан бўйича саралаш бали 55 баллни ташкил этади. Талабанинг саралаш балидан паст бўлган узлаштириши рейтинг дафтарчасида қайд этилмайди.

• Талабаларнинг Ўқув фани бўйича Мустакил иши жорий, оралик ва якуний назоратлар жараёнида тегишли топшириқларни бажариши ва унга ажратилган баллардан келиб чиққан ҳолда баҳоланади.

– – у. °]

• Талабанинг фан бўйича рейтинги қуйидагича аниқланади: $R - k q q$

бу ерда: 7-семестрда фанга ажратилган умумий Ўқув юклар маси (соатларда); О¹- фан бўйича узлаштириш даражаси (балларда).

• Фан бўйича жорий ва оралик назоратларга ажратилган умумий баллнинг 55 фоизи саралаш балл ҳисобланиб, ушбу фоиздан кам балл туплаган талаба якуний назоратга киритилмайди.

• Жорий ЖН ва оралик ОН турлари бўйича 55 балл ва ундан юқори баллни туплаган талаба фанни узлаштирган деб ҳисобланади ва ушбу фан бўйича якуний назоратга кирмаслигига йўл қуйилади.

• Талабаларнинг семестр давомида фан бўйича туплаган умумий балли ҳар бир назорат турида белгиланган коидаларга мувофиқ туплаган баллари йигиндиси га тенг.

- ОН ва ЯН турлари календар тематик режага мувофик деканат томонидан тўзилган рейтинг назорати жадваллари асосида утказилади. ЯН семестрнинг охириги 2 ҳафтаси мобайнида утказилади.
- ЖН ва ОН назоратларида саралаш балидан кам балл туплаган ва узурли сабабларга кура назоратларда катнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сунгги жорий ва оралик назоратлари учун эса якуний назоратгача бўлган муддат берилади.
- Талабаларнинг семестрда ЖН ва ОН турлари бўйича туплаган баллари ушбу назорат турлари умумий балининг 55 фоизидан кам булса ёки семестр якуний жорий, оралик ва якуний турлари бўйича туплаган баллари йигиндиси 55 баллдан кам булса, у академик қарздор деб ҳисобланади.
- Талаба назорат натижаларидан норози булса, фан бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг такдимномасига кура ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам булмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.
- Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини куриб чиқиб шу куннинг ўзида хулосани билдиради.
- Баҳолашнинг урнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда утқазилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, Ўқув услубий бошқарма ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

Талабалар ОН дан туплайдиган балларнинг намунавий мезонлари

Курсаткичлар	ОН баллари		
	ма	1-	2-
Дарсларга катнашганлик даражаси. Маъруза дарсларидаги фаоллиги, конспект дафтарларининг юритилиши ва туликлиги. Талабаларнинг Мустақил таълим топшириқларини уз вақтида ва сифатли бажариши ва узлаштириш. Ёзма назорат иши ёки тест саволларига берилган жавоблар.	30	0-15	0-15
Жами ОН баллари	30	0-15	0-15

Талабалар ЖН дан туплайдиган балларнинг намунавий мезонлари

Курсаткичлар	ЖН баллари		
	ма	1-	2-
Дарсларга катнашганлик ва узлаштириши даражаси. Амалий машғулотлардаги фаоллиги, амалий машғулот дафтарларининг юритилиши ва ҳолати	15	0-7	0-8
Мустақил таълим топшириқларининг уз вақтида ва сифатли бажарилиши. Мавзулар бўйича уй вазифаларини бажарилиш ва узлаштирилиш даражаси.	10	0-5	0-5
Огзаки савол-жавоблар, коллоквиум ва бошқа назорат турлари натижалари бўйича	15	0-8	0-7
Жами ЖН баллари	40	0-20	0-20

Якуний назорат “Ёзма иш” шаклида белгиланган булса, у ҳолда якуний назорат 30 баллик “Ёзма иш” вариантлари асосида утказилади.

Агар якуний назорат марказлашган тест асосида ташкил этилган булиб фан бўйича якуний назорат “Ёзма иш” шаклида белгиланган булса, у ҳолда якуний назорат куйидаги жадвал асосида амалга оширилади.

Курсаткичлар	ЯН баллари	
	макс	Узгариш оралиғи
Фан бўйича якуний ёзма иш назорати	5	0-5

Фан бўйича якуний тест назорати	25	0-25
Жами	30	0-30

Якуний назоратда “Ёзма иш”ларни баҳолаш мезони

Якуний назорат “Ёзма иш” шаклида амалга оширилганда, талабага 5 та назарий савол 1 та амалий топширик берилади. Хар бир саволга 0-5 балл оралигида баҳоланади. Талаба максимал 30 балл туплаши мумкин.

Ёзма синов бўйича умумий узлаштириш курсаткичини аниқлаш учун вариантда берилган саволларнинг хар бири учун ёзилган жавобларга куйилган узлаштириш баллари кушилади ва йигинди талабанинг якуний назорат бўйича узлаштириш бали ҳисобланади.

9. Якуний назорат саволлари:

1. Ўзбекистон бўйича автомобиль йўллари тўғрисида қандай қонуний ҳужжатларни биласиз ?
2. Автомобиль йўлларини қуришда қандай ишлар бажарилади?
3. Автомобиль йўл пойини қуришда иш ташкил қилиш нималарга боғлиқ?
4. Автомобиль йўл пойини қуришда қандай грунтлар кулланади?
5. Йўл пойини қуришда грунтни намлаш нима учун керак булади?
6. Автомобиль йўл пойини қуришда қўлланиладиган грунтларга қандай ишлов берилади?
7. Йўл пойига кулланаётган грунтни зичлаш деганда нимани тушунаси?
8. Грунтнинг меъёрий намлиги нима?
9. Грунтли қатламни зичлаш қандай таъминланади?
10. Тебраниб ишловчи катоклар афзалликларига таъриф беринг?
11. Тиркалишли зичлагичнинг иш унуми қандай аниқланади?
12. Йўл замини ва пойини зичлаш тартибини тушунтиринг?
13. Резина ковушли катоклар билан грунт қатламини зичлаш бўйича таъриф беринг?
14. Пневматик резина ковушли катокнинг иш унумдорлиги қандай аниқланади?
15. Йўл пойи қияликлари қандай зичланади?
16. Йўл трассасини тиклаш нималардан иборат?
17. Йўл сахнлари қандай чегарланади?
18. Кундаланг қияликларда ярим кўтарма ва ўймалар қандай белгиланади?
19. Йўл сахнини тозалашда қандай ишлар бажарилади?
20. Юмшатгичнинг иш унуми қандай аниқланади?
21. Йўл сахнидаги ҳосилдор қатлам қандай олиб ташланади?
22. Ҳосилдор қатлам қиркишда бульдозернинг иш унумдорлиги қандай аниқланади?
23. Йўл пойига таъсир этувчи омилларга таъриф беринг?
24. Йўл пойи мустаҳкамлигини таъминловчи тадбирларга мисоллар келтиринг?
25. Юза сувларни қочиришга қаратилган тадбирларга мисоллар келтиринг?
26. Дренажлар деганда нимани тушунаси ва уларнинг турларини баён этинг?
27. Йўл сахнидаги зовур-коллекторлар тўзилишини изоҳланг?
28. Йўл пойида қўлланиладиган харорат, буг ва нам тускич тадбирларга таъриф беринг?
29. Йўл пойидаги харорат, буг ва нам тускич қатламлар нималардан ташкил топади?
30. Автомобиль йўлларида транспорт эксплуатацион курсаткичларни таъминлашда қандай ишлар бажарилади?
31. Йўл қурилиш ишлари қандай жараёнларни уз ичига олади?
32. Грунтларни зичлашни назарий асослари?
33. Йўл пойини зичлаш бўйича ишни ташкил қилиш?
34. Трассани тиклаш ва боғлаш ишлари қандай бажарилади?
35. Йўл пойини унумдор тупроқдан тозалашда қандай ишлар бажарилади?
36. Ҳосилдор қатламни қиркишда бульдозернинг иш унумдорлиги қандай аниқланади?
37. Йўл пойидаги сув иссиқлик режимини бошқаришни қандай усуллари мавжуд?

38. Йўл пойига таъсир этувчи омилларга таъриф беринг?
39. Дренаж деганда нимани тушинасиз?
40. Йўл минтакасида зовур-коллекторлар тўзилишини изоҳланг?
41. Автомобиль йўллари тўғрисидаги амалдаги хужжатлар?
42. Йўл пойини кўтармада қуриш усуллари?
43. Йўл пойини қуришда технологик жараёнга таъриф беринг?
44. Йўл пойини қуришда асосий иш жараёнини изоҳлаб беринг?
45. Йўл пойини пардозлашда қандай ишлар амалга оширилади?
46. Автомобиль йўллари пойини пардозлашда автогрейдернинг иш унуми қандай аниқланади?
47. Йўл пойини пардозлашда қандай механизм ва мосламалардан фойдаланилади?
48. Грунтли қатламни зичлаш қандай таъминланади?
49. Йўл минтакаси ва пойини зичлашда катокларнинг иш унуми қандай аниқланади?
50. Йўл пойини қурилишига боғлаб боткоклик худуларига таъриф беринг?
51. Боткоклик худуларида йўл пойини тиклаш иш услубига таъриф беринг?
52. Тоғли худудларда йўл пойини қуришга таъриф беринг?
53. Тоғли шароитларда йўл пойини қуриш қандай кўшимча ишлар билан боғлиқ?
54. Тоғли шароитларда йўл пойини қуриш қандай босқичларда олиб борилади?
55. Сунъий сугориладиган ерларда йўл пойини устиворлиги қандай таъминланади?
56. Қумли худудларда йўл пойини қуришда қандай ишлар бажарилади?
57. Қандай ҳолларда йўл пойи қайта қурилади?
58. Йўл пойини қайта қуриш турларига таъриф беринг?
59. Йўл пойини қайта қуришдаги иш тартибини изоҳланг?
60. Йўл пойида кундаланг ва буйлама назоратлаш қандай амалга оширилади?
61. Йўл пойини қуришда сифат назоратига таъриф беринг?
62. Боткоклик худуларида йўл пойини қуриш усуллари тушунтиринг?
63. Йўл пойини зичлаш усуллари нималарга боғлиқ ва қандай механизмлар ёрдамида бажарилади?
64. Йўл қурилиш ишлари қандай жараёнларни уз ичига олган?
65. Йўл пойини қуришда техника хавфсизлиги қандай амалга оширилади?
66. Чизикли календар графикда нималар уз аксини топган?
67. Автомобиль йўллари тўшамаси деганда нимани тушунасиз?
68. Автомобиль йўли пойи билан тўшамалари боғлиқлигини изоҳлаб беринг?
69. Тўшама мустаҳкамлигига бўлган талабни тушунтириб беринг?
70. Тўшамалар мустаҳкамлиги қандай таъминланади?
71. Тўшаманинг қайси қатламларида битум қулланади?
72. Тўшамадаги грунтли қатламларга қандай боғловчилар қулланади?
73. Тўшамага қулланадиган ноорганик боғловчиларни баён этинг?
74. Паст тоифали йўл тўшамалари қурилганда қандай услублар қўлланилади?
75. Қумли қатламлар қуришдаги иш услубларини баён этинг?
76. Чақилган тошдан қоплама қуриш услубидаги жараёнларни таърифланг?
77. Қатламни шиббалаш тартибини баён этинг?
78. Ноорганик боғловчилар билан котирилган грунтли қатламни тўшамада жойлашувига таъриф беринг?
79. Ноорганик боғловчи билан котирилган грунтли қатламни зичлаш тартиби қандай?
80. Шимдириб қатлам қуришда тошли материалларга бўлган талабни изоҳланг?
81. Йўл тўшамасини қуришнинг технологияларини тушунтиринг?
82. Асфальтбетон қопламаларини қуришнинг технологияларини тушунтиринг?
83. Цементбетон қопламаларини қуришнинг қандай технологияларини биласиз?
84. Цементбетон қопламаларини қуришда сифат назоратини ташкил қилишни тушунтиринг?
85. Совук асфальтбетондан қоплама қуриш технологиялари келтиринг?

- 86. Цементбетоннинг таркиби қандай тўзилади?
- 87. Яхлит цементбетон қопламаларини қуриш технологик жараёнларини тушунтиринг?
- 88. Кундаланг ва буйлама чоклар ҳақида маълумот беринг?
- 89. Йигма цементбетон қопламаларини қуриш технологик жараёнлари келтиринг?
- 90. Автомобиль йўллари қурилишига ташкилий-техник тайёрланиш нималардан иборат?
- 91. Йўл қурилиши ишларини ташкил қилиш усулларини тушунтиринг
- 92. Йўл тўшамаси қурилишида иш қуламининг оптимал узунлиги қандай аниқланади?
- 93. Йўл қурилишида тармоқли режалаштириш ва бошқариш тизимларини қуллашни тушунтиринг?
- 94. Автомобиль йўлларини қуришда сифат назорати, хавфсизлик техникаси, меҳнат ва атроф муҳит муҳофазаси қандай амалга оширилади?
- 95. Автомобиль йўли қурилиши сифати қандай баҳоланади?

10. Тавсия этилган адабиётлар рўйхати Асосий адабиётлар:

- 10. В.В.Ушаков, В.М.Ольховикова. Строительство автомобильных дорог. М. Кнорус. 2013. 576 стр.
 - 11. Н.В.Горельшев. Технология и организация строительства автомобильных дорог. М.: транспорт, 1992. - 551 стр.
 - 12. Справочная энциклопедия дорожника. Строительство и реконструкция автомобильных дорог. Под редакцией А.П. Васильева. М. 2005. 1519 стр.
- қўшимча адабиётлар:
- 13. А.В.Смирнов. Конструкции и технологии строительства автомобильных дорог в сложных природных условиях. Омск. СибАДИ. 2005. 172 стр.
 - 14. Силкин В.В. Технология и организация работ на производственных предприятиях дорожного строительства: М.: АСВ, 2005. 350 стр.
 - 15. Ю.Г. Бабаскин, И.И.Леонович. Технология строительства дорог. Практикум. Минск. БНТУ. 2010. 363 стр.
 - 16. А.П. Васильев, П. Шамбар. Поверхностная обработка с синхронным распределением материалов. (Опыт дорожников Франции). М. 1999. 100 стр.
 - 17. И.С.Ищенко, Т.Н. Калашникова, Д.А.Семенов. Технология устройства и ремонта асфальтобетонных покрытий. М.Аир-Арт. 2001г. 176 стр.
 - 18. ШНК 3.06.03-2008. Автомобильные дороги.

11. қўшимча ахборот манбалари (қарор ва фармойишлар, интернет сайтлари)

“Автомобиль йўлларини қуришни ташкил қилиш ва технологияси асослари” фанини янада чуқурроқ узлаштириш мақсадида бир неча информацион-услугий қуллашлар мавжуд, жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.08.2003 йилдаги УП-3292 сонли “Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1.10.2006 йилдаги №226-сонли “Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланишни ташкил этишни ҳамда сифатини назорат қилишни такомиллаштириш тўғрисида” ги қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.10.2006 йилдаги ПП-499 сонли “Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойihalаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.12.2006 йилдаги ПҚ-535 сонли “2007-2010 йилларда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қурилишини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида ”ги қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.04.2009 йилдаги ПП-1103 сонли “20092014 йилларда Ўзбек миллий магистралларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.10.2009 йилдаги №277 сонли “Ўзбек миллий магистраллари буйлаб йўл инфраструктураси ва сервисини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2010 йилдаги ПП-1446 сонли “2011 2015 йилларда инфраструктураларни, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида”ги қарори.
23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.03.2015 йилдаги ПҚ-2313 сонли “20152019 йилларда муҳандислик коммуникация ва йўл -транспорт инфратўзилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги қарори.
24. Фан бўйича маърузалар матни электрон версияси.
25. Фан бўйича амалиёт ишларига услубий курсатма электрон версияси.
26. Фан бўйича лаборатория ишларига услубий курсатма электрон версияси.
27. Фан мавзуларига оид информацион-таркатма материаллар.
28. Фан асосий адабиётининг электрон версияси.
29. www.doroga.ru.
30. www.avtodor.ru.
31. www.roads.ru.
32. www.Informavtodor.ru.

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу. Автомобиль йўллари қуриш технологияси асослари ҳақида умумий маълумотлар Режа:

1. Автомобиль йўллари қурилишини мамлакатнинг иқтисодийетини узишидаги аҳамияти.
2. Автомобиль йўллари қурилишини хусусиятлари.
3. Технология ва унинг қурилишдаги аҳамияти.
4. Технологик жараён сифати ва ишончилиги.
5. Технологик лойихалаш, техник меъёрлаш.
6. Автомобиль йўллари қуришда атроф муҳит муҳофазаси.

Таянч суз ва иборалар: Автомобиль йўллари, технология, сифат, ишлаб чиқариш лойихаси, жараён, ишнинг ташкил этиш лойихаси, атроф-муҳит химояси.

Республикамиз иқтисодийетининг ривожланиши ва тараккий этиши аввало, автомобиль йўллари тармогининг ҳолатига боғлиқдир. Республика бўйича транспортда ташилаётган халқ ҳужалиги юқларининг 83 % дан купрогини автомобиль йўллари орқали амалга оширилиши, иқтисодийетнинг ривожланишидаги автомобиль йўллари аҳамиятини белгилаб беради.

Бугунги кунда Президентнинг ташаббуси билан “Буюк Ипак йўли”ни тиклаш, “Европа-Кавказ-Осиё” транспорт йўлаги (ТРАСЕКА)ни ривожлантириш бўйича олиб бораётган ишлари, автомобиль йўллари лойихалаш, қуриш, реконструкция қилиш бўйича чиқарган катор қарорлари, фармонлари, фармойишлари ва буйруқлари автомобиль йўллари янада яхшилаш бўйича олиб бораётган ишлар сирасига қиради.

Ўзбекистон Республикасининг бринчи Президенти қарорлари асосида амалга оширилаётган мақсадли дастурлар

> 2009 йил 22 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг бринчи Президентининг “2009-2014 йилларда Ўзбек миллий автомагистраллини реконструкция қилиш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПП-1103 сонли қарори

> 2009 йил 22 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбек миллий автомагистралли бўйлаб йўл инфратўзилмаси ва сервисини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги №277 сонли қарори

> 2010 йил 21 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг бринчи Президентининг “2011-2015 йилларда транспорт ва коммуникация қурилиши инфратўзилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида” ги ПП-1446 сонли қарори

> 2015 йил 6 мартда Ўзбекистон Республикасининг бринчи Президентининг “2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникатсия ва йўл-транспорт инфратўзилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида” ги Ш-2313 -сонли қарори қабул қилинди.

Олиб борилаётган ишлардан асосий мақсад жаҳон бозорига чиқиш ва Ўзбекистон Республикасини хар томонлама янада ривожлантиришдир.


Ўзбекистон Республикасининг бринчи Президент томонидан чиқарилган 2009-2014 йилларда Ўзбекистон миллий автомагистраллини реконструкция қилиш ва ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисидаги Пқ-1103-сонли қарорига асосан қуриладиган куприклар, йўл утказгичлар ва йўлни техник параметрларини оширилиши ҳамда 4 полосали цементбетон қопламали йўлни узунлиги 400 км, 4 полосали асфальтбетон қопламали йўлни узунлиги 813 км, 2 полосали асфальтбетон йўли 288 кмга ва бошқа бир қатор ишлар режалаштирилган.

XX-аср бошида Ўзбекистон худудида Тошкент, Самарканд, Бухоро каби йирик шаҳарларни узаро боғловчи 27 минг км от арава ва извош йўллари мавжуд булиб, шундан 2 минг км йўллар тош ва шағал қопламага эга бўлган булса, автомобиль йўлларининг ривожланиши 1940 йиллардан бошланиб, асфальтбетон йўллар 1954 йилдан, цементбетон йўллар 1962 йилдан қурила бошланган. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари тармогининг умумий узунлиги 184 000 км дан ортик булиб, шундан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари 42654 км ни, ички хужалик йўллари 79465 км ни, шаҳарлар, туман марказлари ва аҳоли яшаш жойлари йўллари ва кучалари 61788 км ни ташкил қилади.

Республикамиз ривожланишида автомобиль йўлларининг ахамияти

- И Liechtenstein in Central Europe, surrounded by Switzerland and Austria
- “ Uzbekistan in Central Asia, surrounded by Afghanistan. Kazakhstan. Kyrgyzstan, Tajikistan, and Turkmenistan

4



1-расм: Республикамининг дунё харитасида жойлашуви

Автомобиль йўллари қурилиши мураккаб жараёнлар ва яққол эҳтимолий характерга эга. Қурилиш ишларини ҳисобий муддати ва ҳақиқий давомийлиги узаро кескин фарқ қилади, материал-техник ва меҳнат ресурсларини ҳисобий ва амалий талаблари ҳам фарқ қилади.

Автомобиль йўллари йўл пойини қуриш муддати етакчи машинани иш унумдорлиги асосида белгиланади. Амалда эса машинани иш унумдорлиги кўтарманинг баландлиги ёки ўйми қуқурлигига биноан узгаради. Ишни бажариш муддати машинани иш унумдорлигига асосан эгри чизикли боғланиш бўйича узгаради.

Автомобиль йўллари қурилишида асосий ишлар бир-биридан фарқ қилишига қарамай (ер ишлари, сув утқазуш иншоотлари, йўл тўшамаси қуриш ва бошқалар) уларни ечиш қуйидаги босқичларда олиб борилади:

1. Бошланғич маълумотларни шакллантириш;
2. Табиий омиллар таъсирини ҳисоби;
3. Вақтдан фойдаланиш тартиби;
4. Ишлаш ҳажми, ресурсларга талаб;
5. Ишлаб чиқариш имконияти ва иш муддати;
6. Ишни ташкил қилиш;
7. Ишлаб чиқариш базаси;
8. Транспорт таъминоти;
9. Ишлаб чиқариш захираси, уларни сошлаш имкони;
10. Махсулотни сифат назорати;
11. Ташкилий-бошқарув ечимларини асослаш.

Технология - бу машина ва механизмлар ёрдамида ишлаб чиқариш жараёнида махсулотни тайёрлаш, ишлов бериш, хусусиятни узгартириш билан боғлиқ бўлган усуллар йигиндисидир.

Технологик ишлаб чиқариш жараёнлари маълум кетма-кетликка эга. Технологик жараёнларнинг турғун боғланишига иш дейилади. Ишлар йўл қурилишида ер ишлари, асос ва қоплама қуриш ишлари, бетон ишлари ва бошқаларга ажратилади.

Автомобиль йўллари қурилиши ўзига ҳослиги қурилиш жараёнида тайёрланган махсулот қузғалмас бўлиб жойда қолади, меҳнат қуроли эса ҳаракатланади.

Қурилишда "Технология" сўзи узаро боғлиқ усуллар мажмуаси бўлиб, улар натижасида автомобиль йўллари, қурилиш конструкция ва махсулоти, бино ва турли мақсадга мулжалланган иншоотлар яратилади. Йўл қурилишига янги авлод машиналари қириб қелиши амалдаги технологияда узгартириш ва тузатишларни тақазо қилади.

Автомобиль йўллари қурилишда технологик жараёнларни натижасида тайёр автомобиль йўллари ёки, уни ташкил этувчилари - ер полотноси, сув утқазуш иншоотлари, йўл тўшамалари ва бошқалар яратилади.

Йўл қурилиш махсулоти сифатини асосий омиллардан бири бўлиб, иншоотларни қурилиш баҳоси, уларни ишончилиги ва барқарорлигига таъсир этади.

Сифат атамаси бир қанча изоҳларга эга. Технологик жараён махсулотига нисбатан "сифат" атамаси махсулотни истеъмолчи талабига мос қелиши тушунилади.

"Сифат" - тизимли тушунча ва ҳар қандай тизимни ажралмас бир элементидир.

Ўзбекистон Республикасида чиқарётган махсулот ва хизматлар халқаро талабларга мослашмоқда. Булар ичида асосий вазифа сифат тизимини ИСО-9000 серияси стандартига мослаштиришдир.

ИСО 9000 серия стандарти талаби бўйича сифат тизимини асосий мақсади, бу истеъмолчи талаби бўйича махсулот ва хизмат сифатини таъминлаш ва унга шу сифатни таъминлаш бўйича қорхона қафиллигини тақдим этишдир. Шундай қафилликни сертификат беради, уни фақат қорхонада сифат тизими мавжуд бўлган ва қабул қилинган сифат даражаси бўйича махсулот чиқарувчи қорхоналарга вақолатли ташкилотлар томонидан берилади.

Технологик лойihalаш икки турда бўлиш мумкин:

- Маълум қурилиш шароити учун, амалдаги меърий хужжатлар ва намунавий технологик схемага асосланиб ишлаб чиқариш лойихасини (ИЧЛ) яратиш;

- қурилиш жараёнини тубдан такомиллаштириш ва узгартириш асосида янги технология ва технологик операцияларни яратиш. Одатда, бундай технологик лойihalаш ишларини илмий текшириш ва лойиха-конструкторлик ташкилотлари бажарадилар.

Технологик карта - қурилиш ишларида тез-тез такрорланиб турувчи ишлаб чиқариш технологиясини рационал бажарилшини белгиловчи хужжатдир.

Технологик лойihalаш мақсади барча захирадан минимал фойдаланиб, белгиланган муддатда, сифатли қурилиш махсулотини яратиш учун технологик ва ташкилий шароитларни ишлаб чиқишдан иборат.

Технологик карта ишлаб чиқариш лойихасини асосий ташкил этувчиси булиб, қурилиш жараёнлари учун ишлаб чиқарилади. Унинг натижасида тугалланган йўл пойи, йўл тўшамасини конструктив қатламлари ва бошқаларни яратиш схемаси келтирилади.

Назорат саволлари

1. Автомобиль йўллари қурилишини республикани иктисодиётини усишидаги аҳамиятини тушунтиринг?
2. Автомобиль йўллари қуриш хусусиятларини келтиринг?
3. Техник меъёрлаш деганда нимани тушунаси?
4. Технологик лойihalаш нима ишлар бажарилади?
5. Технологик жараёнларни ишончлиги нималарга боғлиқ?
6. Технологик жараён сифати қандай баҳоланади?
7. Меҳнат ресурслари тушунчаси нимани англатади?
8. Йўл қурилиш машиналарнинг иш унумдорлиги вақт меъёри бўйича қандай аниқланилади?
9. Экологик зарарни олдини олишда техник ечимларни урни.

1- мавзу: Йўл пойини қуриш туғрисида маълумотлар.

Режа:


1. Йўл пойи тўзилмаси, йўл пойи учун грунтларга талаблар ва йўл пойи грунтлари хусусиятини яхшилаш усуллари.
2. Йўл пойини қуриш технологияси. ер ишларини бажариш муддати.
3. Йўл пойи грунтларни зичлашни назарий асослари. Грунтларни зичлашни алоҳида усуллари.
4. Грунтларни зичловчи механизмлар турлари ва уларни иш жараёнида қўлланилиши, зичловчи механизмларни танлаш.
5. Йўл минтақасини тайёрлаш, тозалаш. Усимлик қатламини кучириб олиш. Йўл пойини қуриш учун белгилаш ишлари.
6. Йўл минтақасини тайёрлаш ишларида бульдозер, катокларнинг қулланиши ва механизмларнинг иш унумдорлиги.
7. Йўл пойинининг сув-иссиқлик режимини бошқариш учун иншоотларни қуриш.
8. Йўл пойинининг сув-иссиқлик тартибини бошқариш усуллари ва иншоотлари турлари. Йўл пойидан юза сувларини кочириш.
9. Грунт сувлари сатхини пасайтириш учун дренажларни қуриш. Сув утказмайдиган ва капилляр тусувчи қатламни қуриш.

Таянч суз ва иборалар: Кундаланг ва буйлама кесим, супес, суглинок, глина, оптимал

намлик, максимал зичлик, зичлик коэффициентини, стандарт зичлик, ишчи фаол қатлам. Трасса, полоса, минтака, йўл уқи, резерв, ён ариқлар, ён багир, учимлик Жойнинг рельефи, грунт, геология, гидрогеология ва иқлим шароитларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган йўл пойини намунавий тўзилмаси

1 ва 2-расмларда келтирилган. Йўл пойи, ноқулай шароитдалар булса, хусусий лойихага асосан қурилади. Бундай шароитларга


куйидагилар киради: Баландлиги 12 м дан катта кўтармалар; чуқурлиги 12 м дан катта ўймалар; кўтарма асосида буш грунтлар булса; кучкили тоғ ён багирлари; чуқур ва киялиги катта жарлар; карст ходисаси, ута Шўрланган грунтлар, сел оқимлари жойлар, тош ағдармлари, к;орли сурилмалар ва боишчалар.



2-расм. Кўтармадаги йўл пойининг кундаланг кесимини тўзилмаси:

а-ён резервсиз баландлиги 2-3 м бўлган кўтарма; б-ён резервли баландлиги 1,5 м бўлган кўтарма; в-баландлиги 2-3 м дан 6 м гача бўлган кўтарма; г-баландлиги 6 м дан 12 м гача бўлган кўтарма; А-куриладиган йўл пойини кенлиги; В-йўл минтақасини кенлиги; б-катнов қисмини кенлиги; Д-йўлга ажратилган доимий минтақани чегараси; В-йўлга ажратилган вақтинчалик минтақани чегараси; У-усимлик грунтнинг тикланган қатлами.

Йўл пойини мустаҳкамлиги ишлаш шароитига қараб мос тўзилмасини танлаш, мустаҳкам грунтни куллаш, уни намланишдан ёки музлашдан химоя қилиш билан таъминланади. Йўл пойини мустаҳкамлиги куп холларда технологик курсаткичларга, улардан асосийси грунтларни керакли зичлаш даражасини таъминлаш, боғлик булади. Грунтларнинг мустаҳкамлиги, одатда, уни зичлиги канча юкори катта булса, шунча катта булади. Йўл пойининг мустаҳкамлиги пойи грунтларни физик ҳолатига қараб бир хил массали бўлишига интилиш бошқа омилларга ҳам боғлик булади, хусусан хар хил хусусиятли грунтларни жойлашишига. Мустаҳкамлиги купрок;




3-расм. Ўймали йўл булагида йўл пойининг кундаланг кесимини тўзилмаси:

а-кор босиши мумкин бўлган йўл булагидаги чуқурлиги 5 м гача бўлган ўйма; б-чуқурлиги 12 м гача бўлган қиялик полкасиз ўйма; А-куриладиган йўл пойини кенлиги; В-йўл полотносини кенлиги; б-катнов қисмини кенлиги; Д-йўлга ажратилган доимий минтақани чегараси; В-йўлга ажратилган вақтинчалик минтақани чегараси; У-усимлик грунтнинг тикланган қатламини грунтлар йўлни юкори қисмига жойлаштириш керак. Бу асосан

грунтларни зичлиги ва намлиги бўйича бир хиллигини билан белгиланади. Йўл пойини бир хиллигини ошириш уларни ишончлилигини таъминлайди.

Йўл пойи учун грунтларга талаблар ва уларни яхшилаш усуллари
Кўтарма қуриш учун ишлатиладиган грунтлар туртта асосий гуруҳга булинади: - Табиий бутун ёки ёрикли тоғ жинслари массивини майдалаш йўли билан олинadиган тоғ жинслар;
-табиий шароитда аллювиал ва делювиал ёткизик шаклида ётувчи йирикдоналилар; -кумли;
-гили.



4- расм: Грунт турлари

Келтирилган ҳар бир гуруҳ тури ва алоҳида тавсифи бўйича таснифланади.

Йўл пойи учун яроқлилиги жихатидан тоғ грунтлари ва жинсларини сув таъсирида узок бўлганда юмшаши бўйича қуйидагича бўлиш қабул қилинган:


$$P = R_B / R_C, \quad (1)$$

бу ерда R_B - сувга туйинган ҳолатда сиқилишга мустаҳкамлик чегараси;

R_C - ҳавода қуруқ ҳолатда сиқилишга мустаҳкамлик чегараси.

Агар $P > 0,75$ булса, тоғ жинси сувда юмшамайдиган турга мансуб булади, агар $P < 0,75$ булса - юмшайдиган турга.

Йирик донали ва кумли грунтлар дондорлик таркибига боглик булинади. Гилли грунтлар дондорлик таркибига ва пластиклигига боглик булинади. Алоҳида грунтларни турлари деб аталувчи, асосан ёмон ҳолатларга ажратилади. Бундай грунтларнинг алоҳида турларига: Ил, гили, лёсслар, мергеллар, трепел, талькли ва бур гиллари, Шўрланган грунтлар ва бошқалар.



5- расм. Г рунтлар фракциялари ва турлари

Кўтармалар учун ҳолати табиий омиллар таъсирида узгармайдиган ёки кам узгарадиган грунтлар кулланади. Бундай грунтларга: Юмшамайдиган тоғ жинслари, йирик донали, кумли (майда ва чанглидан ташкари), енгил ва йирик супеслар таалуклидир. Бундай грунтлар йўл пойини қуриш учун чегараланмасдан қўлланилади.

Шунингдек, гилли, майда ва чангли грунтлар, юмшайдиган тоғ жинслари, грунтларни бир канча алоҳида турлари йўл пойини қуриш учун яроқлидир, аммо бир канча чегараланишни ҳисобга олиш керак.

Кўтармалар ўймани уйишдан чиққан, грунт қарьерларидан ва ён резервлардан олинган грунтлардан қурилади. Кўтарма учун керакли грунтни ҳажми

$$V_T = V_K K_X, \quad (2)$$

бу ерда V_K - қуриладиган кўтармани ҳажми, m^3 ; K_X - нисбий зичлаш коэффициенти;

$$K = 8_K / S_T, \quad (3)$$

бу ерда S_K - кўтармадаги (талаб қилинган) грунт ҳажми, g/cm^3 ; δ_T - табиий ҳолатдаги (қарьерда, ўймада ёки резервда) грунтни зичлиги, g/cm^3 .

Одатда кўтармалар, бир хил грунтлардан қуриладилар, агар керак бўлса уларни ҳар хил грунтлардан қуриш мумкин, аммо бу грунтларни алоҳида горизонталлар шаклида ётқизиш керак.

Йўл пойини қуришда иш таркиби узгармасдир - бу тайёргарлик ишлари, кўтармаларни қуриш ва ўймаларни уйишдаги асосий ишлар, пардозлаш ишлари.

Тайёрганлик ишлари - трассани тиклаш, доимий ва вақтинчалик фойдаланиш учун ер майдонини ажратиш ва мустаҳкамлаш, ажратилган йўлакчани тозалаш, ишни белгилаш, сувни четлатувчи арик ва дренажларни қуриш.

Асосий ишлар - бу ўймани уйиш ва кўтармани қуришни ишлари. Асосий ишлар грунтларни бушатиш ва қовлаш, уни кўтарма қурилаётган жойга ёки четга транспортировка қилиш, грунтларни ёйиш ва зичлаш каби асосий технологик жараёнларини қамраб олади.

Пардозлаш ишлари - йўл пойи юзасини текислаш, кўтарма ва ўймани ён қияликларини ва ариқларни сув ювмаслиги учун мустаҳкамлаш, усимлик қатламини тиклаш.

Грунтларни қовлаш ва транспортировка қилишда асосий ишлар учун: грунтларни 100 м масофагача суришда бульдозерлар; ташиш масофаси 100 м дан 3 км гача боғланган грунтли шароитида скреперлар қулланади. Ҳар қандай грунтни қовлашда экскаваторлардан фойдаланилади. Транспорт воситалари ташиш масофаси ва утиш шароитига боғлиқ равишда танланади. Экскаваторлар, баъзида бошқа машиналар билан биргаликда ишлатилади,

масалан, булдозерлар ёки скреперлар билан жуда мустахкам грунтларни бушатишда уларни портлатиш йўли билан юмшатилади.

Экскаватор билан биргаликда ўзи юрар юклагичлар ишлатилади. Енгил грунтларда улар Мустақил равишда грунтни ковлайдилар, мустахкам грунтларда уларни ковлаш учун бушаткичлар ёки бульдозерлар ишлатилади, юклагичлар факат ортадилар.

Хар бир йўл булагичи учун белгиланган усулга мос равишда етакчи машинани варианти танланади ва хар бир вариант учун асосий техник-иқтисодий самара курсаткичи хисобланади.

Ер ишларини йилнинг энг яхши шароитли кунларида, грунтлар музламаганда ва намлиги унчалик куп булмаганда, яъни оптимал намлик рухсат берилган микдордан ошмаганда бажариш керак. Грунт ташиш йўлларида машиналарни харакатланиши катта ахамиятга эга. Бунда йилнинг яхши шароитли кунлари иклими мутадил бўлган туманларда бахорги-ёзги ва купинча кузги даври хисобланади. Буларнинг хаммаси керакли ишни сифатли бажаришни ва йўл пойини қуриш учун иштирок этувчи машинани иш унумдорлигидан тулик фойдаланишни таъминлайди.


Умумий холда грунт массиви уч фазали система 3-расм, минерал кисмдан (каттик фаза), грунт зарралари ва агрегатларни юзасига кучларни таъсир қилиши натижасида хар хил даражада модифицирланган сув (суюк фаза), ва хаво (газсимон фаза), деб каралади.

Бундай системанинг хоссаси охир оқибат каттик фазанинг элементарини орасидаги кучларни узаро боғликлиги билан аникланади. Бу кучлар каттик фазани элементларини якинлашиш даражасига, шунингдек фаза орасидаги чегарада, аввалам бор каттик ва суюк фазалар чегарасида кечадиган физик-кимё жараёнларга боғлиқ булади. Каттик фазани элементлари (зарралар ва агрегатлар) канча кучли бир-бирига якинлашса, бир хил шароитда системани шунча мустахкамлиги (боғланиш кучи ва ички ишқаланиш бурчаги юкори) юкори, уни дформацияланиши кичик (модул деформацияси ва эластилиги катта) ва намланиш-қуриш, музлаш-эриш каби, яъни техноген масивини бирламчи структурасини узгаришига сабаб булувчи об-хаво-иклим омиллари таъсирига юкори мустахкамликда булади. Бундан ташқари, каттик фаза элементини катта даражада якинлашиши натижасида «структурани деффекти»ни сони камайдя, у купрок бир хилликка эришади, бу уз навбатида системани физик-механик хоссаларини (бу хоссаларни курсаткичларини дисперсиясини камайтиради) бир хиллигини оширади.

Грунтнинг зичланиши -бу унинг тарқибдаги хаво ва сувнинг механик таъсир натижасида сикниб чиқарилиши орқали зарраларнинг бир-бирга якинлашишидир



6-расм. Мивдорий грунт чизмаси уч фаза сифатид



7-расм. Г рунтларни зичлашни назарий асослари

Берилган грунтнинг қаттиқ фазасини элементини яқинлашиш даражасини скелетини зичлиги бўйича, яъни курук грунтнинг зичлиги S_k , билиш мумкин. Грунтни зичлашда скелетни зичлигини ошириш газсимон фазани камайтириш ва суюқ фазани сиқиб чиқариш ҳисобига бўлади. Аммо суюқ фазани сиқиб чиқариш жараёни фавкулотда узок давом этади, айника гилли грунтларда. Шу билан биралиқда сунъий зичлашни грунтга қиска вақт таъсир килувчи машиналар ёрдамида амалга оширилади. Шунинг учун куп холларда берилган намликда W зичлаш газсимон фазани камайтириш ҳисобига бўлади, намлик эса узгариб улгурмайди. Шундай қилиб, грунтларни зичлашни назарий чегараси - газсимон фазани нулли микдорига тенг скелет зичлиги амал қилади. Уни қуйидаги ифода билан ҳисоблаш мумкин:


$$S_k^y = \frac{A_v}{W A_c \cdot W} \quad (4)$$

$$- \frac{1}{100 S_k}$$

бу ерда A_c - сувнинг зичлиги, g/cm^3 ; S_k - қаттиқ фаза материалнинг зичлиги (гиллар учун ўртача 2,70, суглиноклар учун 2,68 ва қумлар учун 2,65 g/cm^3).

Амалда грунтда доимо у ёки бошқа микдорда газсимон фаза қолади.

Зичлаштирувчи юкни берилган шароитдаги таъсирида (юкнинг қиймати, уни таъсир давомийлиги, таъсир сони, таъсир тартиби) маълум бир грунт учун газсимон фазани қолдиқ ҳажми грунт таркибига ва уни зичлашдаги намлигига боғлиқ бўлади. Натижада грунт скелетини зичлиги зичлаштирилгандан сунг зичлашдаги намлиги ва юкни таъсир шароитини (зичлашга сарф қилинган иш қуринишида қурсатилган - 8-расм) функцияси бўлади.




8- расм. Г рунтнинг максимал зичлик (S) ва оптимал намлигини (W_o) зичлаш учун сарф бўлган иш (A) га боғлиқлиги

Грунтларни зичлаш турлари:




9-расм: БоФланган грунтларни лаборатория шароитида зичлаш.

Йирик донади грунтларни лаборатория шароитида зичлаш



10-расм: йирик донади грунтларни лаборатория шароитида зичлаш.



11-расм: Сочилувчан грунтларни лаборатория шароитида зичлаш.

i) Грунтлар

i. 1) Богланган грунтлар

Зичланганлик даражаси Намланганлик

$$DC = \gamma_a / \gamma_{dmax} * 100 \text{ (амалда } > 95\%)$$

даражаси

$$k_{Wopt} = W_{opt} / \rho_{Wopt}$$

i.2) Богланмаган грунтлар

Нисбий зичлик

$$D_r = (e_{max} - e_{insitu}) / (e_{max} - e_{min}) * 100 \text{ (амалда } \leq 95\%)$$

- Грунтларни каток ёрдамида зичлаш, шиббалаш ва титратиш билан амалга оширилади. Зичлашнинг усулини аниқлаш грунт турига, уни холатига ва йўл пойини қуриш усулига боғлиқ. Каток билан зичлаш ва шиббалаш усули билан деярли ҳамма грунтлар, титратиш усули фақат богланмаган ёки кам богланан грунтлар учун самара беради. Кейинги вақтларда бир вақтни ўзида каток билан зичлаш ва титратиш, шиббалаш ва титратиш усулларидадан фойдаланиш кенг қўлланилмоқда.

12-а, б, в, г, д ~ расмлар грунтларни зичловчи машиналар турлари

а)

Грунтларни зичлашда
фойдаланиладиган машиналар




б)





c)

ii) Vibrators




Larger rollers – $20\text{Hz} < f < 35\text{Hz}$

Smaller rollers – $45\text{Hz} < f < 75\text{Hz}$



e)



Intelligent Compaction (IC)



1-жадвал

Category	Cohesive soils	Well graded granular and dry cohesive soils	Uniformly graded material
	D: mm <i>N</i>	D: mm <i>N</i>	D: mm <i>N</i>
<i>Smooth-wheeled roller</i> Mass per metre width of roll 2100—2700 kg 2700 5400 kg Over 5400 kg	125 8 125 6 150 4	125 10 125 8 150 8	125 10+ 125 8 Unsuitable
<i>Grid roller</i> Mass per metre width of roll 2700—5400 kg 54 CO-8000 kg Over 8000 kg	150 10 150 8 150 4	Unsuitable 125 12 150 12	150 10 Unsuitable I Unsuitable
<i>Tamping roller</i> Mass per metre width of roll Over 4000 kg	225 4	150 12	250 4
<i>Pneumatic-tyred roller</i> Mass per wheel 1000—1500 kg 1500—2000 kg 2000—2500 kg	125 6 150 5 175 4	Unsuitable Unsuitable 125 12	150 10+ Unsuitable Unsuitable

*
layer.
number of passes.

Z5 = maximum depth of compaction
continued on next page N = minimum

2-жадвал

Category	Cohesive soils	Well graded granular and dry cohesive soils	Uniformly graded* material
	D: mm <i>Sf</i>	Z>: mm <i>vV</i>	Z): mm <i>vV</i>
<i>Pneumatic-tyred roller 2 S0t</i>)—4000 kg 4000—6000 кг 6000 - 8000 кс* 8000— 12 000 kg Over 12 000 kg	225 4 300 4 350 4 400 4 450 4	125 10 125 10 150 8 150 8 175 6	Unsuitable U n.sui tabic Unsuitable U nsuitable Unsuitable
<i>Vibrating roller</i> Mass per unit width of vibrating roll 270—450 kg 450—700 kg 700—1300 кг 1 300—1800 kg 1800—2300 kg 2300— 29(X) kg 2900—3600 kg 3600 4300 kg 4300—5000 kg Over 5000 kg	Unsuitable Unsuitable 100 12 125 8 150 4 175 4 200 4 225 4 250 4 275 4	75 16 75 12 125 12 150 8 150 4 175 4 200 4 225 4 250 4 275 4	150 16 150 12 150 6 200 10+ 225 12t 250 10+ 275 8+ 300 St 300 6+ 300 4+
<i>Vibrating plate compactor</i> Mass per unit area of base plate 880—1100 kg 1100— 1200 kg 1200—1400 kg	Unsuitable Unsuitable Unsuitable	Unsuitable 75 10 75 6	75 t> 100 6 150 6

3-жадвал


Compaction plant	Optimum speeds (km/h)
Smooth-wheeled rollers	2,5 to 5
Pneumatic-tyred rollers	1,5 to 24
Grid rollers	5 to 24
Self-propelled sheepfoot roller	4 to 10
Vibrating rollers	1.5 to 2,5
Vibrating plate compactors	= 0,7



13- расм. Грунт намлигини оптимал кийматга етказиш учун сув сепиш жараёни.

Каток билан зичлашда хар хил катоклар ишлатилади. Хамма грунтларни зичлаштирадиган уларнинг кенг таркалган тури пневмошинали катоклардир.

ковургали катоклар факат богланган грунтларни зичлаш учун, решеткалиги - булакли грунтлар ва майда тоши, гравий, музлаган булаклар борларини зичлаш учун кулланади. Титратувчи катоклар богланмаган ва кам богланган грунтларни яхши зичлаштиради. Шиббалаш усули купчилик грунтларни махсус шиббаловчи машиналар, шиббаловчи плиталар ва электрошиббаловчилар билан зичлаш учун фойдаланилади. Титратиб зичлаштитратувчи катоклар ёки титратувчи плиталар билан амалга оширилади.



14- расм. Оптимал намликдаги грунтни катоклар ёрдамида зичлаш жараёни.

ПневмоФилдиракли катоклар билан зичлаш. Грунт юзасига юкни куйганда уга кучланиш хосил булади, натижада грунтларда деформация ва зичлашиш руй беради.

Юкни ортиши билан деформация куплаб худудни камраб олади, аммо тахминан юк берилаётган майдон диаметрига тенг бўлган чукурликкача етганда худудни усиши тухтайди. Бу худудда грунтни зичлиги бир хил булади, ва зичлаштирилган грунтда ядро хосил булади. Кейинчалик контакт босимни усишида бу ядро сурилади, унга якин жойда сурилиш хосил булади, яъни грунтни бўзилиши бошланади, бу грунтни чегаравий мустахкамлигини тавсифлайди. Шунинг учун катокни массасини шундай олиш керакки, унда контакт босим грунтни 0,8-0,9 мустахкамлик чегарасини ташкил килсин.

Катокни иш унумдорлиги

$$Y_{кат} = \frac{Th(b - \Delta b)l}{\left(\frac{l}{V} + t_{\text{ш}}\right)n}$$

бу ерда T - иш сменасини давомийлиги, соат; h - зичлаштирилаётган қатламни зич холатдаги калинлиги, м; B - катокнинг ишчи органини кенглиги, м; LB - аввалги изни ёпиш кенглиги, м; l - камраб олиш масофаси ёки уни ишчи кисми, м; V - катокни тезлиги, м/соат; n - катокни утиш сони.

б)

а)




15- расм. Хозирги замон йўл қатламларни зичлаш катоклари:
а) аралаш турдаги вибро каток; б) цовурғали каток

қовурғали каток билан зичлаш. Бундай зичлаш боғланган грунтлар учун яхши самара беради. Зичлашни аввалида, грунт х, али буш бўлганда, унга кофирга тулик киради ва контакт юза билан катокни жуваси туташади. қовиргадаги юкори контакт босими буш грунтни чегаравий мустах, камлигидан анча катта бўлгани учун кофиркалар буш грунтга киради. Бундай киришда, х, ар бир кофирга остида, у билан зич ва амалда деформацияланмайдиган асос - аввал зичлаштирилган грунт кдтамигача кириб борувчи зичлашган ядро х, осил булади.




16- расм қовурғали каток билан грунтларни зичлаш кетма кетлиги.

Шиббалаб зичлаш. Бу зичлаш усули хдмма турдаги грунтлар учун қўлланилади. Шиббалаш шиббалаш плиталари, шиббалаш машиналари ва шиббалаштиргич билан бажарилади. Бу усул асосан грунтларни катта калинликда (1-2 м), тор жойларда, кам узунликдаги йўл булакларида зичлашда қўлланилади. Грунтларни кам намликда ва стандарт усул бўйича мукобил зичликдан катта зичликкачанг зичлаш керак бўлганда катта калинликдаги қатламини зичлаш учун экскаватор-кранга усилган шиббаловчи плиталардан фойдаланилади. Плитани массаси 2-3 дан 12-15 т гача. Плитани кутариш ва ташаш баландлиги аввал 2, кейин 5-6 м. Зичлаштирилайтган грунт қатламини калинлиги плита кенглигига тенг. Юкориги қатламини зичлашни каток ёки плитани 0,5 м дан ташлаб амалга оширилади. Огир шиббаловчи плитани иш чизмаси 16-расмда курсатилан.



17-расм. Эскаватор-кранни стреласига осилган оҒир шиббаловчи плитани (2 т) иш чизмаси



18-расм. Эскаватор-кранни стреласига осилган оҒир шиббаловчи плитани (12-16 т) иш чизмаси а-ёндан куриниш; б-режа; 7-шиббалагич; 2-грунт қатлами; 3-эскаваторни сурилиш кадами; 4-эскаваторни ҳаракат йуналиши; 5-зичлаштирилган минтақа

Титратувчи катоклар билан зичлаш. Бундай зичлаш йирикдонали, қумли ва супесли грунтлар бўлганда ишлатилади. Титратувчи машиналар аравачали ёки ўзиюрар куринишда булади, тор шароитда грунтларни зичлаш учун титратувчи плиталардан фойдаланилади. Титратувчи катокларни ҳар хил турларидан фойдаланилади: текис юзали жували титратувчи, титратувчи ковиргали, титратувчи решеткали.

Охири вақтларда титратиб зичлаш кенг тарқалмоқда, машиналарни тури қупаймоқда, алоҳида ўзи юрар титратувчи катокларни комбинацияси перспектив ҳисобланади.

Титратувчи машиналарни босими ута намланган қумлар учун - 30-40 МПа, қумли намликдаги қумларда - 60-100 МПа, супесларда - 150-20 МПа, оғир супесларда - 250-300 МПа.

Массаси 4-5 т титратувчи каток билан 40-50 см, катта массали катоклар билан - 60-8 см қатламли грунтларни зичлаштирилади. Тоғ жинсларини 1,5 м қалинликкача зичлашга эришилган. Муқобил намликда бир издан утиш сони тўрт-бештадан иборат.

Ўйил пойи грунтларнинг зичланганлик даражасини назорат қилиш:

Иккита турдаги назорат ишларини амалга оширилиши талаб этилади:

Сурилиш даврида, Визуал кузатиш, текшириш;

- Зичланадиган грунт тури
- Зичлаш учун фойдаланилаётган катоклар тури


- Утишлар сони
- қатлам калинлиги
- Сув микдори

Зичлаш ишлари тугатилгандан кейин, экспериментал тажриба утказиш ва меъёр билан таккослаш.


Йўл пойи грунтнинг зичланганлигини синаш қурилмалари



19-расм: Олинган намунани дала шароитида зичлик даражасини аниқлаш



20-расм: грунтларни дала шароитида зичлик даражасини аниқлаш асбоблари.



21- расм: Грунтларни зичлигини аниқлашда электрон қурилмалардан фойдаланиш.

Road Engineering Laboratory Equipment

Field Measurement: Clegg Hammer

The Clegg Impact Soil Tester is an impact test device that was developed by Clegg (1976) to evaluate the mechanical properties of compacted soil.


It is a simple to use device consisting of two basic components:

- a flat-ended cylindrical mass;
- a guide tube.

The impact of the hammer causes an electronic output to a digital display.


The output is based on the peak deceleration of the hammer's impact with the surface in units of tens of gravities.

Four successive blows of the hammer on the same spot constitutes one test, called a Clegg Impact Test (CIT)




б) а)

22- расм: “CLEGG IMPACT SOIL TESTER CIST/883” қурилмасининг қурилиши. а) умумий қурилиши б) схематик қурилиши,



23- расм: Автомобиль йўллари қурилишида йўл пойи грунтининг юк кутара олиш қобилиятини, зичланганлик даражасини аниқлашда қўлланиладиган Terratest 5000 BLU қурилмаси.


Жойларда йўл укини полати (трасса) кидириш ишларини олиб бориш жараёнида урнатилади ва мустахкамланади.



24- расм. Йўл укини мустахкамлаш чизмаси:

а-трассани эгри булагиди; б-тугри булакди; 7-йўлга ажратилган минтака; 2-пикетлар (нукта ва козиклар ёзуви билан); 3-кучириладиган столбалар белгиси билан; 4- кучириладиган козиклар; 5-ток пикетлар; ЭБ-эгрини боши; ЭО-эгрини охири; БУ-бурилиш учи; Т-эгрини тангенси; R-эгрини радиуси; В-йўлга ажратилган минтакани кенглиги.

Ишни олиб бориш учун керак буладиган ва доимий ажратилган полосадан катта бўлган вақтинча ажратилган полосаси йўл учун ажратилган ерни таснифи ва баҳосига, қўлланиладиган машинани турига, ишни усули ва куриладиган йўл пойини хар икки томонига грунтларни ва материалларни олиб келиш учун йўлларга, йўл бўйича харакатни технологик бекитилишига шунингдек курилаётган сунъий иншоотлар жойига боглик равишда белгиланади.




24 расм. Йўл полосасини дарахтлардан тозалаш:

7-айирувчи майдонча; 2-тунка олувчи; 3-агдарилган дарахтлар; 4-кесилган дарахт уюми; 5- ажратилган дарахтни кесиш чегараси; 6-тортувчи трактор; 7- тупланган дарахт; В- кесиш кенглиги

Йўл учун ажратилган хосилдор тупроқ қатлами (усимлик қатлами) ҳамма майдондан олинади ва кейинчалик қайта ишлатиш учун агдаргичга ётқизилади. Олинадиган хосилли тупроқ қатламини калинлиги (ўртача 20-25 см) ердан фойдаланувчи билан дастлабки келишган холда лойихада аниқлаштирилади. Усимлик грунти йўл пойи ён қиялигини мустахкамлаш, ажратувчи тасмага ёйиш, тикланаётган ёки кам хосил берувчи кишлок хужалик ерларини рекультивацияси учун ишлатилади.

Иш бульдозер ёки скрепер ёрдамида бажарилади. Бульдозерни ишлатганда грунтларни кесишда йўл укига бурчак остида ёки йўл полосасига нисбатан машинани буйлама ёки кундаланг харакатлантириб олиб борилади 24-расм. Грунт чиқиндиси йўлга ажратилган минтакани четига кейинги ишларга халакит бермайдиган килиб чиқарилади.

а-кичик кенгликдаги тайёрланадиган йўл минтакаси B ва унча катта булмаган n олинадиган




25-расм. Усимлик қатламини суриш чизмаси:


қатлам; б- катта кенгликдаги тайёрланадиган йўл минтакаси ва катта бўлган олинадиган қатлам кўтармада (I) ва ўймада (II); е-универсал бульдозерни буйлама утиши; а-усимлик грунтини уюми; 1, 2, 3,

4...-грунтни кесиш кетма-кетлиги; да-вақтинчалик йўл учун минтака.

Йўл пойини белгилаш жойларга келажакдаги кўтармани кундаланг улчамларини (асосининг чегарасини) ва ўймаларни юкори кошини аникловчи асосий нукталарни жойини киялиги, олинадиган усимлик қатламини калинлигини ва ён арикларни ва резервларни жойлашишини х,исобга олиб тушириш ва мустах,камлашдан иборат. Бу чегаралар автогрейдерда кесиладиган чуқурча 25-расм ёки х,ар 25-50 м да кокиладиган козик билан белгиланади.




26- расм. Автогрейдер билан кўтарма асосини чегарасини чуқурча билан белгилаш



27- расм. Тоғ ён бағрида кўтармани белгилаш чизмаси:

1-ук бўйича кўтарма баландлигини белгиси; 2-кўтарма; 3-ер юзаси



28- расм. Ўймани бўлиш чизмаси:

а-горизонтал йўл булагиди; б-бир хил кундаланг қияликли тоғ ён бағрида; 1-сатхни белгилашда ишлатиладиган қиялик лекаласи; 2-веха; 3-шаблон; 4-козик.

Кўтармасини баландлиги 1,5 м гача бўлган йўлларда, уки бўйича пикет ва кўтармани баландлигини курсатувчи козиклар кокилади, булажак кўтармани юзини билдирувчи, ёнига юкорисига кундаланг кесимли планкали веха куйилади. Катта баландликдаги кўтармаларда ук бўйича фарк козик кокиб чегараланади.

Тоғ ён бағриларида кундаланг кесимини кўтармани асосини аниклаш билан белгилаш теодолит, назоратчи шаблон, сатхи ва рейка ишлатиб аникланади. Ўймаларни белгилаш жойларда йўл укини аниклашни талаб килмасдан, қиялик лекаласидан фойдаланиб, ўймани юкори кошени аниклашни талаб килади.

Ўймани белгилаш жойларда фақат йўл укини белгилашдан иборат булмасдан, қиялик чизигичидан фойдаланиб ўймани юкори кошени аниклашни талаб килади. Чуқурлиги катта ўймани йўл булаклари учун ер машиналари билан уларни ковлашда, ён арикчаларни коши чизиги бўйича белгили козиклар урнатилади.

Сув олиб кетувчи ариклар ва тоғ ёнбағри ариклари ни белгилаш уларни уки бўйича козикларни урнатиш, уларга берилган нуктада арикни чуқурлигини, ариқдан ташкаридаги козикка - уни кенглигини белгилаш билан амалга оширилади. Ишни олиб боришда арикни улчами ва юзаси шаблонлар билан назорат клинади.

қурилиш учун йўлга вақтинчалик ажратилган полосани мустахкамлаш йўл пойи элементларини белгилаш билан бир вақтда амалга оширилади. Доимий ажратилган полоса, одатда, вақтинчалик ажратилган поласани ичида булади, шунинг учун уни чегараси йўл пойини пардозлаш иш тулик тугатгандан ва вақтинчалик подъезд йўлларини тугатгандан сунг мустахкамланади.

Ерни ажратиш меъёри СН 467-74 да белгиланган. Йўл қурилиш ишларини бажариш учун хар бир аник жой булакларидаги йўл пойини улчамларига боғлиқ йўлга ажратилган вақтинчалик полосани кискартиришга харакат килинади. Уни кўтармани асосини кенглигига ва ўймани улчамларига караб, ён ва банкет олди арикларга, банкет, шунингдек вақчалик подъезд йўлларини жойлашишига караб белгиланади. Вақтинчалик ва доимий фойдаланиш учун ерни ажратиш табиатни куриклаш, кишлок хужалик ерларидан унумли фойдаланиб ва табиатни табиий ресурсларини хисобга олиб амалга оширилади. Вақтинчалик ва доимий мустахкамланган йўл полосасини ажратилган ер режаси шаклида мустахкамлаш журнали билан расмийлаштирилади, кейин керакли ташкилотлар томонидан тасдиқланади.

Агар вақтинчалик йўл полосасини атрофида хар хил бино ва иншоотлар булса, уларни кучиришни автомобиль йўлларини лойихасининг маълумотларини сметаси ва чизмаси асосида расмийлаштирилади.

Кучириш ёки тугатилиши керак бўлган богларга, кишлок хужалик экинларига буюртмачи билан биргаликда далолатнома тўзилади.

Вактинчалик ва доимий ажратилган жойларни чегараси оралигида, қурилиш тугатилгандан сунг, ердан фойдаланувчига йўлга ажратилган худудни расмийлаштиришда тўзилган далолатномада кайд этилган холатда кайтарилади.

Назорат саволлари

1. Йўл пойини қуриш учун қандай грунтлар ярқидир, қайси бирлари ярқисиз ёки чегаралаш билан ишлатилади?
2. Йўл пойини мустахкамлигини грунтларни зичлаш даражасига богликлиги.
3. Зичлаш учун машинани танлаш, зичлаш технологиясини ўзига хослиги.
4. Автомобиль йўлини қуриш қандай булимлардан иборат?
5. қурилиш муддатини аниқлаш.
6. Кўтармада йўл пойи конструкцияси.
7. Ўймада йўл пойи конструкцияси.
8. Машина ва механизмларни танлаш.
9. “Тайёрганлик ишлари” да нималар қилинади?
10. Йўл пойида ишлатиладиган грунтларни турлари.
11. Грунтларга қуйиладиган талаблар.
12. “Асосий ишлар” да нима ишлар қилинади?
13. “Пардозлаш ишлари” да нималар қилинади?
14. Зичлаштирувчи машиналар.
15. “Максимал зичликни” қандай аниқланади?
16. Жойларда, ишни белгилашда йўл пойининг қандай элементлари мустахкамланади?
17. Усимлик қатламини олиш учун қандай машиналардан фойдаланилади ва бу грунт кейинчалик қандай ишлатилади?
18. Трассани тиклаш ишлари.
19. Йўл минтақасини тозалаш.
20. Трассани мустахкамлаш ишлари.


2- Мавзу: қоя ^{TMF} жинслари булмаган грунтлардан йўл пойини қуриш.

Режа:

1. Йўл пойини кўтарма ва ўймада қуришнинг усуллари.
2. Йўл пойини кўтармасини ўйма грунтларидан ва қарьердан ташиб келтириладиган грунтлардан қуриш технологик жараёнлари.
3. Ён резерв грунтларидан олиб кўтарма қуриш.
4. Йўл пойини қуришда ўймага ишлов бериш усуллари ва технологик жараёнлари.
5. Йўл пойини қуришда қўлланиладиган машина-механизмлар турлари, уларнинг вазифалари ва иш унумдорлиги.
6. Йўл пойини тоғ ён багрларидан қуриш.
7. Тоғ ён багрида йўл пойини конструктив хусусиятлари ва уни ишни бажариш усулига таъсири.
8. Йўл пойи устки юзасини ва ён багрини пардозлаш. Йўл пойи ён багрини мустахкамлаш.

Таянч суз ва иборалар: Грунт резерви, қундаланг ва буйлама грунтни ташиш, кўтарма, ўйма, грунтни ёйиш, текислаш, зичлаш, ён багир, пардозлаш, технология, ён резерв, қарьер.

Кўтармаларни қуриш асосан грунтларни кетма-кет ётқизишдан иборат булади. Кўтарма қуриладиган жойга олиб келинган грунт жойнинг рельефи, йўл пойи тўзилмаси ва бошқа бирқанча омилларга боғлиқ маълум тартиб билан ётқизилади, бунда зичлаштирилган маълум калинликдаги текис қатлам ҳосил булади. Грунт қатламини бирини устига бошқасини кетма-кет ётқизиб кўтармани баландлигини керакли баландликкачанг (лойиха белгисига) ётқизилади. Кўтармани бундай қуриш усули қатламлаб ётқизиш (а-расм) усули деб аталади. Бу усулни асосий яхши томони - кўтармани ҳар қандай қисмида талаб қилинган зичликка эришишдир. Бундан ташқари, грунтни қатламлаб ётқизиш кўтармани ҳар хил грунтдан қуриш имконини беради. Кўтармани қатламлаб қуришда асосий ишлар иккита йўл булагиди бир хил узунликда олиб борилади - биринчисиди грунт қатлами ҳосил қилинади, иккинчисиди уни зичлаштирилади. Кейин бу жараёнлар жойини узгартирилади, ва кўтарма тулик қутарулгунча давом эттирилади. Йўл булагини узунлиги шундай танланадики, бунда кўтармани қуриш смена давомида тулик тугатилиши керак. Агар кўтарма баланд бўлмаса ёки аксинча катта баландликда бўлса, йўл булагини узунлиги бошқа таҳлил билан аниқланади, чунончи иссиқ хавода ва бошқаларда грунтни намлигини саклаб қўлланилаётган машиналар учун керакли иш фронти таъминлаш кузда тутилади. Унча чуқур бўлмаган ўймаларда (6 м гача) бир хил грунтлар бўлганда экскаватор билан бирдан лойиха белгисигача казилади. Бундай грунтни казиш усули пешонадан (29 а расм) деб аталади. Агар ўймани ҳамма чуқурлиги бўйича бирдан тулик чуқуригича казилмаса, кетма-кет қисмларга бўлиб казилса, бундай усулни ярус усули (29, б расм) деб аталади. Уни умалар чуқур бўлганда, экскаватор учун максимал казиш чуқурлиги ўймадан кам бўлганда, ҳар хил грунт қатлами бўлганда ва бирқанча бошқа усулларда 29- в расм) қўлланилади.



29- расм. Ўймани уйиш усуллари:

1-кўтарма; 2-ўйма; 3-I ярус; 4-II ярус; 5-супесли грунт; 6-суглинок; Ну-ўйма чуқурлиги; $H'_я$

ва $H_я$ - мос равишда I ва II ярусни чуқурлиги

Ўймани уйишни кундаланг ва буйлама йуналишда олиб бориш мумкин. Биринчи усул қиска ва кенг ўймаларда қўлланилади, иккинчиси - узун бўлганда. Бу ишни ишчиларни сони катта бўлганда, узун фронт билан олиб бориш имконини беради.

Ўймалардан олинadиган грунтлар кўтармаларни қуриш учун ишлатилади. Фақат айрим ҳолларда бу грунтлар ағдаргичга суриб ташланади. Бундай ҳолат тоғ шароитида йўл қурилишида учрайди. Айрим ҳолларда грун ута намланган ёки минералогик таркиби яхши бўлмагани сабабли кўтарма учун яроксиз ҳисобланади. Аммо купчилик ҳолларда кўтарма учун грунт манбаини кидириш лозим, чунки текислик шароитида ёки баланд-пастиги кам жойларда ўйма кўтармага нисбатан кам булади.

Грунтнинг асосий массасини йўлдан ҳар хил масофада жойлашган грунт карьерларидан олинади. Асосий ишларни бажариш учун бульдозерлар, скреперлар, экскаваторлар ва транспорт воситалари билан фронтал юклагичлар ишлатилади. Машиналарни танлаш ишлаб чиқариш шароитига боғлиқ: грунтнинг таркиби ва ҳолатига, ташиш масофасига, ишни муддати ва ҳажмига, машиналар паркини борлигига.



30-расм. Ўймадан кўтармага грунтни бульдозер ёрдамида кесиб суриш.

Грунтни унча кўп масофага (100-150 м гача) суришда бульдозерлар ёки фронтал юклагичлардан фойдаланилади, катта масофаларда - скреперлар, экскаваторлар ва транспорт воситалари билан фронтал юклагичлар. 30 расмда ер ишларини баҳосини, ҳар хил машиналардан фойдаланилганда, грунтни транспортировка қилиш масофасига боғлиқлиги келтирилган. Бу берилган маълумотлардан бир катор хулосалар қилиш мумкин. 100 м гача транспортировка қилишда бульдозерлардан фойдаланиш самаралидир, 100 дан 300 м гача - аравали скреперлар. Ярим аравачали скреперлар (ўзи юрарлари) автомобил-амосвал билан биргаликда ишлаётган чумичини ҳажми $1,6 \text{ м}^3$ бўлган бир чумичли экскаватордан, грунтларни 2 - 2,5 км масофагача транспортировка қилишда самаралироқдир. Транспортировка қилиш масофаси 3 км гача скреперлар автомобил-амосвал билан биргаликда ишлаётган чумичини ҳажми $1,6 \text{ м}^3$ дан кичик бўлган бир чумичли экскаватордан самаралироқдир.



31- расм Ташиб келтирилган грунтни ёйиб текислаш

Грунтларни транспортировка қилиш масофаси 2 км дан ортиқ бўлганда ер ишларининг энг кам баҳоси иш унумдорлиги $350 \text{ м}^3/\text{соат}$ бўлган роторли экскаваторлардан фойдаланганда булади. Келтирилган дастлабки хулоса-ларни тахминий деб қараш керак, чунки ер ишлари баҳосига, курилатган графикда умуман ҳисобга олинмаган ёки қисман ҳисобга олинган кўп бошқа омиллар таъсир қилади. Масалан, ишни баҳосига сезиларли даражада экскаватор билан биргаликда ишлаётган автомобиллар таъсир қилади. Ҳар бир грунтларни транспортировка қилинадиган масофасига ва экскаваторни қовишини сизимига мос автомобильни муқобил юк кутариш қобилияти булади. Самаралорлик курсаткичларига объектда ишни ҳажми ва бир қанча бошқа омиллар таъсир қилади. Шунинг учун етакчи машиналарни муқобил вариантини танлашда аниқ шароитни ҳар томонлама таҳлил қилинади ва техник-иқтисодий ҳисоблаш билан асосий омилларни ва курсаткичларни ҳисобга олуви ечим қабул қилинади.

Ўймаларни уйиш ва қушни кўтармаларни бульдозер билан қуриш. Бульдозерар қуввати ва тортиш кучи билан грухларга булинадилар: ута огир - тортиш кучи 250 кН гача; огир - 150; ўртача - 100; енгил - 50; кичик ҳажмли - 2.5 кН.


Юрвчи кисми бўйича бульдозерлар гусенисали ва ғилдиракликга; агдаргичини бошкариш бўйича механик ва гидравлик узаткичли; агдаргични урнатиш буича - бурилмайдиган ва буриладиган (универсал) агдаргичли, булинади. Буриладиган агдаргич тракторни буйлама укини иккала томонидан 90° ва бурчак остида урнатилган ва мустахкамланган бўлиши мумкин булади. Айрим бульдозерларда агдаргич горизонтал текисликка 5° қияликда урнатиш мумкин.

Универсал бульдозерлар грунтни факат олдинга сурмасдан, ён томонга ҳам суради. Бульдозерни куллаш чегарасини кенгайтириш ва иш самарадорлигини ошириш учун бульдозерни агдаргичи открьлка, козырка, рихлителли тиш, откосник билан куроллантирилади. Агдаргичи бурилмайдиган бульдозерлар купрок қўлланилади.

Йўл пойини қуришда бульдозерни ишчи цикли грунтни киркиш, уни суриш, ёткизиш во оркага бульдозерни утиш жойига буш юришдан иборат.

Грунтни бульдозер билан ишлаш грунтни кесиш ва йегишдан иборат. Бульдозерни амарали ишлаши учун куроллари монтаж килинган тракторни тортиш кучлари, узгарувчан буиши керак: энг купи - грунтни кесиш бошида, энг ками - охирида.

Албатта агдаргич максимал чуқурликка h кирганда кесишни бошлаш керак, агдаргич олдида керакли микдорда грунт хосил бўлиши билан уни чуқурлигини камайтириб бориш керак. Кесишдан хосил бўлган шакил козик холатини олади (32, а расм).




32- расм. Бульдозер билан грунтларни кесиш схемаси

Огир грунтларни ковлашда киркишга каршилиқ жуда катта бўлиши мумкин, бу грунт керакли микдорда йегилмаса ҳам агдаргични бир мунча баландликка кутаришга олиб келади.

Бу холда трактор двигатели нормал оборот олиши билан агдаргични чуқурлаштиришни кайтаришга тугри келади, бу усулни куп марта такрорлаш мумкин. Бундай ишлашда киркишда хосил бўлган шакл гребенчатали (32, б расм) булади. Гребенчатали киркша уч маротабачуқурлаштиришдаўртгача кийинликдаги (II ва III гурух) грунтлар учун шакилни куйидаги улчамлари таклиф килинади: $h_1 = 25$ қ 30 см, $l_1 = 3$ қ $3,5$ м; $h_2 = 15$ қ 12 см, $l_2 = 2$ қ $2,5$ м; $h_3 = 12$ қ 10 см, $l_3 = 1,5$ қ $2,0$ м.

Тракторларни тортиш кучи ни ҳаммаси ишлатилмайдиган енгил грунтларда, максимал чуқурлиги бир хил бўлган грунтлар ковланади. Бу холда казилган грунтни шакли лентали (32, в расм) булади. Кесиладиган булакни узунлиги L ва грунтни агдаргич олдида тулик олиш энг кам булади. Лентали кесиш, ишлаб чикариш шароитидан келиб чикиб нисбатан чуқур булмаса, масалан 10 - 15 см калинликдаги усимлик қатламини олишда қўлланил



33- расм. Бульдозер билан грунтни ёткизиш

Сурилган *грунтни ёйиш* хар хил усуллар билан олиб борилади. Энг куп таркалган катламлаб ёйиш 33-расмда курсатилган. Грунтни ёйишда бульдозерни агаргичи харакат давомида 15-20 см баландга кутарилади ва грунт керакли калинликдаги катлам билан бир текис ёйилади. Усул «ўзидан» ёткизиш усули (33 а- расм) деб аталади.

Скрепер билан кўтарма куриш, ўйма ва грунт карьерини уйиш. Скреперлар грунтларни ковлаш ва нисбатан катта масофаларга транспортировка қилиш учун мулжалланган. Х,озирги вақтда скреперларни бир канча моделлари ишлаб чиқилади, улар тортиш усули, чумичини хажми (4,5 дан 25 м³ гача), бошқариш тури, бклаш ва тушириш усули ва бошқа курсаткичларига караб фаркланадилар.




34-расм Тиркама ва ярим тиркама скреперлар

Аравачали скреперлар Гусеничали ёки пневмо ғилдиракли тракторлар базасидаги агрегатлар билан ишлайдилар. Улар транспортировка қилиш масофаси 100 дан 500 м гача бўлганда ишлатилади. Масофа катта бўлганда аравали скреперлар рентабельности бўйича ўзи юрар скреперлардан , шунингдек экскаватор ёки фронтал юклагич билан ортिलाдиган автомобил-самасвалдан орқада қоладилар.

Ярим аравачали (ўзи юрар) скреперлар тех юривчипневмо ғилдиракли тягачлар базасидаги агрегатлар билан ишлайди. Улардан транспортлаш масофаси 300 дан 3000 м гача бўлганда фойдаланадилар.

Скреперлар нисбатан енгил грунтларни ковлаш учун ишлатиладилар. Скреперлардан боткоклик йўл булақларида, ута намланган гилли грунтларда, сочлувчан қумларда ва йирик тошлари бор грунтларда фойдаланиш мумкин булмайди.

Скрепер билан грунтларни кесиш бир неча хил усулда (34- расм) олиб борилади.




35- расм. Скреперлар билан грунтни кесиш усуллари (стрелка

билан скрепер х,арактини йуналиши курсатилган):


а-зич грунтларда; б-буш грунтларда; в-ўртача зичликда; г-қумларда Скреперни чумичи тугри чизикли харакатланганда, грунтни катта калинликда кесишга харакат қилиб, тулдирилади. Бу чумични тулдириш учун жуда яхши шароит яратади. Тулдириш йўлини узунлиги 15-25 м.

Грунтни йигиш 3 - 6° қияликда

харакатланганда максадга мувофикдир, аммо шуни билиш керакки, катта қияликда грунт чумичга тулик кирмайди, скреперни ишлашни огирлаштиради. курик қумли грунтларда уларни намланади ёки тепаликка 3° қияликда харакатланиб йигади. Грунтларни ковлаш ўймаларда ёки грунт карьерларида шахмат кетма-кетлигида шахмат-хашкаш (34- расм) ёки коврига-шахмат (35- расм) чизмаси бўйича олиб борилади.



36- расм. Скрепер билан грунтларни шахмат-шашка чизмасида кесиш



37-расм. Скрепер билан грунтларни коврига-шахма чизмасида кесиш

Грунтларни хашкаш усулида кесиш чумични узгарувчан чуқурлаштириб тулкинсимон бажарилади. Текис казилган жойни олиш учун хар бир кейинги утиш бир йўлакчада хашкашни бекитиш билан олиб борилади, бунинг учун грунтни йегиш аввалгисини бошидан 2 - 3 м га сурилиб бошланади.

Скреперни айланиши учун майдонни кенлиги чумичини хажми 3 м³ бўлган скрепер учун 7 -8 м; чумичини хажми 6 м³ бўлган скрепер учун 12 м; чумичини хажми 10 м³ бўлган скрепер учун 15 м; чумичини хажми 6 м³ катта бўлган скрепер учун 20 м. Грунтни ковшга тулик олиш учун қавланган жойни узунлиги керакли узунликда бўлиши керак, аммо скреперни харакатланиш йўли - кайрилишларсиз киска, айникса юкланган скреперлар учун, бўлиши керак.

Скреперни иш унумдорлиги

$Y_{60ЩКTKB}$

$Y = -$

(6)

бу ерда T - ишчи сменани давомийлиги, соат; q - скрепер чумичини сизими, m^3 ; K_T - чумични тулдириш коэффициент (0,8 дан 1,2 гача); K_B - вақтдан фойдаланиш коэффициенти (0,85 - 0,90); $K_{Ю}$ - грунтни юмшатиш коэффициенти (1,1 - 1,5); Σ - ишчи цикли давомийлиги, с;
 $t_i = t_1 + t_2 + t_3 + t_4 + t_5$; (7)

t_1, t_2, t_3, t_4, t_5 - мос равишда грунтни йегиш, ёткизиладиган жойга суриш, чумичдан грунтни тукиш, юклайдиган жойга сурилиш, узатгичга узатиш (ўртача 60 сек олинади) давомийлиги.

Ўйма ва грунт карьерларини экскаватор билан казиш. Кўтарма қуриш. Автомобиль йўлларини кўтармасини қуришда мақсади, ишчи қурилмасини тури, чумич хажми, юриш қисмини тури, ишчи қурилмани айланишини чегаралаш даражасига қараб экскаваторлар фойдаланилади. Экскаваторни тури, уни модели ва ишчи қурилмасини грунт ва иқлим шароитига, ишни муддати ва хажмига, грунтни транспортировка қилиш шароитига ва бошқа бир қанча омилларга қараб танланади.

Иш унумдорлиги катта бўлган роторли экскаваторлар катта хажмли бир жойга йегилган (объектда хажм 20 минг m^3 дан куп) ишларда қўлланилади. Бир чумичли экскаваторлар асосан огир грунтлар - юмшатишган тоғ жинслари, жуда зич гилли грунтлар бўлган хар хил грунтлар, агар скрепер, бульдозер ёки бошқа ер машиналарини ишлатиш ноқулай бўлса, казиш учун қўлланилади.



38-расм Грунтни резервда экскаватор билан казиб автосамосвалга ортиш



39-расм: Грунтни резервда экскаватор билан казиб автосамосвалга ортиш

Гусеничали экскаваторлар бир ерга йегилган, тез-тез жойини узгартириш талаб қилмайдиган, буш асос бўлганда, пневмошинали тез қатордан чиқадиган тоғ жинсларини қовлаш ишларда қўлланилади. Пневмо ғилдиракли экскаваторлар тарқалган ишларда грунтни юк кутариш қобилияти керакли даражада бўлганда, мақсадга мувофиқ.


Ишнинг асосий хажми тугри чумич билан жиҳозланган экскаваторларда олиб борилади; драглайн ва тесқари чумич кам ишлатилади. Драглайн, агар экскаваторни туриш жойининг сатхидан патдаги грунтни қовланса, грунт сувлари таъсирида ёки бошқа сабабли

иш олиб бориш кийин булса, кўтаргани ён резервдан олиб қуриш керак булса, ўймани уйишда грунт ағдаргичга ташланса, қўлланилади. Тескари чумич асосан траншеялар ва пойдевор ости котлованларни казишда кулланади.

а)



в)




б)



г)



40-расм қурилишда ишлатиладиган ер казиш-ортиш экскаваторлари ва юклагичлар: а) тугри чумичли; б) тескари чумичли; в) драглайн; г) юклагич.



41- расм. Ўймани қовлаш чизмаси:

а-ён забойда; б-“пешона” забойда; в-кенгайтирилган забойда; 1-экскаваторни ҳаракатланиш йуналиши; 2-экскаваторни туриш жойи;

Тугри чумич билан қурилган экскаваторни куллашда ишлаб чиқариш. Ўймани тугри чумичли экскаватор билан қовлашда бажаради: ён забойдан, агар транспорт воситалари экскаватор ёнида турса (41, а расм); пешона забойдан, агар экскаватор траншея


казиганда, грунт экскаватор оркасида шу траншеяни тубида бир сатхда турган транспорт воситасига (41, б расм) ортилса.

Автомобил-самосваллар юк ортиш учун экскаваторни оркасига у билан бир сатхга куйилади. Ишни шундай ташкил килинадики, унда биринчи автомобил-самасвалга юк ортиш томом бўлганда уни ёнида имкони борича якин иккинчиси куйилади, юк ортиш учун ағдаргичли транспортнерни стреласи у томонга кайирилади ва кузовни устига урнатилади.

Юкловчи курилма билан бир чумичли экскаваторни куллаш. Охирги йилларда қурилишда бир чумичли экскаваторлар юкловчи ишчи курилма билан биргаликда кенг қўлланилмоқда, буни яхши томони катта сигимдаги чумични, тугри чумичлини сигимига караганда 2 - 2,5 марта катта, тулдириш имконини борлиги. Экскаваторлар юкловчи курилма билан баландлиги 2.5 м гача бўлган утиш жойиларда грунтларни ковлаш ва ортиш, усимлик қатламини олиш ва автомобилга ортиш, йирик котлованларни тубини тозалаш учун самарали илатилмоқда. Экскаватор ва бульдозердан иборат бундай машиналарни комплектда ишлатиш меҳнат сарфини ва иш баҳосини, иш унумдорлигини ошириш хисобига ва бульдозердан фодаланиш кераклигини йук килиб, сезиларли каматиради.

Ўймаларни ва грунт карьерини ковлаш учун юк ортгични куллаш. Бир чумичли фронтал юк ортгичларни иш унумдорлиги яхши, харакатчан ва универсалдир, шунингдек энг ишончли ва фойдаланишда киммат эмас. Юк кутариши 5 - 10 т бўлган пневмо ғилдиракли ва гусеничали юк ортгичлар ишлаб чиқарилмоқда. Катта юк кутарадиган (15 ва 25 т) юк ортгичларни яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бир коашлиюк ортгични ишчи циклини вакти таминан бир чумичли тулик айланувчи экскаваторни цикл вактига тенг. Бир чумичли фронтал юк ортгични сочилувчан ва булакли материалларни ортиш бох,оси экскаватор билан бу ишни бажариш бох,осига тенг ёки кам. Текис ёки паст тепаликлар бўлган жойларда автомобил йўлларини йўл пойи асосан баланд булмаган кўтарма (0,6-0,8 м, айрим холларда 1 м дан катта) қурилишида булади. Бундай кўтармаларни қуриш учун нисбатан кам грунт талаб килинади ва шунинг учун якин-якин вақтгача уни, йўл бўйлаб бир ёки иккита томонидан, унинг бутун узунлигича ён резервадан олинган. Бундай ечим натижасида ер ишлари бах,оси энг кам бўлган, ва йўл пойи учун грунт кидиришда бу омил хал килувчи бўлган. Агар бу масалани бир вақт сарф иктисоди жихатидан қурилмаса, бундай ечим энг яхши ечим хисобланмайди, ва одатда рационал эмас.



42- расм. Ён резервдан грунт олиб кўтарма қуриш

Ён резервлар бор бўлганда йўл ер майдонини 2 мартта куп эгаллайди. Йўл қурилиб бўлгандан сунг резерв ерлари ифлосланиши ва усимлик усиши натижасида ахлат тупланадиган жойга айланиб, йўл пойини сув-иссиклик тартибини ёмонлаштиради, йўлда харакат ховфсизлигини таъминланмайди. Шунинг учун ён резервлардан грунт олиб йўл пойи жуда кам қурилади. Ён резервларда йўл хосил бермайдиган жойларда утганда, куйи даражали йўл қурилганда ва ер кайта тикланиши керак бўлган, резерв вақтинчалик эгаллаган жойларда утказиш рационал хисобланади. Ишни бульдозер, скрепер ёки грейдер-элеваторда бажарилади.



43- расм. ОФир ва ўрта автогрейдерлар билан йўл пойини куриш

Автогрейдер билан ён резервдан кўтарма куриш. Автогрейдерлар асосан грунтларни текислаш ва режалаштириш ишларини бажариш учун мулжалланган. Улардан кмларни, щебенларни ва гравийларни текислаш ва режалашда фойдаланилади, йўлдан корни тозалашда фойдаланилади. Ён резервдан грунт олиб кўтарма куриш уларни энг катта баландлиги 0,8 м бўлганда бажариш мумкин.

Автогрейдер билан ишни бажаришни технологик жараёнлари бир нечта кетма-кет жараёнлардан иборат: грунтни киркиш, кундалангига суриш, қатламлаб текислаш.

Резервни кесиш ички қошидан бошланади. Грунтни суриш бир нечта утиш билан амалга оширилади; бу жараён энг огири булиб, умумий утиш сонини 75 % ни ташкил қилади. Шунинг учун айрим ҳолларда икки марта кесиш бажарилади, ундан кейин кесилган грунтни суоади, кейин икки марта кесиш ва суриш ва бош. Грунтни ёткизиш иккита усулдан бирсида амалга оширилади - ярим сикиш (вразбежку) и тулик сикиш. Автогрейдер билан сурилган грунтни туплам ва тудуа холда колдирмасдан дарров текислаш керак.

Грунтларни зичлаш каток ёрдамида зичлаш, шиббалаш ва титратиш билан амалга оширилади. Зичлашнинг усулини аниқлаш грунт турига, уни холатига ва йўл пойини куриш усулига боғлиқ. Каток билан зичлаш ва шиббалаш усули билан деярли ҳамма грунтлар, титратиш усули факат боғланмаган ёки кам боғланган грунтлар учун самара беради. Кейинги вақтларда бир вақтни ўзида каток билан зичлаш ва титратиш, шиббалаш ва титратиш усулларидан фойдаланиш кенг қўлланилмоқда.

Каток билан зичлашда хар хил катоклар ишлатилади. Ҳамма грунтларни зичлаштирадиган уларнинг кенг тарқалган тури пневмошинали катоклардир.



44- расм. Грунт намлигини оптимал кийматга етказиш учун сув сепиш жараёни.

қовурғали катоклар факат боғланган грунтларни зичлаш учун, решеткилиги - булакли грунтлар ва майда тоши, гравий, музлаган булаклари борларини зичлаш учун қулланади. Титратувчи катоклар боғланмаган ва кам боғланган грунтларни яхши зичлаштиради. Шиббалаш усули купчилик грунтларни махсус шиббаловчи машиналар, шиббаловчи

плиталар ва электрошиббаловчилар билан зичлаш учун фойдаланилади. Титратиб зичлаштитратувчи катоклар ёки титратувчи плиталар билан амалга оширилади.



45 расм. Оптимал намликдаги грунтни катоклар ёрдамида зичлаш жараёни.

Кўтармаларни қуриш қатламлаб, одатда, грунтларни зичлаш учун қўлланиладиган воситаларга караб олиб борилади. Кўтармани четки қисмидаги грунтни зичлаш мақсадида тукилаётган грунтни кенглигини лойихага нисбатан хар икки томонидан 0,3-0,5 м катта кабул клинади. Бу ортикча грунтни ён қияликни текислашда кесилади ва бошка кўтарма, йўл ёни, съезд ва бош. қуришда фойдаланилади. Хар бир қатлам кўтармани юзасини буйлама қиялигини ҳисобга олиб текисланади.

Хар бир қатламни юзасини кундаланг кесими бир томонга ёки икки томонга 20-40%о қиялик килиб текисланади. Зичлашни мукобил намликда олиб бориш керак. Мукобил намликдан кам намликда боғланмаган ёки буш боғланган грунтларни ёткизилган жойида зичлаштирилгунича намланиши керак. Намликни таркалиши жуда секин кечадиган боғланган грунтларда, улар қовланаётган жойида (грунт қрьери, ўйма, резерв) дастлабки бушатишдан сунг намланадилар. Намлаш сув сепувчи машиналар билан бир неча маротаба сув сепаиб ва аралиштирилиб олиб борилади. Мукобил намликни саклаш мақсадида зичлашни керакли даражада тез, зичлаш учун керакли вақтни ҳисобга олиб, камраб олиш масофасини ҳисоблаб, бажарилади:

$$\frac{Vt}{l} = -v_{тк}, \quad (8) \quad v_7$$

бу ерда l - зичлаш олиб бориладиган камраб олиш масофаси (ёки уни ишчи қисми), м; U - зичлаштирувчи машиналарни иш унумдорлиги, м³/смен; t_0 - мукобил намлик сакланадиган вақт, соат; T - иш сменини давомийлиги; h - зичлаштирилаётган қатламни кенглиги, м; 2 - грунтни зичлашдан аввал ёткизишга сарф қилинган вақтни ҳисобга олувчи коэффициент.

Бир издан машинани кейинги утиши, камраб олиш масофасидаги (ёки уни ишчи қисми) қатламни ҳамма кенглигини олдинги утиш билан ёпгандан сунг амалга оширилади.

Агар чуқиш жадал булса зичлаш у тухтаганча ва грунтни қуригунича олиб борилмайди. Устки намлиги ортикча қатламни ағдаргичга олиб ташлаш ва кейинчалик бошка жойга ишлатишга рухсат берилади.

Зичлаштирилаётган қатламни қалинлигини ва зичлаштирувчи машинани бир издан утиш (урилиш) сонини аниқлаш учун ҳамма маркадаги машина ва ҳамма турдаги, йўл пойи қуриладиган, грунт учун дастлабки зичлаш утказилади. Грунтни керакли зичлигини, берилган грунтни максимал рухсат берилган мустаҳкамлик шартидан келиб чиқувчи контакт босимини ҳосил қилувчи машинани қуллаш билан эришиш мумкин. Бу босим зичлашни ҳамма жараёнлари давомида грунтни мустаҳкамлик чегарасига яқин бўлиши керак. Контакт босим кам бўлганда керакли зичликка эришиб булмаслиги мумкин, босим катта бўлганда зичлашмасдан бушашиши (каток гилдираги олдида тулкин ҳосил бўлиши, шиббалашда грунт четга сикилиб чиқиши) мумкин.

ПневмоГилдиракли катоклар билан зичлаш. Грунт юзасига юкни куйганда уна кучланиш хосил булади, натижада грунтларда деформация ва зичлашиш руй беради.

Юкни ортиши билан деформация куплад худудни камраб олади, аммо тахминан юк берилаётган майдон диаметрига тенг бўлган чукурликкача етганда худудни усиши тухтайди. Бу худудда грунтни зичлиги бир хил булади, ва зичлаштирилган грунтда ядро хосил булади. Кейинчалик контакт босимни усишида бу ядро сурилади, унга якин жойда сурилиш хосил булади, яънигрунтни бўзилиши бошланади, бу грунтни чегаровий мустахкамлигини тавсифлайди. Шунинг учун катокни массасини шундай олиш керакки, унда контакт босим грунтни 0,8-0,9 мустахкамлик чегарасини ташкил килсин.

Грунтни зичлигини ошиши билан, шунингдек, мустахкамлик чегарасини ошиши билан контакт босимни ошириш керак, унда жуда юкори зичлик олса булади.

Маълум кичик контакт босимда талаб килинган зичликка эришиб булмайди. Шунинг учун зичлашни аввал енгил, кейин огир катоклар билан олиб бориш таклиф килинади. Шу шартга асосан пневмокоток билан зичлашда зичлашни бошлангич боскичида шинадаги босим 0,2-0,3 Мпа бўлиши керак. Охирги боскичда босим 0,6-0,8 МПа (қумларни зичлашдан ташкари) бўлиши керак, бу грунтлар учун босим хамма боскичларда 0,2-0,3 МПа бўлиши керак. Зичлаштирилаётган грунт қатламини калинлигини кучланишни таркалиш конуниятига асосан белгиланади. Юкни таъсирини чегаровий чукурлиги амалда (3қ3,5)Д атрофида булади.

Кучланиш юкорида энг катта кийматага эга, чукурлик ошиши билан тез камаяди. Грунтнинг зичлаштириладиган мукобил қатлами юкни таъсири таркаладиган чукурликдан кичик бўлиши керак, чунки, акс холда кучланишни киймати кам бўлгани учун зичлаштирилаётган қатламни остки кисмида, грунтни зичлигини керакли микдорга эришилмайди.

Грунтларни зичлаш доимо қатламлаб олиб борилади. Шунинг учун хар бир зичлаштирилмокчи бўлган қатламни остида аввал зичлаштирилган грунт яъни керакли даражада каттк асос, булади. Агар бу асос юк таъсир киувчи чукурликдан кам чукурликда жойлашган булса, унда у кучланишни грунтда таркалишига сезиларли таъсир килади. қаттик асос кучланишни чукурлик бўйича тенглаштиради. Зичлаштирилган асос якин жойлашганда кучланиш зичлаштириладиган грунт қатламини юкори кисмида унга тенглашади.

Шундай килиб, юкни таъсири таркаладиган зонадан ташкари, куч текис таркаладиган бошка зонани ажратиш мумкин. Бу зона фаол деб аталади, уни чукурлиги - фаол зонани чукурлиги дейилади.

Фаол худуднинг чукурлиги асосан штамп диаметри Д га, яъни зичлаштириладиган машинани ишчи органини грунт юзасидаги кундаланг улчамига боглик булади. Штамп улчамидан ташкари, фаол зонани чукурлигига контакт босимини киймати ва кучланиш холатини узгариш тезлиги таъсир килади.

Яхши шароитларда, яъни мустахкамлик чегарасига якин контакт босимда, юк таъсир киладиган вақтда кучланишни тулкини бу чукурликка етиб колмасдан, унда зичлаш жараёнини ривожлантириш учун керакли вақтда кучланиш холатини юкори даражасини хосил килсин. Энг яхши шароитда фаол қатламни чукурлиги 2Д га якин булади. Назари тадқиқотлар ва амалий тажрибалар ёрдамида зичлаштирилаётган қатламни калинлигини 1,52 марта фаол зонани чукурлигидан кам олиш кераклиги аниқланган.

Тахминан пневмагилдиракли енгил катоклар (массаси 15 т) учун зичлаштирилаётган қатламни калинлиги 0,20-0,25 м; огир катокларда (массаси 25 т) 0,30-0,40 м кабул килинади. қатлам калинлиги ва утиш сони дастлабки зичлаш билан аниқланади. Грунтни зичлашиши бир хил бўлишига етиш учункатокни хамма гилдиракларини шинасида босим бир хил бўлиши керак. Энг текис зичликни секционли катоклар таъминлайди. Зичлаш четдан ўртага караб кетма-кетликда олиб борилади. Баландлиги 1,5 м дан катта бўлган кўтармаларни зичлашда юкори қатламда бир издан биринчи ва иккинчи утишлар аввал кўтарма қошидан 2 м масофада бажарилади, кейин, кўтарма қошига караб 1/3 катокни эни бўйича сурилиб,

кўтармани чети зичлаштирилади. Ундан сунг четдан ўртага караб айлана утиш билан зичлаш давом эттирилади. а) б)



46- расм. Хозирги замон йўл қатламларни зичлаш катоклари:
а) аралаш турдаги вибро каток; б) ковурғали каток.

Катокни иш унумдорлиги

η_{KAT}

$T h (b -$
 $A b) l$

$+ t . A$
 V^{AII}
 $V^V y$

бу ерда T - иш сменасини давомийлиги, соат; h - зичлаштирилаётган қатламни зич ҳолатдаги калинлиги, м; b - катокнинг ишчи органини кенглиги, м; $ЛБ$ - аввалги изни ёпиш кенглиги, м; l - камраб олиш масофаси ёки уни ишчи қисми, м; V - катокни тезлиги, м/соат; n - катокни утиш сони.

ковурғали каток билан зичлаш. Бундай зичлаш боғланган грунтлар учун яхши самара беради. Зичлашни аввалида, грунт ҳдди буш бўлганда, унга ковирга тулик киради ва контакт юза билан катокни жуваси туташади. қовиргадаги юкори контакт босими буш грунтни чегаравий мустах,камлигидан анча катта бўлгани учун ковиркалар буш грунтга киради. Бундай киришда, хар бир ковирга остида, у билан зич ва амалда деформацияланмайдиган асос - аввал зичлаштирилган грунт катамигача кириб борувчи зичлашган ядро ҳосил булади.

ковургани юзасида куп микдорда ковурга жойлашган булади, шунинг учун биринчи утиш сонидан кейин куп микдорда ядро қолади, у бир-бирига якин бўлган шахмат тартиби шаклида жойлашган булади. Ядролар орасида жойлашган грунт ҳажми грунт зарралари агрегатини ковургалар остидан четга пластик окими натижасида зичлашади. Кейинги утишда режада ковиргани грунт билан контакда бўлган жойини жойланиши тасодифий бўлгани учун, ядролар оралигида жойлашган аввал зичлашган грунт қатламида зичлаш руй беради. Бу ковиргани грунтга ботишини камайишга олиб келади. Аммо юкори контакт босими натижасида зичлашни охирида, грунт жуда зич булса хам, грунт юзаси буш бўлган қандайдир чуқурликка ковирга киради. Бу қатламни буш қисми кейинги грунт қатламини тукишдан сунг, янги қатламни остики қисмида жойлашган булиб зичлашади. Шундай қилиб, ковурғали катоклар билан ишлаганда грунтларни зичлашиши, бошка машиналар ишлаганидек юкоридан пастга эмас, балким пастдан юкорига боради. Шунинг учун, катокни биринчи утишида ковиргани грунтга ботиши - грунтни мувоффақиятли зичлаш учун мажбурий шартдир. Бу шароит бундай катокларни буш боғланган грунтларда куллашни келтириб чиқаради. Боғланмаган ва кам боғланган грунтларда юкори контакт босими бўлгани учун грунт зарраларини ва грухини четга ва юкорига жадал ҳаракатланиши юз

бериб, зичлаштирилган ядрони хосил бўлишига тускинлик килади ва хосил бўлган грунт структурасини тухтовсиз бўзилишига шароит яратади.

ковургали катокларнинг асосий курсаткичлари хар бир кулочокни таянч юзасини улчами ва уни узунлигидир. Таянч юзасини улчами, керакли контакт босимини хисоблаб таъминлаш учун, белгиланади. Амалий тажрибалар натижасида хар хил грунтлар учун куйидаги босимлар таклиф килинади: енгил суглиноклар, огир ва чангли супеслар 0,7 - 1,5 МПа; ўрта ва огир суглиноклар 1,5 - 4,0 МПа; огир суглиноклар ва гиллар 4,0 - 6,0 МПа.

ковиргани узунлиги ва уни таянч юзасини улчамлари зичлаштирилаётган грунт қатламини калинлигини белгилайди. қовиргалар шундай узунликда бўлиши керакка, грунтга тулик ботгандан сунг, уларни таянч юзасидан қатлам остигача бўлган масофа $2,5b$ дан ошмаслиги керак, бу ерда b - ковиргани таянч юзасини минимал кундаланг улчами. Грунтнинг зичлаштирилаётган қатламини калинлиги

$$h = l + 2,5b + hp, \quad (10)$$

бу ерда l - ковиргани узунлиги, см; b - ковиргани таянч юзасини минимал кундаланг улчами, см; hp - буш қатламни юзасидаги калинлиги, см.

Бир издан утиш сони каток ковиргаси билан юзани бир мартада коплашга эквивалент бўлиши керак. Бу шарт куйидаги утиш сониди бажарилади

$$n = \frac{JLK}{Fm}, \quad (11)$$


бу ерда S - катокни жуvasини юзаси, m^2 ; F - бир ковиргани таянч юзас, cm^2 ; m - ковиргаларни умумий сони; K - ковиргалар билан юзани бир текис булмаган юпиш коэффициенти (ўртача 1,3 олиш мумкин).

Аравачали ковиргали катоклар билан зичлашни айлан утишда ишчи камраб олиш масофасида, кетма-кет четдан ўртага қараб 0,15-0,25 м зичлаштирилган йўлакчани коплаш билан бажаради. Иш жараёнида ён қияликларни бўзилишини ва қиялик тагига катокни сурилиб кетишини олдини олиш учун жуванинг чети ён қиялик қошига 0,3 м (тукилган грунт қатламига) етмаслиги керак. Баландлиги 1,5 м дан катта утармаларни юкориги қатламини зичлашда биринчи ва иккинчи утишлар кўтармани қошидан 2 м нарида бажарилади, кейин 1/3 катокни эни бўйича сурилиб, кўтарманичети зичлаштирилади.

Шиббалаб зичлаш. Бу зичлаш усули хамма турдаги грунтлар учун қўлланилади. Шиббалаш шиббалаш плиталари, шиббалаш машиналари ва шиббалаштиргич билан бажарилади. Бу усул асосан грунтларни катта калинликда (1 -2 м), тор жойларда, кам узунликдаги йўл булақларида зичлашда қўлланилади.

Грунтларни кам намликда ва стандарт усул бўйича мукобил зичликдан катта зичликкачанг зичлаш керак бўлганда катта калинликдаги қатламини зичлаш учун экскаватор-кранга усилган шиббаловчи плиталардан фойдаланилади. Плитани массаси 2-3 дан 12-15 т гача. Плитани кутариш ва ташаш баландлиги аввал 2, кейин 5-6 м. Зичлаштирилайтган грунт қатламини калинлиги плита кенлигига тенг. Юкориги қатламни зичлашни каток ёки плитани 0,5 м дан ташлаб амалга оширилади.

Огир шиббаловчи плитани иш чизмаси 46 расмда курсатилагн.



47- расм. Экскаватор-кранни стреласига осилган ОФир шиббаловчи

плитани (2 т) иш чизмаси

а-ёндан куриниш; б-режа; 7-шиббалагич; 2-грунт қатлами; 3-экскаваторни сурилиш кадами; қ-экскаваторни ҳаракат йуналиши; 5-зичлаштирилган минтака

Титратувчи катоклар билан зичлаш. Бундай зичлаш йирикдонали, қумли ва супесли грунтлар бўлганда ишлатилади. Титратувчи машиналар аравачали ёки ўзиюрар куринишда булади, тор шароитда грунтларни зичлаш учун титратувчи плиталардан фойдаланилади. Титратувчи катокларни ҳар хил турларидан фойдаланилади: текис юзали жували титратувчи, титратувчи кофиргали, титратувчи решеткали.

Охирги вақтларда титратиб зичлаш кенг тарқалмоқда, машиналарни тури қупаймоқда, алоҳида ўзи юрар титратувчи катокларни комбинацияси периспектив ҳисобланади.

Титратувчи машиналарни босими ута намланган қумлар учун - 30-40 МПа, қобил намликдаги қумларда - 60-100 МПа, супесларда - 150-20 МПа, огир супесларда - 250-300 МПа.

Массаси 4-5 т титратувчи каток билан 40-50 см, катта массали католар билан - 60-8 см қатламли грунтларни зичлаштирилади. Тоғ жинсларини 1,5 м қалинликчанг зичлашга эришилган. Муқобил намликда бир издан утиш сони турт-бештаан иборат.

Титратувчи католар челнок усулида ёки қушни қумраб олиш масофасига утиб ишлайди.

Қуприк қозиклари, йўл қувурлари олдидаги қўтармаларни қуришда, ён қияликларда ва траншеяларни қумишда грунтларни зичлаш бир мунча бошқача олиб борилади. Бундай шароитларда зичлаштирувчи машиналарни ишлашида иш фронтини торлиги, қуприк қозиклари ва қувурларни бўзилиш эҳтимоллигини борлиги қийинчилик тугдиради.

қувур ва қуприк қозиги олдида грунтларни зичлашни алоҳида хусусиятларига қуйидагилар қиради:

қатламлаб ётқизишда ва грунтларни катоклар билан зичлашда машиналарни утиши йўл укига нисбатан қундаланг йуналишда амалга оширилади, яъни қозик ёки қувур буйлаб амалга оширилади. Катокни массаси 12 т катта булмаслиги қерак. қатокни зичлаштирувчи органини четидан қувурни юзасигача бўлган масофа зичлаштирилаётган қатламни қалинлигидан қичик булмаслиги қерак;

қувурларни қумиш ва қатламлаб зичлаш бир вақтда икки томондан (бир теисликни булмаслиги бир қатламача руҳсат берилади) амалга оширилади;

қувурларни қумиш умуман қўтармани қуришдан олдин қушни булакда бир қатламга олдинлаб бажарилади;

агар қувурларни сони қуп булса, қувурлар орасидаги булакни зичлаш қийин қечади. Бундай ҳолларда йўл пойини қувурни ётқизгунча қуриш муқин, уни зичлаштириб бўлгандан сунг қувур жойлашган жойни экскаватор билан қундаланг йуналишда қовланади ва қувур ётқизилади;

грунтларни огир шиббаловчи плиталар билан зичлаштирилганда плитани четидан қозикни юзигачанг бўлган масофа 2 м дан, қувурни ён деворигача 3 м дан қам булмаслиги қерак. қатламлаб ётқизишда қувур устидаги химоя қатлам грунтини енгилроқ катоклар (асосан массаси 12 т гача бўлган) билан зичлаштирилади;

ён қияликларда грунтларни зичлаш катоклар ёки экскаватор-қранга, телескоп стрелали экскаваторга, қранга ёки гусеничли тортгичга мослама бўлган шиббалаш билан бажарилади. Қуп ҳолларда диаметри 1-1,5 м ва массаси 2-3 т бўлган шиббаловчи плита ишлатилади;

плита билан қуролланган экскаваторқран қўтарма қоши буйлаб шундай масофада ҳаракатланадики, унда тортувчи арқон ён қиялик юзасига параллел булсин, унда шибалаштиргични урилиши қўтарма ён қиялигига перпендикуляр булади. Ён қияликни бир текис зичлаш учун шибалаштиргични ташлаш қалинлигини бир хил қилиш қерак. Зичлашни ён қиялик остидан бошлаб, юқорига қараб олиб борилади. Зичлашда бир қатламни устини иккинчи қатлам 0.1-0.2 м ёпиши қерак. Қўтармани қалинлиги 5 м дан катта бўлганда ён

қияликни қисмларга булиб - аввал кўтармани остки 5 м қисмини, кейин кейинги қисмида олиб борилади;

кўтарманинг ён қиялиги кам бўлганда (1:3 ва ундан кам), боғланмаган ёки кам боғланган грунтларда, трактор лебедкасига аркон билан маҳкамланган титратувчи катоклардан фойдаланиш мумкин. Ётик қияликларда (1:3 дан ётик) уларни пастдан юқорига ҳаракатланувчи титратиб урувчи трактор, грунт зичлаштирувчи машина базасидаги плиталар билан зичлашиши мумкин;

траншеяларда грунтларни зичлаш икки босқичда олиб борилади: аввал остки қисми (кувурутказгични пазухаси олди) беркитилади ва зичлаштирилади, кейин траншеяни иккинчи қисми беркитилади ва зичлаштирилади;

тираскни беркитиш ва кувур утказгич тагидаги химоя қатламни зичлаш қулда ёки осилган электро, моторли-ёки пневматик шиббалашгич билан олиб борилади;

кейинчалик туқиш учун грунт ёткизизилади ва шиббаловчи ёки титратувчи ишчи орган билан қатламлаб зичлаштирилади;

боткокликда йўл пойини қуришда ва гидромеханизация усулини қуллашда қумли грунтли кўтармани қуришда гидротитратиб зичлаштирич қулланади. Зичлаштиргич чуқрликдаги титратгич билан амалга оширилади, бунда 1 м³ қумга марказий тешик орқали сув 40-50 л микдорда 0,2-0,4 МПа босим бан юборилади. Титратгич қутарилишга ва пастга тушишда ишлайди, сув фақат пастга тушишда берилади.

Назорат саволлари

1. Кўтармани қуриш ва ўймани уйишда қандай усулдан фойдаланилади?
2. Ўймадан ёки грунт қарьеридан келтириб кўтарма қуришда қўлланиладиган технология ва машиналар.
3. Кўтарма қуришда иш жойини ташкил қилиш.
4. Скрепер билан йўл пойини қуриш.
5. Экскаватор ёрдамида кўтарма қуриш.
6. Кўтармани ўйма ёки грунтни қарьердан олиб келиб қуриш.
7. Бульдозер ёрдамида кўтарма қуриш.
8. Автогрейдер билан йўл пойини қуришда қандай ишлар бажарилади?
9. Экскаватор ёрдамида ўймаларни уйиш.
10. Зичлаш учун машинани танлаш, зичлаш технологиясини ўзига хослиги.

4- мавзу: Мураккаб табиий-иклим шароитларда йўл пойини қуриш.


Режа:

1. Тоғ ён бағрида йўл пойини конструктив хусусиятлари ва уни ишни бажариш усулига таъсири
2. Тоғ ён бағрида йўл пойи қуриш
3. Тоғ шароитни йўл пойи қуришга таъсири
4. Шўрланган грунтларда йўл пойи.
5. Сунъий сугориладиган туманларда йўл пойини қуриш технологик жараёнлари, қўлланиладиган машина-механизмлар турлари ва уларни иш унумдорлиги ҳисоби.
6. Совук хароратли кунларда йўл пойини қуриш. қишда ер ишларини бажариш хусусиятлари.
7. Йўл пойини қуриш ишлари технологик хариталари ва чизикли календарь графиги.
8. Йўл пойининг геометрик улчамларини назорати.
9. Йўл пойини қуришда ишлар сифатини назорат қилиш ва ишларни қабул қилиш.

Таянч суз ва иборалар:

қияликлар, тоғ ён бағри, технология, портлатиш, Шўрланган грунтлар, йўловчи йўлакчаси, ярим ўйма, ўйма, портлатувчи модда. Тоғ ёнбағрида йўл пойини қуришда (48-расм) ишнинг технологиясини уни конструктив хусусиятлари ва жойнинг грунт-гидрологик шароити белгилайди. қурилиш

учун энг ярклиysi ўйма ёки ярим ўймадир (48- а, б расм). Тикка ва баланд қияликларда ва тоғ ён багрини юзасидан тушаётган грунтни ушуш учун юкори берма ёки таянч деворли берма курилади. қияликнинг юкори кисми ёки ён багри керакли даражада тургун булмаса юкориги тиргак ёки копловчи девор (48-д расм) куриш керак булади. Юкориги (48-д расм) ва шунингдек пастки (48- в, з) тиргак деворларни айрим секция холида йилнинг энг курук даврида яъни грунтларни тургунлигини бўзилишини олдини олувчи тадбирлар куллаб курилади. Клинструктив ечимларнинг тез-тез узгариши ва тухтовсиз грунт-геология шароитини узгариши, грунтларни зичлашни кийинлиги курилиш технологиясини кийинлаштиради, юкори квалификацияли ишчини, энг замонвий техникани ва бажариладиган ишларни энг сифатли назоратини талаб килади.




Кўтарма ва ўймани ён қиялигини текислаш хар хил машиналар билан: откосникли бульдозер ёки автогрейдрлар, экскаватор-текисловчи (телескоп стрелкали гидравлик бир чумичли экскаваторлар), оддий чумичли ёки махсус икки агдаргичи текисловчи билан экскаватор-драглайн билан амалга оширилади.


Кўтармаларни 1:3 ва катта ётик ён қиялигада уни устидан юриб (59-расм) автогрейдер билан текисланади.

Ётиклиги 1:2 ва ундан катта бўлган ён қияликларни бульдозер билан қияликни ўзида йўл укига перпендикуляр юкоридан пастга ҳаракатланиб текислаш мумкин. қиялиги 1:3 дан кичик бўлган ён қияликларни узайтирилган пичок билан жихозланган автогрейдер ёки бульдозер билан текислайди (59- расм).




60- расм. Тик ён қияликларни текислаш учун бульдозер ва автогрейдерни жихози


Катта кўтарма ва чуқур ўймаларни ён қияликларини экскаватор билан текисланади. Баландлиги 5-7 м бўлган кўтармада телескоп стрелали экскаватор-текисловчи (60- расм) куллаш мақсадга мувофиқ, ундан катта (14 м гача) кўтармаларда - икки ағдаргичи текисловчи экскаватор (60-расм) билан ёки одий чумичли драглайн. Экскаватор-текисловчи билан текислаш экскаваторни юкори ва пастки томонидан, экскаватор-драглайн - факат юкори томонидан олиб борилади.



61- расм. Телескоп стрелали экскаватор-текисловчи билан ён қияликни текислаш а-қияликни юкори қисмини текислаш; б- қияликни пастки қисмини текислаш; қ-текислашни биринчи зонаси; Б- текислашни иккинчи зонаси



62- расм. Икки а) Даргичи экскаватор билан ён қияликни текислаш а-қияликни юкори кисмини текислаш; б- қияликни пастки кисмини текислаш Чукуррок ўймалар ёки каттарок кўтармалар бўлганда ён қияликни кенглиги 5 м дан кичик булмаган полкали ярус бўйича, экскаватор ундан юриб, текислайди. Ён қияликларни текислашда юзани ровонлиги ва ён қияликни керакли қиялиги назорат қилинади. Бунинг учун кутариб юриладиган хар хил конструкцияли лекалалардан (63-расм) фойдаланилади.



63- расм. Кўтарма ва ўймани ён қиялигини назорат қилиш а-кутариб юривчи лекала ёрдамида; б-кутариб юривчи вешка ёрдамида; 7-лекала; 2-вешка; 3-консоль

Тоғли худудларда йўл пойини қуриш бўйича ишлаб чиқаришни лойихаси (ИЧЛ) ишчи чизмалар бўйича тўзиладиган ишни навбатини ва бажариш муддатини, тургунлигини таъминлаш тадбирларини, шахсий технологик ечимларни аниқлайди. Сфатни назорати аввалам бор қурилиш шароитида йўл пойини мустахкамлигини таъминлашни текшириш ва ишни ховфсиз олиб бориш, техно-ишчи лойиха ва ИЧГга амал қилиш, хамма технологик жараёнларни машина билан таъминланганлиги, иш жойи бўйича урнатилган тартибда ишни бажаришни, грунт тупламни жойларда жойлашиш бўйича ва ишни бажариш вақти бўйича камраб олади. Бу хамма назорат тадбирлари тоғ ён багрини, қиялигини, иншоотларни мустахкамлигини сақлашга қаратилган, яъни тоғли худудларда йўл пойини қурилишини бош сифатини курсаткичларини таъминлашга қаратилган.

Тикка тоғ ён багрларида ва кучкили қияликларда ўймаларни, тиргович девор тагидаги котлованларни факат махсус химояловчи тадбирлар утказиб ва иш фронти бўйича урнатилган кетма-кетликда, уларни бажариш усуллари бўйича (экскаватор билан ишлаш ёки портлатиш, портлатиш куввати ва уларни кетма-кетлиги ва бош.) ва грунт тупланган жойи бўйича очиш керак.

Кўтармани юкори кисмида (баландлиги бўйича 1 м гача) йириклиги 250 мм дан катта булақлар булмаслиги керак, кўтармани колган кисмида - зичлаштирилаётган қатламни калинлигини 2/3 дан куп эмас. Йирик донали грунтларни зичлашда суглинкали майда доналарни намлиги кулай намликка тенг бўлиши керак, енгил нурайдиган сувга мустахкам булмаган йирик донали грунтларни зичлашда тугопластик консистенцияга мос келиши

керак. Бу грунтларни икки боскичда зичлаштирилади: аввал решеткали катоклар ёрдамида, кейин қатламни калинлиги 0,3-0,4 м белгилаб огир пневмо ғилдиракли катокда.

Мергелда, опокадп, аргиллитда, алевролитда, сланецли глинада ва бошка мустахамкам булмаган грунтларда баландлиги 1,0-1,2 м бўлган кўтармани юкори кисми, шунингдек ён боғрида 0,15-0,20 м қатлам кўтармани хамма кисми бўйича химояловчи вазифасини бажаради.

Шунингдек назоратни асосий усули булиб ишлаб чиқаришдаги кундалик назоратлар: режада ва кесимда ук чизигини тугри жойлашиши; кундаланг кесимни тугри жойлашиши, табиий асосни зичлиги, кўтарма қатламларида грунтни бир хиллиги ва зичлиги, айрим қоя тошларни қатламини тургунлиги (керак булса) хисобланади.

Назорат саволлари:

1. Шурхак грунтларда йўл пойи қуриш ишлари.
2. қумли туманларда йўл пойини қуриш жараёнлари.
3. қишки ишларни ўзига хос яхши томони.
4. қишки ишларни ўзига хос ёмон томони.
5. Иссиклик утказмайдиган материаллар.
6. қиш масумида ўйма уйиш ва кўтарма қуриш.
7. қумли туманларда йўл пойи конструкцияси.
8. “Диафрагма” нима учун керак булади?
9. қумли туманда кўтарма қуришда бульдозердан фойдаланиш.
10. Шўрланган грунтларда йўл кўтармасининг кануструкцияси.
11. Шўрланиш даражаси нима билан белгиланади?
12. Шўрланиш бўйича грунтларни турлари.
13. Шўрланган грунтларда йўл кўтармасининг қуриш муддатлари.

5- Мавзу: Йўл тўшамалари асосини қуриш


Режа:

1. Йўл тўшамалари қопламалари ва асосларининг технологик таснифи, турлари ва уларга куйиладиган талаблар.
2. Йўл тўшамалари конструкциялари.
3. Йўл тўшамаси асосини қуриш.
4. Минерал боғловчилар билан мустахамкамланган грунтлардан йўл тўшамаси асосини қуриш.
5. Органик ва ноорганик боғловчилар билан ишлов берилган ва берилмаган грунтлардан асос қатламларини қуриш.
6. Шимдириш усули билан асос ва қоплама қатламларини қуриш.
7. Минерал материаллардан жойида аралаштириш усули бўйича қопламалар қурилиши.
8. Чақиқ тошли, қум-шағалли материаллардан ташкил топган асос қатламларини қуриш.
9. Йўл тўшамалари қатламларини зичлаш технологияси. Зичлаш машиналарини танлаш тамойиллари.


Таянч суз ва иборалар: Тўшама, асос, қўшимча асос, зичлаш технологияси, минерал материал, органик боғловчилар, зичлаш, боғловчи моддалар, Чақиқ тош, қум-шағал, қоплама қатламлари, шимдириш, аралаштириш усули.

Автомобиль йўллари қурилиши айрим жараёнлардан ташкил топган услубли ишларни, яъни йўл пойи, йўл тўшамаси ва сунъий иншоотларни уз ичига олади. Йўл қурилиш ишларининг технологияси материалларга, ярим тайёр махсулотларга, йўл

иншоотларининг булак ва кисмларини тайёрлаш, ҳамда сифат курсаткичларини таъминлашга қаратилган. Йўл қурилиши жараёнларини кенг қулламли механизациялашган ва автоматизациялашган усулда бажарилишини режалаштириш керак. Автомобилларнинг йил буйи ҳаракатланишини таъминлаш учун йўлнинг катнов кисмида йўл тўшамаси қурилади. Йўл пойининг сиртига иклим омилларига ва транспорт ғилдиракларининг таъсирига яхши қаршилик курсатадиган материаллардан ётқизилади. Транспорт ғилдиракларидан таъсир этувчи кучни ва иклим таъсирини узлуксиз қабул қила туриб, йўл тўшамаси мустаҳкам, едирилиш ва ҳароратга чидамли, ҳамда ҳаракат хавфизлигини таъминлаш учун равон ва гадир будир юзали бўлиши лозим. Тўшама қатламлари калинлиги пастдан юқорига қараб камайиб боради (64,65- расмлар), бунга сабаб юқори қатлам материаллари нархининг ортиб бориши ва унга бўлган талаб кучайишидадир. Шунинг учун қоплама ута мустаҳкам материаллардан қурилиб, 1, 2 қатламдан иборат бу



64- расм. Эквивалент модуллари $E_3=60-70$ МПа. ли юқори тоифали нобекир йўл тўшамаларининг тўзилиши: 1- икки қатламли асфальтобетон; 2- сараланган чақилган тош; 3- кум; 4- шлак; 5- боғловчилар билан ишлов берилган грунт; 6- кам микдорда боғловчилар билан ишлов берилган грунт




65 расм. Эквивалент модуллари $E_3=50-35$ МПа. ли куйи тоифали нобекир йўл тўшамаларининг тўзилиши: 1 -бир қатламли асфальтобетон; 2-куйинди; 3- кум; 4-Чақил тош; 5-шағал; 6-устки ишлов қатлами; 7-сараланган Чақил тош; 8-унча мустаҳкам булмаган тош.

Йўл қопламасининг устки қатлами доимо транспорт ғилдирак-лари таъсирида булиб, едирилиб боради, натижада унинг калинлиги камая боради. Бундан ташқари қопламада ҳар хил ҳолат узғаришлари бўзилиш ва деформациялар намоён булиб туриши боис, бу қатламни вақти вақти билан тиклаб туриш талаб қилинади, купинча юПКқа едирилиувчи қатламга устки ишлов берилди.

ШИК 2.05.02-07 га қура йўл тўшамасининг турлари, қопламанинг асосий қурилишлари ва уларни қуллаш доираси 3.1-жадвалда келтирилган.

а)



66- расм. Куп қатламли йўл тўшамасида автомобилларнинг ғилдиракларидан ҳосил буладиган кучланиш:

a - вертикал кучланишлар σ_z эпюраси; *б* - горизонтал кучланишлар σ_x эпюраси; 1 - қоплама; 2 - асос; 3 - асоснинг қўшимча қатлами; 4 - тўшама Грунт; 5 - йўл тўшамасидаги кучланиш эпюра чизиги; 6 - бир жинсли грунтдаги кучланиш эпюра чизиги.

Қопламага таъсир этувчи кучлар тўшама асосига утиб, грунтли тўшама томон таркалади. Тўшама қатлами асоси бир ва куп қатламли бўлиши мумкин. Асос қатлами қопламага нисбатан таъсирларга камроқ бардош бериб ишлаши натижасида, унинг учун ишлатиладиган материал мустаҳкамлигига бўлган талаб ҳам пастроқ булади.

ШИК 2.05.02-07 га асосан йўл тўшамаси қатламлари калинлик-лари

Йўл тўшамаси бир неча қатламдан иборат булади ва куйилган талабга жавоб берадиган умумий мустаҳкам йўл конструкцияси ҳосил қилиш учун ҳар бир қатлам текисланиши ва зичланиши керак.

Автомобиль йўллари қурилиши жараёнида ётқизиладиган йўл-қурилиш материаллари (шебень, асфальтобетон ва цементбетон аралашмалари) юмшатиш ҳолатида булади ва уларнинг зичлиги, мустаҳкамлиги автомобилларнинг ҳаракатланишини таъминлашга етарлик бўлмайди. Шу сабабли ётқизилган материалларни сунъий равишда зичлаш талаб этилади ва улар зичлаш машиналари ёрдамида амалга оширилади.

ШИК 2.05.02-07 га асосан йўл тўшамасининг турлари, қопламанинг асосий қурилишлари ва уларни куллаш доираси

5 - Жадвал

Йўл тўшамаси турлари	Қопламанинг асосий қурилишлари	Йўллар тоифаси	Бандларга мувофиқ қабул цилинади
	Цементбетонли қўйма		
Мукамал	Темир бетонли ёки армобетон ва йигма бетонли	I-IV	7.8; 7.16; 7.33
	Асфальтбетонли	I-IV	7.10; 7.13
	Асфальтбетонли	I-IV	7.34
Енгиллаштирилган	Асфальтбетонли	III, IV ва II тоифали	
	Боғловчилар билан берилган Чақиқ тош, шағал ва қумли	йўлларни икки босқичли қурилишининг I-босқичида IV-V	7.34 7.34

Утувчи	Чақиқ тош ва Чақиқ тошли шағал; боғловчилар билан берилган тупроқлар ва мустахкамлиги кам материаллар	IV-V ва III тоифали йўлларни икки қурилишининг 1-боскичида	7.44; 7.45 7.37-7.39; 7.40
Оддий	қушимчалар билан мустахкамланган ёки яхшиланган тупроқлар	V ва IV тоифали йўлларни икки боскичли қурилишининг	7.39; 7.40

Асфальтобетон ва цементобетон каби материаллар биқир пластик материаллар каторига киради. Шағал ва шебень материалларини зичлашда ташки куч остида зичлаш жараёнида хажм ва зарралар шакли бўйича бир жинсли булмаган материаллар орасида пайдо буладиган ишқаланиш кучини енгишга тугри келади ва бунинг натижасида улар узаро бириқиб зичлашиб қолади. Жараён шунингдек вақт давомида содир булади, бундан келиб чиккан холда вақт фактори бу ерда ҳам худди каттик пластик материаллар деформациясидаги каби ахамиятга эга.

6 - жадвал

Йўл тушмасининг қолама ва бошка қатламлари материаллари	қатлам калинлиги, см
Йирик донли асфальтбетон	6-7
Майда донли асфальтбетон	3-5
қумли асфальтбетон	3-4
Органик боғловчилар билан ишлов берилган Чақиқ тош (шағалли) материаллар	8
Шимдириш усулида органик боғловчилар билан ишлов берилган Чақиқ тош	8
Боғловчилар билан ишлов берилмаган Чақиқ тошли, шағалли ва Чақиқ тош қушилган шағалли материаллар:	15
қумли асосда мустахкам асосда (тош ёки мустахкамланган грунтда)	8
Органик ёки аорганик боғловчилар билан ишлов берилган материаллар ва грунтлар	10

Йўл қурилиши амалиётида куйидаги зичлаш усуллари қўлланилади:

- S зичлаш S шиббалаш •S виброзичлаш.

Зичлаш вақтида зичланадиган қатлам юзасида вал думалатилади, огирлик кучининг таъсири остида материал қатламида колдик деформация юзага келади. Материал зичлиги ошгани сайин бу деформация камади ва зичлашнинг охирига бориб нолга яқинлашади.

Материал зичлигини янада ошириш валга бериладиган юк микдорини ошириш йўли билан эришилади.

Зичлаш таъсири каток огирлигига, ишчи органнинг текисланаётган қатлам билан контакт юзасига, думалатиш тезлигига ва катокнинг битта издан юришлар сонига боғлиқ.

Шиббалаш ишчи органнинг бирорта массасини даврий равишда маълум масофага кутариш ва кейинчалик зичланаётган материалнинг юзасига эркин тушиши йўли билан амалга оширилади.

Шиббалаш катта чуқурликкача зичланиш билан характерланади.

Шунинг учун бундай усул купрок катта калинликдаги қатламдан иборат бўлган грунтни зичлашда қўлланилади. Йўл тўшамалари қатламларини зичлаш учун шиббалаш усули кам ишлатилади, сабаби тош қатламларида шебень зарраларини емирилишини олдини олиш учун зарб кучи чегараланган бўлиши керак.

Виброзичлаш усулининг мохияти куйидагидан иборат: тебранаётган m масса виброуйготивчининг зонасида жойлашган материал зарралари ёки доналарига кинетик энергия беради ва уларни тебраниш ҳолатига олиб келади.

Тебратиш йўли билан зичлаш самараси тебраниш амплитудасига, унинг частотасига, виброуйготивчининг тезланиши ва массасига боғлиқ. Виброуйготивчининг амплитудаси ва массасининг ошиши билан вибрацияда зичлашиш таъсири ошади.

Йўл асослари - йўл қопламаларини қатламлари ётқизилган йўл тўшамаларининг асосий қатламидир. Асосларнинг вазифаси - бу автомобиллардан тушадиган огирликни қоплама орқали қабул қилиш ва уларни ер полотносининг Грунтга таксимлашдир.

Йўл асослари учта қатламдан иборат - юкори қатлам, энг чидамли материаллардан, пастки қатлам - камрок чидамли маҳаллий материаллардан амалга оширилади, учинчиси, яъни асоснинг қўшимча қатлами махсус вазифага эга.

Асос битта, баъзи пайтларда эса икки қатламдан иборат булади.



67- расм.Йўл тўшамасини зичловчи катоклар


Юкори қатламга 10 - 15 см калинликда чидамли ва йирик булмаган, пастки қатламга эса 15-25 см калинликда кучсизрок ва йирикрок киррали шағал ётқизилади. Асосий қатлам учун 40-70 мм улчамдаги И-1 ва И-П (емирилиш бўйича) маркали, 70- 120 мм улчамдагига эга, камрок чидамли шағал ётқизилади. Яхши навли шебендан килинган йўл асослари мустахкам ҳисобланади ва бикрликнинг ҳисобий модулига эга, таркибида чангсимон лойли заррачалар йук ва ортикча намланганда барқарорлигини йукотмайди, қопламада ёриклар ҳосил қилмайди.

Мустахкам жинсли шебен учун:

дастлаб 6т кейин 10-12 т

ва охирида 10-18 т массали металл валданиборат бўлган каток қўлланилади

Unbound Materials — placement



68-
кетлиги

расм:қурилиш жароёни кетма -

Шебенни талаб этиладиган калинликда зичлаш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда таксимлайдилар, текислайдилар ва зичлаштирадидлар. Биринчи қатламда шебень барқарорлиги ҳосил қилиш учун зичлаштирадидлар. Катокнинг юришлар сонини қатлам зичлигини текшириб, намунавий зичлаштириш йўли билан аниқлайдилар. Асосий қатламни зичлашдан кейин унинг устидан шебень улчами 40-70 мм бўлса, поналаш учун улчами 20-40 мм бўлган шебень ётқизилади, улчами 70-120 мм шебенни улчами 40-70 мм ли шебень билан поналайдилар. Уни зичлаб бўлгандан кейин поналаш учун улчами 10-20 мм бўлган шебень учинчи қатлам қилиб тушалади.

Мустаҳкам жинсли шебен учун дастлаб 6, кейин 10-12 ва охирида 10-18 т массали металл валдан иборат бўлган каток қўлланилади. Агар пневмоғилдиракли каток билан зичлашса, дастлаб 10-16тонналик, кейин 16-35тонналик, камрок мустаҳкамликка эга бўлган шебен учун дастлаб 3-5т, кейин 6-8тонна металл валикли каток, агар пневмо-ғилдиракли каток бўлса дастлаб 10, кейин 10-16 тонналик қўлланилади. Зичлашни тезлаштириш учун виброзичлашларни қўллаш мақсадга мувофиқ ва энг самарали ҳисобланади.

Шебень-шағал асос иккита қатлам қилиб қурилади: пастки қатлам 25см гача шағал материалдан, юкори қатлам 8-10см калинликда улчами 40мм гача бўлган шебендан иборат. Бундай турдаги асослар шебенни тежаш мақсадида ва уни шағал материали билан алмаштириш мақсадида қурилади.

Шлакли асосларни барча турдаги ва улчамдаги шлаклардан қурилади. Шлакларни майдалаш йўли билан олинган яхши навли шлакли шебендан ясалган асослар худди шебенли асослар каби поналаш усули билан қурилади. Барча турдаги йириклиги 0 дан 150 мм гача бўлган чиқинди металлургия шлакларидан қуриладиган асослар, худди шебенли ва шағал аралашмали каби 20-40 см калинликда қатлам қилиб қурилади, огир каток билан сув сепиб турган ҳолда зичлаштирилади.

Асосий домен шлакларидан қуриладиган асосларга уларнинг боғловчи хусусиятилари мавжудлиги туфайли паст маркали бетон сифатида қаралиши мумкин. Ёкилиги шлакларни уларнинг галвирсимонлиги ва кам мустаҳкамлиги учун асосларнинг факат қўшимча қатламларини қуриш учун ярокли.

Грунтларни мустаҳкамлаш усуллари ва улардан асос қатламларини қуриш.

- Суюк битум
- цемент
- ёки бошка боғловчи билан мустаҳкамлаш

Суюк битум, цемент ёки бошка боғловчи билан аралаштирилган грунт, яхшилаб зичлаштирилгандан кейин йўл тўшамаларининг конструктив қатламларига зарур бўлган мустаҳкамликка, сувга ва совукка чидамлилиқка эга булади. Биринчи марта боғланган грунтларни қуйдириш йўли билан уларнинг мустаҳкамлигини ошириш ишлари утган юз

Цементланган грунт(цементгрунт) етарли даражада мустахкамликка эга булади, аммо емирилишга чидамлилиги паст, шунинг учун улар емирилиш қатламисиз тўшамаларни қуришга ярокли эмас.

Минерал боғловчи материаллар билан бир каторда грунтларни мустахкамлаш учун органик боғловчи моддалар - суюк битумлар кенг қўлланилмоқда.

Мустахкамланган грунтларни куллаш сохасини кенгайтириш, уларнинг мустахкамлигини, совукка чидамлилигини, деформатив ва бошка хусусиятларини ошириш мақсадида энг самарали аралашма таркибини танлашда купчилик холларда турли таркибдаги ва мақсаддаги сирт-фаол моддалардан кам микдордаги қўшимчалар қўлланилади.

Портландцемент ёки охак (аралашма массаси бўйича 3-6%)дан кам микдорда кушиб самарали мустахкамлаш учун жалб этиладиган махаллий материал сифатида саноатнинг турли каттик чикиндилари қўлланилади ёки мустахкамлиги кам бўлган охакли-чиганокларни кесишда хосил буладиган булаклар ёки камбогланган кумларнинг чикиндилари қўлланилади. Окиб чиккан ва совуган тоғ жинслари махсулотларини мустахкамлашда ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Асосларнинг юкори ва пастки қатламларини, емирилиш қатламига эга бўлган енгил турдаги копламалар, хамда совукка чидамли қатламларни жойлаштириш учун 6-жадвал талабларига жавоб берадиган минерал боғловчилар билан мустахкамланган грунтлар қўлланилади.

7- жадвал

Мустахкамланган грунтлар хусусиятлари	Мустахкамлик синфлари бўйича курсаткичлар		
	I	II	III
Сувга туйинган намуналарнинг сиқилишдаги мустахкамлик чегараси, Мпа	6-4	4-2	2-1
Сувга туйинган намуналарнинг эгилишдаги чўзилиш мустахкамлик чегараси, МПа, кам эмас	1 0	0,6	0,2
Совукка чидамлилики коэффиценти, кам эмас	0,7 5	0,7 0.	0,65

Эслатма. 1. Грунтларни портландцемент билан, шлак-портландцемент билан ва бошка турдаги портландцементлар билан мустахкамланган грунтлар учун 28 суткада котадиган намуналар учун берилган. Грунтларни бошка қуринишдаги минерал секин котувчи боғловчилар(охак, фаол кул, цемент ёки охак кушилган кул, охакшлакли цемент, майдаланган грануллик шлаклар, майдаланган фаоллаштирилган нефениллар, бокситли ва бошка имамлар) билан мустахкамлашда 90 суткада котадиган намуналар учун хусусиятлар курсаткичи берилган.

2. Портландцемент билан мустахкамланган грунтлар структурасининг каттиклиги сабабли ва уларнинг ёрик хосил бўлишга мойиллиги сабабли сиқилишдаги мустахкамликнинг юкори чегараси бундай мустахкамланган грунтлар учун 6 МПа килиб чегараланган.

3. Секин котувчи минерал боғловчи материаллар хам кристаллсимон структурани хосил килади, аммо пастрок каттикликда; улар ёрик хосил қилишга нисбатан камрок мойил булади. Шу сабабли секин котувчи боғловчилар кушиш йўли билан мустахкамланган грунт намуналарининг сиқилишдаги мустахкамлик юкори чегараси 8 МПа кам булмаган килиб рухсат этилади.

8-Жадвал

Мустахкамлик класслари
бўйича курсаткичлар

Мустахкамланган грунтлар хусусияти

кийматлари

	I	II
Сувга туйинган намуналарнинг сиқилишдаги мустахкамлик чегараси, 20 градус С температурада МПа	4,0-2,5	2,5-1,5
50 °С, температурада сиқилишдаги мустахкамлик чегараси, МПа, кам эмас	2,0	1,2
Сувга туйинган намуналарнинг эгилишдаги чўзилиш мустахкамлик чегараси, 20 °С да, МПа, кам эмас	1,0	0,6
Совукка чидамлик коэффициенти, кам эмас	0,85	0,80

Цементгрунтли ёки бошка аралашмани тайёрлаш ва ёткизиш усули фаркланади: 1. ер полотносидаги грунтни куп юрадиган машиналардан фойдаланиб, автогрейдерлар ва йўл фрезларини куллаб аралаш мустахкамлаш;

2. ер полотносига яхши сифатли грунтни олиб келиш ва фрез билан, яхшироги автоматлаштирилган машина билан аралаштириш.

Битум эмульсиялари ёки суюк битумлар билан цемент ёки битум эмульсиясини аралаштириш йўли билан ёки хом нефтни карбомид формальдегид смоласини аралаштириш йўли билан грунтларни мустахкамлашда улар 3.4-жадвалда курсатилган курсаткичларга эга бўлиши керак.

Эслатма. 28 суткада کوتадиган намуналар учун хусусиятлар курсаткичлари берилган. Келтирилган талаблар 2 хил турли, аммо антоғонистик хусусияти булмаган боғловчи материаллар ишлатилганда ишончли таъминланади. Бунда мустахкамланган грунтда бинар аралашган структуралар мақсадли шакллантирилади, масалан, коагуляционн--кристаллизацион(Б), коагуляцион-конденсацион (ИБ), кристаллизацион-коагуляцион (11г) ва бошкалар. Бу йўл билан янги талабга жавоб берадиган хусусиятли йўл курилиш материалларини яратишда чексиз имкониятлар пайдо булади.

Йўлларда аралаштириш усули билан шимдиришга нисбатан боғловчи билан минерал материалларни жуда яхши ураб олишига эришиш мумкин. Аралаштириш жараёни боғловчи материаллардан рационал фойдаланишни таъминлайди.

Иссик клим шароитида йўлларда аралаштириш усули билан хосил килинган аралашмаларни, кам ёпишкокликка эга бўлган боғловчиларни куллаш туфайли, куп холларда қопламаларнинг аралаштириш қобиляти етарли даражада таъминланмайди.

Ёгингарчилик куп бўлган ва паст мусбат хароратли районларда, уларнинг сифати пастлиги сабабли уларни ишлатиш чегараланган.

Минерал материалларга ишлов бериш учун МГ 40/70, МГ 70/130, СГ 40/70, СГ 70/130 битумлар, тугри йўл эмульсиялари қўлланилади. Бу материаллардан кам ковушкокликка эга бўлганлари нам ва совукрок климли районларда, ҳамда майда заррачалари юкори бўлган минерал материалларга ишлов беришда қўлланилади.

Йўлда минерал материалларни боғловчилар билан аралаштириш учун оддий машиналар қўлланилиши мумкин (огир автогрейдерлар, диски боронлар ва автогрейдерлар, майда донли аралашмалар холатида эса — автогрейдерлар билан ҳамкорликда йўл фрезлари, автогрейдерларга монтаж килинган фрезлар, пичокли аралаштиргичли автогрейдерлар), ҳамда харакатланувчи аралаштиргичлар.

Оддий машиналарни куллаш одатда технологик осон хисобланади, аммо аралашмаларнинг бир хиллиги паст ва улар харакатланувчи аралаштиргичлардан фойдаланганга караганда бу қопламаларнинг умумий сифати бирмунча паст булади.

Боғловчилар билан ишлов берилаётган материалнинг намлиги оптимал кийматга якин бўлиши ва эмульсия билан аралаштирганда 3-7 % ни ташкил қилиш керак. Намликнинг юкори кийматлари майда заррачалари куп бўлган аралашмаларга тегишли. Намлик жуда куп бўлганда материални автогрейдерга ағдариш йўли билан курилиш керак. Намлик кам булса, сув куйиш ва аралаштириш керак булади. Тош материалларни боғловчилар билан

илашишини яхшилаш учун сирти фаол моддалар ва активаторларни киритиш фойдали булади. Минерал материалларни ураб олишини яхшилаш учун боғловчилар олдингига караганда ²/₃ кисмни ташкил этиши керак бўлган охириги куйишдан ташкари, тенг порцияларда уч- беш маротаба таксимланади.

Боғловчи моддаларни хар битта таксимлашдан кейин автогрейдерлар билан беш-олтита юриб, йўл фрезалари билан битта-иккита юриб, ёки борона билан иккита-учта юриб, аралаштириш амалга оширилади.

Аралашмаларни ўзил-кесил текислаш ва профиллаш учун автогрейдерлардан фойдаланилади, имкон борича автоматлаштирилган курилмали отвал билан. Зичлаш учун энг самаралиси пневмогилдиракни ёки виброкатокли курилмаларни куллаш хисобланади.

9- жадвал

Боғловчи модда билан ишлов берилган	Боғловчи модданинг маркази	Иситиш температураси		°с
		Ишлов берилмага	Боғловчи модданинг	
			ПАВ билан	ПАВ сиз
Иссик	БНД 90/130 и БН 90/130, БНД 60/90 и БН 60/90, БНД 40/60	150—170	120—140	140—160
	СГ 130/200, МГ 130/200	110—130	80—100	80—110
	СГ 70/130, МГ 70/130	100—120	80—100	90—110

Йўл асос ва қопламаларни поналаш усули билан қуришда олдиндан стационар курилмада органик боғловчилар билан ишлов берилган, улчамлари бўйича ажратилган шебенлар ишлатилади.

Шебenga боғловчилар билан ишлов бериш асфальт аралаштириш курилмаларида амалга оширилади, бунда минерал доналарни битум билан копланишига яхши имкон беради. Бу шебен доналари орасида юкори илашишни таъминлайди ва боғловчига кетган сарф- харажатни камайтиради.

қулланилаётган боғловчи модданинг тури боғловчилар билан ишлов берилган шебенни хар хил температураларда тайёрлаш ва ёткизишни талаб этади. Шунинг учун ушбу материал иссик ва совук турларга ажратилади (9-жадвал).

Боғловчи моддалар билан ишлов беришда қўлланиладиган минерал материаллар 9. жадвал талабларига мос келиши керак. Минерал материалнинг совукка чидамлилиги шимдириш усули бўйича куриладиган қатламларда қўлланиладиган материаллардаги каби бўлиши керак. Улар шунингдек Давлат стандартлари талабларига мос келиши керак.

10- жадвал

Шебень учун тоғ жинсининг тури	Шебень улчами, мм	Боғловчи модда билан ишлов берилган шебен тури			
		Ис сик	сов ук	ил ик	сов ук
	-	Шебен массига нисбатан % боғловчиларни сарфи			
		Нефть битумлари		Тошқумирли Дегтлар	

Откинди жинслар (базальты, диабазы, порфиры)	10(15)—	1,5—3	1,3	CCT 5 5 3 4 8 5 K	1,5
	20(25),	2—3,5	—2		—
	20(15)—40		1,5		2,5
	3(5) —10(15),		—		1,8
	10(15) —20		2,5		—3
Чукинди жинслар (ох,ак тошлар, кум зарралари, доломитлар ва бошкалар)	10(15)—	3—4	2—3,5	3,5	3,5
	20(25),	3—4,5	2—3,5	—5	—
	20(15)—40			3,5	5,5
	3(5) —10(15),			—	3—
	10(15) —20			5,5	6

Олдиндан боғловчи моддалар билан ишлов берилган шебендан қатламни куришдаги асосий операциялар рўйхати 10-жадвалда берилган. Грунт тагини тайёрлашда автоғудранатордан фойдаланилади. Боғловчи модда билан ишлов берилган шебени асфальт ёткизувчи, универсал таксимловчи, шебен таксимловчи билан таксимлаш мумкин; автоғрейдерлардан имкон борича автоматлашган ағдариш мосламаси урнатилганларини куллашга рухсат этилади.

11-жадвал

Операциялар номи	Минерал материаллар сарфи ва катокларни утишлар
Асосни суюк битум ёки битум эмульсияси билан грунтлаш, л/м ² 20 (25) — 40 мм, м ³ на 100 м ² улчамдаги шебени таксимлаш Қатламни енгил ёки ўрта катоклар билан зичлаш 10 (15) — 20 (25) мм, м ³ на 100 м ² улчамдаги шебени таксимлаш Қатламни огир каток билан зичлаш 3 (5) — 10 (15) мм, м ³ на 100 м ² улчамдаги шебени таксимлаш Қатламни огир каток билан якуний зичлаш	0,5-0,6 10— 12 6 — 8 1,0— 1,1 5—7 0,7 — 0,8 9—10

Емирилиш қатлами бир вақтнинг ўзида қоплама билан бирга курилади ва тайёр ёки хизмат муддати тугаётган қопламага ёткизилади. Емирилиш ҳисобига қоплама калинлиги камайгандан сунг ҳисобланган чуқурликка емирилиш қатлами қайта тикланади. Бу қатлам талаб этиилаётган текислик ва гадир-будирликка эга бўлиши керак, шунинг учун уни энг чидамли, емирилишга чидамли, кам силликланадиган, сув ва совуқка чидамли материаллардан қилиш керак.

Юзага ишлов беришда курсатилган операциялар сони қайтариладиган булса, икки ва уч марталаб қилиниши керак.


Юзага бир маротаба ишлов беришда қатлам калинлиги 1,5—2,5 см, иккиталикнинг калинлиги 3—4см, учталиқнинг калинлиги — 5 см га етади. Ишлов бериш сони юзага ишлов берилаётган қатлам тури ва сифатига ҳамда унинг вазифасига боғлиқ.

Йўл-иқлим минтақасини ҳисобга олган ҳолда юзага ишлов беришда қуйидагилар қўлланилади: БНД 200/300 ва БН 200/300, БН 130/200 ва БНД 130/200, БНД 90/130 (ГОСТ 22245—90) нефтли боғловчили йўл битумлари; СГ 40/70, СГ 70/130 и СГ 130/200 (ГОСТ 11955—82) нефтли суюк битумлар:

Минерал материал сифатида майда шебен хизмат килади (25 мм гача) юкори мустахкамлик тоғ жинслари (емирилиш бўйича И-1 ва кам холатда И-2), ва шағалларнинг майдалангани ишлатилади. Материал вазифасига караб, йириклиги ва юзага ишлов бериш тури бўйича танланади.

Емирилиш қатламларини қопламалар юзасига битталиқ ишлов бериш усули билан қуриш учун 10-15, 15-20, 20-25 мм ли улчамли бир хил шебен қўлланилади. Йирик доналар энг майдаларидан 5 мм дан қуш фарқ қилмаслиги керак.

Чегараловчи улчам бўйича материалларнинг бир жинслилига талаблар юзага ишлов бериш хизматининг тажрибасига асосланиб олинади. Бир жинсли шебенда бир қатлам ёйиб ётқизилганда бунга эришиш мумкин. Х,ар хил жинсли материалларда ҳамма вақт шундай кичик заррачалар топиладики улар юкорида қолиб, битум билан керакли илаша ола олмайди.(70-расм).



69- расм. Юзага ишлов бериш:

1 - боғловчи; 2 - боғловчи ушлаб қолмайдиган шебень;

3 - боғловчи ушлаб қоладиган шебень Автомобиллар гилдирагининг уринма қучи таъсири остида бу шебенлар ажиралиб чиқади ва четга учиб кетади, қоплама текислиги бўзилади ва йўл чеккасидаги йигилиб қолган шебенларни тозалаб олиш учун қошимча қул меҳнати талаб этилади.

Юзага ишлов бериш ишлари қурук, илик хавода амалга оширилади. Боғловчи битумларни қуллашда хаво харорати 15 °С дан паст бўлмаслиги, суюқ битумлар + 10 °С дан паст бўлмаслиги, эмульсиялар + 5 °С дан паст бўлмаслиги керак. Қузда, хаво харорати белгиланган хароратдан паст бўлса, ишлар ёмғир ва совуқ даврлар бошланмасдан 15-20 кун олдин тугатилади.

Юзага ишлов бериш бўйича ишларни ташкил этиш, битум базалари ва омборларни ташкил этишни, йўлларни тайёрлашни (ишчи зонани панжара билан ураш, йўл белгиларини қуйиш ва асосни тайёрлаш) уз ичига оладиган тайёргарлик ишларини утқизишни талаб этади. Асосга қоплама профили ёки емирилиш қатламига мос қоладиган тайёр турдаги бўйлама профиль берилади ва у чангдан тозаланади. Чангдан тозалаш, уни имкон қадар бошқа томонга пуфлайдиган ёки аксинча “чангни ютадиган” қурилмалар ёрдамида амалга оширилади.

6- мавзу: Асфальтобетон ва цементбетон қопламаларини қуриш
Режа:

1. Асфальтобетон қопламали йўл тўшамалари конструкциялари.
2. Асфальтобетон таркибини танлаш.
3. Иссик асфальтобетон аралашмалардан қопламалар қурилиши
4. Цементбетон йўл қопламалари конструкциялари.
5. Йигма қопламаларни қуриш

Таянч суз ва иборалар: Асфальтобетон, тўшама, қоплама, конструкция, шебень, шағал, битум, эмульсия, цементбетон қоплама, йигма ва яхлит цементбетон, йигма монолит, қурилиш, технологиялари.

қаттиқ бўлмаган турдаги йўл тўшамалари конструкцияларини танлашда қуйидаги фикрларга таянилади:

Йўл тўшамаларининг барча қатламларида олдиндан ишлов берилган ва махкамланган маҳаллий тош ва боғловчи материаллар кенг қўлланилиши керак. Махкамланган грунтлардан бўлган асослар самарали хисобланади.

Конструкция технологик бўлиши ва максимал даражада механизациялаш имкониятини таъминлаши керак ҳамда қурилишни саноатлаштирилиши керак.

Асфальтобетон қопламали йўл тўшамалари конструкциялари чизмаси 70-расмда курсатилган. Келтирилган чизмалар йўл тўшамаларини замонавий тенденцияда - кам сонли қатламлар билан қуришни курсатади.

Қатламлар сонини камайтиришда битум қўлланилган материалларнинг иккита қатлами билан чегараланиш мақсадга мувофик.

Асфальтобетоннинг катта калинликдаги юкори қатламини шебен, шағал ва битум, дегт ёки эмулсия билан ишлов берилган ёки боғловчилар билан ишлов берилмаган бошка минерал материаллардан бўлган қатламларга ётқизиш мумкин.



70- расм. Асфальтобетон қопламали йўл тўшамалари конструкциялари:

- 1 - қопламанинг юкори қатлами зич асфальтобетондан;
- 2 - қопламанинг пастки қатлами галвирсимон асфальтобетондан;
- 3-асоснинг юкори қатлами юкори галвирсимон асфальтобетондан;
- 4 - асоснинг пастки қатлами (ёки бир қатламли асос) шебен ёки шағалдан;
- 5 - кумдан килинган асоснинг (сув утказувчи) кўшимча қатлами;
- 6 - юзага ишлов беришдаги емирилиш қатлами;
- 7 - бетон, зуриккан бетон ва цемент билан махкамланган грунтдан килинган асос.

Охирги йилларда асосларда зуриккан бетон қўлланилмоқда. Қопламаларни ёрилишга ва иссиқликка чидамлилигини оширишга имкон берувчи сув-иссиқлик режимини яхшилаш мақсадида асосларни стирпорбетондан, яъни стирпорали тулдирувчи, кичик массага ва паст иссиқлик утказувчанликка эга бўлган бетондан қуриш мақсадга мувофик..

Асфальтобетонлар ва уларнинг аралашмалари учун кабул килинган таснифлар бўйича уларни физик ҳолати ва ишлов беришга қулайлигига кура зичланадиган ва куйиладиганга ажратилади. Зичланадигани юкори қатлами 1% дан кам булмаган ҳажмда колдик говакли асфальтобетонларни ҳосил қилиш билан характерланади, бунда ҳар хил турдаги катоклар билан уларни зичлаш талаб этилади.

Куйилган аралашмалардан катта миқдордаги битум ва юкори иситиш харорати туфайли зич, говаксиз асфальтобетонлар олинади. Бу аралашмалар енгил таркалади ва ётқизувчининг бруслари ёрдамида текисланиб, охирги зичлик олинади, бу ҳусият катокларни куллашдан воз кечиш имконини беради.

Минерал материаллар доналарининг энг катта улчамига боғлиқ равишда кайнок аралашмалар йирик доналига - 40мм гача бўлган улчамдаги доналар, майда доналига -

доналар улчами 20 мм гача бўлган ва қумли - 5 мм гача бўлган улчамли доналига ажратилади.

Совук аралашмалар майда донали ва қумлига ажратилади.

Аралашмалар зичлиги бўйича куйидагиларга ажратилади: зич — иссик колдик говакли 2—7 %, говакли — 7—12 % и юкори говакли — 12-18%.

Говакли ва юкори говакли аралашмалар қопламаларнинг пастки қатламида ва асоснинг юкори қатламида, зичлари - қопламаларнинг юкори қатламида қўлланилади.

Шебен ва шағалли аралашмалар улардаги шебен ва қумли аралашмаларнинг микдорига боглик равишда қум турига боглик холда куйидаги турларга булинади: А — куп шебенли; Б — шебенли; В — кам шебенли; Г — майдаланган қумли; Д — табиий қумли қум.

А турдаги иссик ва илик аралашмалар сифат курсаткичларига боглик равишда икки маркага (I и II), Б, В и Г турдаги — учта «марки (I, II и III), Д тури — икки маркага (II и III) ажратилади.

Бх и Вх совук аралашмалар икки маркага ажратилади: (I и II), Г турдагиси I- марка, Д турдагиси — факат II марка булади.

Говакли ва юкори говакли асфальтобетонлар учун иссик ва илик аралашмалар икки маркага ажратилади (I и II).

Асфальтобетон маркалари нафакат хусусиятлар курсаткичлари бўйича балки минерал материалларнинг ташкил этувчиларининг сифати бўйича ажратилади: I маркали аралашмаларда энг чидамли шебен ва юкори сифатли минерал қукун қўлланилади; II и III маркали аралашмаларда материаллар ташкил этувчилари сифатига куйилган талаб пасаяди.

Аралашмалар ва асфальтобетонларнинг сифат курсаткичларига бўлган талаблар 3.5 жадвалда келтирилган.

Қопламаларнинг юкори қатламини қуришда асфальтобетонларни куллаш сохаси 3.6 жадвалда курсатилган.

Қопламанинг юкори қатламини шакллантириш, яъни асфальтобетонни меърий хусусиятларга эришиши аралашмаларда битумнинг ёпишқоклиги канча купрок булса шунча тезрок содир булади.

Иссик аралашмалардан қопламаларни шакллантириш асосан зичланган асфальтобетон қатламини совушидан кейин тугайди. Иссик аралашмалардан бўлган асфальтобетонни, барча йўл-иклим зоналарида, барча тоифали йўлларда куллаш мумкин, сабаби у энг мустахкам ва узок муддат хизмат қилишга ярокли х,исобланади.

Илик аралашмалардан шаклланган қопламалар тезлиги бир неча соатдан 15 суткагача тебранади. Камёпишқок битумли илик аралашмалардан бўлган қопламаларни хдракат учун зичлангандан кейин тез очиш мумкин. Суюк битумли илик асфальтобетон 1-2 хафта давомида транспорт воситалари хдракати билан зичлашни талаб этади, бунда уларни бошқариш керак булади. Илик аралашмадан бўлган асфальтобетон кам чидамли ва ундан килинган қоплама иссик аралашмадан килинган қопламаларга караганда кам хизмат килади.

12- жадвал

Курсаткичлар	Асфальтобетон коришма маркалари		
	учун меъёр		
	IV, V	IV, V	IV, V
Сиқилишдаги мустахкамлик чегараси,			
МПа, куйидаги температураларда:			
а) 20 °С, кам эмас, барча турдаги асфальтобетонлар учун	2,5	2,2	2,0

б) 50 °С, кам эмас, куйидаги турлар учун:			
А	0,9	0,8.	-
Б и В	1,3	1,2	1,1
Г	1,6	1,4	1,3
Д	—	1,2	1,1
в) 0 °С, куп эмас, барча турдаги учун	13,0	13,0	13,0
Сувга чидамлилики коэффициенти, кам эмас	0,85	0,80	0,70
Шишиш, % хажм бўйича, куп эмас	0,5	1,5	1,5
Колдик говаклилик, % хажм бўйича		3,0— 7,0	3,0—7,0
Сувга туййиниш	2,5— 7,0	2,5— 7,0	2,5-7,0

Совук аралашмалардан килинган қопламаларни шакллантириш секин (20-40 сут) утади ва улар битумнинг маркасига, хаво шароитига, автомобилларнинг юк кутариш қобилияти ва хдрактланиш интенсивлигига боглик булади. Совук асфальтобетон аралашмалардан килинган қопламалар кам чидамликка эга ва кам хизмат килади, аммо иссик ва илик аралашмалардан килинган қопламаларга караганда купрок ёрикка чидамли булади. Совук асфальтобетондан килинган қопламалар энгил турдаги қопламалар турига киритилади.

13-жадвал

Йўл-иклим минтака	Асфальтобетон тури	Х,ар хил тоифали автомобил йўллари учун аралашмалар маркаси		
		I, II, IIIп, Iс	III, IVп, Iс, II с	IV, IIс
IV, V	Иссик аралашмалардан, зич	I	II	III
	Совук аралашмалардан	Қўлланил майди	II	III

п, IVп — саноат корхоналари йўллари учун аралашмалар маркаси; Iс, IIс - кишлок хужалиги йўллари учун.



71-расм. Иссик асфальтобетон коришмасини йўлга ёткизиш технологик жараёнида лавхалар.

Иссик асфальтобетон аралашмаларидан қопламалар, температура 5 °С дан паст булмаган хавода ва асос котмаган, курук бўлганда, илик хавода курила бошланади. Кузда, хаво температураси 10 °G га пасайганда иссик аралашмалардан килинган қопламаларни куриш тугатилади, илик — 5 °С гача. Жуда паст температурада аралашмаларни ёткизишда махсус чоралар курилади. Бу чегараланиш асфальтобетон аралашмалар тез совумаслиги учун зарур,

чунки копламалар зичланмасдан қолиб кетиши мумкин. Ётқиизиш звеносига хар битта асфальт ётқиизувчига учтадан кам булмаган каток хисобга олинади.



72-расм. Хозирги замон асфальтобетон коришмасини йўлга ётқиизувчи машиналар:

а) резина ғилдиракли; б) гусеницали.

Сифатли ётқиизиш учун келтирилган аралашма керакли температурада бўлиши зарур. Битум маркасига боғлиқ равишда ётқиизишда аралашма учун рухсат берилган энг кичик температураси 14- жадвалда курсатилганига мос келиши керак.

14- жадвал

Аралашма тури	Битум маркаси	Аралашма температураси, °С, кам эмас	
		СФМ сиз	СФМ билан
Иссик	БНД 90/130, БН 90/130, БНД 60/90, БН 60/90, БНД 40/60	120	110
Совук	СГ, МГ, МГО 130/200	70	70


Ётқиизишда буйлама чокларни хосил килмаслик учун бир вақтнинг ўзида иккита ва учта ётқиизувчи билан ишланади. Ётқиизилган қатлам юзаси ётқиизувчи юшишидан кейин текис, бир жинсли, ўзилишсиз ва говаксиз бўлиши керак. Тор полосаларда буралган жойларда аралашма, асосий ётқиизувчи билан бир вақтнинг ўзида қўшимча кичик ётқиизувчи билан ётқиизилади, бу копламани бутун эни буйлаб аралашмани бирданига зичлашга ҳамда эксплуатация жараёнида бўлиши мумкин бўлган қўшимча ёриклар ва буйлама спайкаларни хосил бўлишидан сакланишга имкон беради.

Битта полосани ётқиизиб, асфальт ётқиизувчи четлари совумасдан кушни полосага утади, яъни 72. расмда курсатилган чизма бўйича ишлайди. Совиб колган холатларда

Ж	£0	SO	6Q	SC
Щ		>0	?£	I ;rr
ill	-te'y	Армдг /	...-J5- A# /	y>' ;
	/A		t-b f\	/ . [ifk
чу s.t	v 4 r			
so	SB		to	o

73- расм. Асфальтукладчикнинг полосадан полосага утиш чизмаси :

1 - ишчи юриш; 2 - кайтиш; доирада курсатилган; доирасиз коришмани ёткизиш кетма-кетлиги курсатилган (1 -22) - ишчи ва кайтиш йўллари алашаши.



74-

Расм: Автомобиль йўлларини қуришни технологик жараёни харитаси.

Катта булмаган хажмдаги ишларда олдиндан зичланган қатламга 15-20 см энлиликда бўлган иссиқ аралашмали валик ётқизилади, ва у қурилмани олдидаги қўшимича полосаларни олиб ташлайди. Асфальтобетон қопламасини қуриш бўйича меҳнат самарадорлигини урнатиш учун асфальт ётқизувчининг меҳнат самарадорлигини U аниқлаш керак. (т/смена):

$$U = 60TK\epsilon B\gamma u \quad (14)$$

бу ерда: T — сменанинг давомийлиги, с; $K\epsilon$ — вақтдан фойдаланиш коэффициентлари (0,9гача); h — ётқизилаётган қатлам калинлиги, м; B — ётқизилаётган полоса эни, м; u — асфальтобетон аралашмасининг талаб қилинаётган зичлиги, т/м³; γ — ётқизувчининг ҳаракат тезлиги, м/мин. Формула шаклини узгартириб, асфальт ётқизувчининг бир соат давомида квадрат метрларда ётқизган қатламини аниқлаш мумкин:

$$U = 60TK\epsilon B\gamma u \quad (15)$$

Цементобетон йўл қопламалари конструкциялари.

Цементбетондан қилинган конструктив қатламли йўл тўшамалари каттик турга киритилади. Каттик йўл тўшамалари энг мустахками ҳисобланади, оғир ва интенсив автомобиллар ҳаракатланишига мувофиқлашган йўллар қурилишида кенг қўлланилади.

Каттик қопламалар ва асосларнинг конструкцияларини қуйидаги белгилар бўйича квалификация қилиш қабул қилинган:

қ Қурилиш технологиялари бўйича - монолит, йигма, йигма-монолит;

қ Қатламлар сони бўйича — бир ва икки қатламли;

> Арматураларнинг мавжудлиги ва тури бўйича — арматурасиз, арматурали, (армо- темирбетон, узлуксиз арматураланган);


> Бетон тури бўйича — оғир бетондан, енгил бетондан (керамзит-, термолитбетон);

> Йўл тўшамасида жойлашиши бўйича — қопламада, асосда;

> Қучланиш ҳолати бўйича — оддий, олдиндан қучланган (арматураланган ва арматурасиз сикланган);

> Цемент тури бўйича — оддий портландцементда, зуриккан цементда;

> Зичлаш усули бўйича — вибрацияланган, шибаланган, қўйма бетондан, зичлантирилган паст маркали бетондан



75-расм: Монолит цементбетон қопламали йўл тўшамаси конструкцияси
А 380 ‘Тузор- Бухоро- Нукус -Бейнеу’ 355-440 км участкаси

Бетон учун ишлатиладиган материаллар



76-расм: цеменбетон тайёрлаш учун ишлатиладиган маиериаллар.
Бетон коришмасини тайёрлаш

ш



77- расм: цеменбетон коришмасини тайёрлаш зоводи

Монолит цеменбетон қопламали йўл тўшамалари каттик тўшамали конструкциялар турларининг асосий куруниши хисобланади. Монолит цементбетон қопламали каттик йўл тўшамалари I и II тоифали йўлларда курилади, тегишли техник-иктисодий томндан асосланганда, III тоифали йўлларда ҳам курилади.

Текислаштирувчи қатлам қоплама плиталарини асос буйлаб аралаштиришда хосил буладиган ишкालаниш кучини хароратнинг узгариши оқибатида камайтиради, асоснинг нотекис жойларини текислайди ва қоплама калинлиги узгаришини стабиллаштиради, автмобиль гилдираги таъсир кучини тенг таксимлайди ва қоплама плитасидаги кучланишни камайтиради.

Текисликни таъминловчи автоматик тизимли юкори ишлаб чикариш кувватига эга бўлган хозирги замон машинаси комплектини куллаганда, боғловчи моддалар билан

муштахкамланган материаллардан асослар қуриш учун текисловчи қатлам қурилмасига эҳтиёж қолмайди.


ЦЕМЕНТБЕТОН ҚОПЛАМАЛАРИНИ ҚУРИШ ТЕХНОЛОГИСИ



78- расм: цементбетон қопламаларини қуриш технологией жараёнини ишлаш кетма кетлиги.

Хаво ҳароратининг мавсумий ва суткалик узғаришларида ҳосил буладиган зуриқишни камайтириш учун цементбетон қопламаларида ҳароратдан кенгайиш, торайиш ва ишчи чоклари жойлаштирилади.

Кенгайиш чоклари (78-расм) цементбетон қопламалари плитасининг йўл қопламаси қурилган шароитдаги ҳароратдан юқори бўлган ҳароратда узайиш имкониятини таъминлайди.




79- расм. Кенгайишнинг а) кундаланг ва б) буйлама чоклари типик конструкцияси:

а - қопламаларда; б — сунъий иншоотлар олдида; 1—қозиклар; 2—диаметри 4ммдан кам бўлмаган арматурадан ясалган каркас- корзинка ; 3— каттик прокладка (сосна, арча ёки бошқа материаллардан); 4 — мастика; 5—битум суртмаси ; 6 — полиэтилен қопқочка ; 7 — тиркиш (оралик); 8 —герметикловчи материал ёки резина прокладка; 9 — галвирсимон енгил сикилувчи материал (полистирол вараги (лист)

Бетон қоплама плитасининг узунлиги бетоннинг температурадан кенгайиш коэффициентига пропорционал қуяди ва ушбу қопламани ётқизиш вақтидаги температуралар фаркига боғлиқ. Кенгайиш чокларида қоплама бутун эни бўйича кесилади ва бутун қалинлик бўйлаб ёғоч, резина ва бошқа материаллардан прокладкалар урнатилади. Кенгайиш чокиннинг юқори қисми сув ўтказмайдиган материаллар (мастика, герметика ва х.к) билан тулдирилади.

Сиқилиш чоклари (79. расм) қопламаларни қуриш пайтидаги хароратдан паст хаво температурасида хосил буладиган цементбетон плиталарнинг кискаришига йўл қуяди. Плита узунлигининг кискариши пайтида қоплама ва асос орасида хосил буладиган ишқаланиш қучи цементбетон қопламасида тортувчи зуриқишни юзага келтиради.



80- расм. Сиқилиш чокларидаги козикларнинг жойлашиш чизмаси:


1-Боғловчилар билан маҳкамланган минерал материаллар ёки грунтдан қилинган асослардаги сиқилиш чоклари; 2- кенгайиш чоки; 3 - козиклар; 4 - боғловчилар билан ишлов берилмаган материаллар (қум, шебень, шлак, гравий-қум аралашмаси) дан қилинган асослардаги сиқилиш чоклари

Сиқилиш чоклари ушбу зуриқишни камайтириш имконини беради ва бу билан боғлиқ бўлган иккита сиқилиш чоклари орасидаги кундаланг тирқишларни хосил қилиш эҳтимоллигини камайтиради. Қопламалар сиқилиш чокларида бутун эни буйлаб калинлигининг 4.1 қисми дан кам булмаган чуқурликда кесиб чиқилади; бу кесик жойдан пастда кейинчалик ёрик хосил булади. Сиқилиш чокининг юқори қисми сув утказмайдиغان материаллар билан тулдирилади.

Буйлама йуналишдаги чоклар қопламанинг эни 4.5 метрдан кенг бўлган ҳолда урнатилади. Улар плиталарнинг кундаланг йуналишда температурага боғлиқ равишда қоробления имкониятини йўл қуяди ва буйлама тирқишларида ёриқлар пайдо бўлиш эҳтимоллигини камайтиради.

Сиқилиш чоклари тури бўйича ишчи чоклар бетонлаш жараёнидаги қутилмаган танаффуслар пайтида урнатилади.

Сирпанувчи шаклдаги қопламаларни қуриш пайтида кенгайиш чокларини қопламанинг калинлиги 22-24 см бўлганда ва иш давридаги хаво харорати 10 дан 25 °С гача ва ундан юқори бўлганда қилмаслик керак. Бунда асосан қуйидаги шартлар бажарилиши керак: цементгрунтдан қилинган сифатли асос, йўл чети монолит материаллардан маҳкамланган ёки маҳкамловчи полосалар цементбетондан қурилган, йўлларни эксплуатация қилиш даврида эса барча кундаланг чокларни сифатли ҳолатда сақланиши.



81-расм. Кундаланг сиқилиш чоки ва буйлама чоки конструкциялари:

а - янги ёткизилган бетонда; б - комбинирланган усулда; в-котган бетонда; г- буйлама чок; пунктир билан козикларни битумда мойлаш курсатилган, буйлама чокларда буни қилишмайди. Қопламаларнинг кенгайиш чоклари талабга жавоб бермаса куприк ва йўл утказгичлар олдида 15-30 метр оралигида эни 6 см даги каттик сиқиладиган материал билан тудирилган, кенгайиш чоклари учтадан кам булмаган сонда урнатилиши керак.

Кундаланг ва буйлама чоклар плитадан плитага зуриқишни қисман узатиш учун хамда автомобилларни утишида чокларда зиналар хосил бўлишини бартараф этиш учун арматураланади. (81.расм).Сирпанувчи шаклдаги калинлиги 22-24 см бўлган қопламаларни қуришда, калинлиги 16 см ва ундан катта бўлган цементгрунтдан ясалган асосларда сиқилиш чокларида махкамловчи козиклар қилинмайди, назорат чокларида махкамловчи козиклар янги ёткизилган бетонда қотишнинг бошланғич муддатида хароратдан зуриқишни камайтириш учун урнатилиши бундан мустасно.

Агар суткалик температура узғариши қоплама юзасида 20 градусга етса сиқилиш чоклари тури бўйича урнатиладиган бундай чоклар арматура қилинмаса хам булади, чунки бундай шароитда барча кундаланг чоклар назорат чокларида арматуралар йук бўлганда 1-2 ой давомида очилади. Сиқилиш чокларида козиклар мавжуд булмаса, йўллар эксплуатация қилиниши жараёнида уйиклар хосил бўлиши мумкин.

Уларни тулик бартараф қилиш учун козиклар урнатилиши ёки қопламалар калинлигини 2 см га кенгайтириш керак булади.

Ер полотноси нотекис бўлган чуқиш жойлари қутилса, (5 м дан баланд бўлган кўтарма, , йўлутказгичлари ва х.к)

қопламанинг конструкцияси узунлиги 5-7 метр бўлган арматурланган плиталардан амалга оширилади, йирик шаҳарларга қиришда ва I и II тоифали йўлларда, интенсив ва огир харакатларда 10— 20 м узунликдаги арматурланган плиталардан, тирқишларнинг кенлиги 0, 2 мм гача ошиши шартдан келиб чиққан ҳолда арматуралар сарфланиб, амалга оширилади. Арматурланган плиталарнинг калини лойиха ёки ҳисоблашларга мос равишда камайтиради.

Қумли ёки шағал-қумли асосларда цементбетон қопламаларни қуриш вақтида йўл чеккаларига махкамланадиган плиталарнинг чети, диаметри 12 мм даврий профилдаги иккита стержень билан арматурланади.

Махкамловчи полосалардаги кенгайиш ва сиқилиш чоклари арматураланмасдан қоплама чокларининг давоми сифатида урнатилади. Қоплама плитаси калинлиги ва барча конструктив элементлар калинлиги лойихалаш вақтида ҳисобланади. Йўл тоифаси ва ҳисобланган харакат интенсивлигига боғлиқ равишда қоплама калинлиги 18— 24 см га тенг булади.

Цементбетон қопламаларнинг асослари қопламаларни стабил ишлашига, бетонёткизувчи машиналар комплектини утқишига, материаллар юкланган юк машиналарнинг юришига мулжалланган булади. Асослар харакатланувчи юк ва қоплама плитаси қораблениеси натижасида ер полотноси Грунтга берадиган босимни камайтиради.

Тайёрланган асосларга йўл плиталарини ётқишиш - йигма қопламаларни қуришдаги монтаж ишларида муҳим босқич ҳисобланади. Тайёр қопламанинг транспорт сифати куп ҳолларда ётқишиш сифатига боғлиқ булади, биринчи навбатда унинг текислигига.

Плиталарни ётқишиш ишлари технологиясига қуйидаги асосий талаблар қуйилади: ётқишиш натижасида қоплама юзаси талаб қилинган қияликда ва текисликда бўлиши керак; хар битта плита ўзининг пастки юзаси билан асосга таяниши керак; ётқишиш жараёнида қушни плиталар ва лойихадаги чоклар эни улаш қурилмасига тугри жойлашиши таъминланган бўлиши керак.

Плиталар қумнинг цемент билан қурук аралашмасига 1:10 нисбатда ёки цементқумли сувли аралашмадан қилинган текисловчи қатламга жойлаштирилиши мумкин. Плиталарни қумли асосларга бевосита ётқишишда унинг зичлиги стандарт бўйича 0,98 - 1, намлиги оптимал қийматдан ошмаслиги керак.

Куп холларда плиталарни ётқизиш ўзи юрар стрелкали кранлар ёрдамида амалга оширилади. Кранларни танлаш ишлаб чиқариш қуввати ва стрелани чиқиши бўйича амалга оширилади. Краннинг юк кутариш қобилияти битта плитанинг массасига озгина захираси билан (20-40%) мос қилиши керак.

Плиталарни монтаж қилиш жараёнида автомобил кранлари одатда қопламанинг ётқизилган қисмида жойлаштирилади(84.расм).

Автомобил кранлари ва пневмоходли кранлардан фойдаланиб плиталарни ётқизиш технологиясининг икки тури мавжуд: “ғилдиракдан” ёки йўл чеккасида жойлашган штабелдан . Кундаланг чоклар сонини камайтириш учун плиталарни йўл уқи буйлаб катта томони билан ётқизилади.

82- расм. Бир оқимда иккита кран билан плита ётқизиш:

vy.. I А Ў м -Л
- тайёрланган асос; 2 - йўл ёкасига чиқарилган плиталар; 3 - кранлар;
4 - ётқизилган плиталар; 5 - ётқизилаётган плиталар.

Биринчи навбатда қоплама уқига уланадиган плиталар ётқизилади, ундан кейин чеккадагилари ётқизилади. Битта тулик кундаланг каторни ётқизгандан кейин, кран хозиргина ётқизилган плиталар устидан олдинга силжийди. Бунда ётқиши сифати биринчи марта синовдан ўтказилади. Плиталар яхши ётқизилган бўлса, кран остида плиталар чайқалмаслиги ёки сезиларли даражада чуқмаслиги керак. Плиталарни монтаж қилишдаги ишлаб чиқариш қувватини кутариш учун катта юк кутариш қобилиятига ва узайтирилган стрелага эга бўлган кранларни куллаш мақсадга мувофиқ, улар битта тухтаган жойида икки- учта кундаланг каторларга плиталарни ётқиши имкониятига эга.

Плиталарни ётқиши сифати ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун кранлар махсус ушлагичлар билан жихозлантирилади, уларнинг ёрдамида асосга туширилаётган вақтда плитани горизонтал ҳолатда бўлиши таъминланади.

Плиталарни кран билан арматура пулатидан қилинган махсус халкадан ушлаб кутариш сезиларли технологик ва конструктив камчиликка эга: халкани урнатишга қўшимча металл сарфи; плиталарни қопламада ётқизгандан кейин ушбу халкаларни эгиш ва кесиб ташлашга кетадиган қўшимча иш; кран стропаларига халкани маҳкамлаш учун вақт ва кул меҳнати сарфи ва ётқизгандан кейин уларни бушатишга кетган вақт сарфи. Бу камчиликлар плиталарни ётқиши учун вакуум - ушловчи қурилмаларни куллашда бартараф этилади. Бундай қурилмаларнинг асосий афзаллиги- қўшимча кул меҳнатини сарфламасдан плиталарни тез ушлаши ва қуйиб юбориши(бир неча секунд давомида). Баъзан плиталарни ётқиши учун рельс- формаларда

7-мавзу: Йўл қурилиш ишларини ташкил қилишнинг асосий хусусиятлари Режа:

1. Автомобиль йўллари қурилишига ташкилий-техник тайёрланиш.
2. Йўл қурилишининг ишлаб чиқариш базасини ташкил қилиш.
3. Йўл қурилиш ишларини ташкил қилиш усуллари.
4. Қурилишни ташкил қилиш ва йўл қурилиш ишларини олиб боришни лойихалаштириш.
 5. Автомобиль йўлини қуриш учун машиналар паркиннинг оптимал таркибини белгилаш.
6. Йўл қуриш ишларини олиб боришнинг технологик хариталари. Автомобиль йўли қурилишининг календарь графигини тўзиш.
7. Автомобиль йўллари қуришда сифат назорати, хавфсизлик техникаси, меҳнат ва атроф муҳит муҳофазаси.
8. Автомобиль йўли қурилиш сифатини баҳолаш. Йўл пойи ғрунти намлиги ва зичлигини назорат қилиш.
9. Йўл пойини геометрик улчамларини назорати

Таянч суз ва иборалар: Йўлнинг геометрик улчамлари, режа, кесимда,

ён қиялик, карьер, резерв, ағдаргич, сифат назорат, технологик харита, чизикли календарь графиги, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш базаси, Табиий шароит, меҳнат муҳофазаси, иш сифати, атроф-муҳит, экология, объект, ер ишлари сифати.

Йўл пойини қуриш уни уқини ва кошини амалдаги режали ва баландликдаги урнини, шунингдек ён қияликни уларни лойихавий геометрик улчамига нисбатини аниқлаш билан олиб борилади.

Режада ва кесимда йўл пойини тугри жойлашишини лойихада келтирилган белгиларни жойларга тушириш ва геодзик асбоблар ёрдамида бажариладиган белгилаш ишларини туликлиги ва аниқлиги билан таъминланади. Йўл пойини баландлик белгисини назорат қилиш учун, шунингдек Россияда ишлаб чиқариладиган лазерли улчовчи асбоб ПИЛ-1дан фойдаланиш мумкин. У узатувчи қисм ва фото қабул қилувчи қурилмадан иборат. Узатувчи қисм лазер узатгич 4, уни урнатиш учун штатив 5 ва озикланиш блоки 6 дан иборат. Фото қабул қилувчи қурилма улчовчи рейка 1 ва фото қабул қилувчи 2 дан иборат. Улчаш натижаларини визуал рўйхатга олиш стрелкали асбоб 3 ёрдамида амалга оширилади. Ишлаш вақтида фото қабул қилувчи стрелкали асбобида улчамлар қурингунча рейка буйлаб сурилади, ундан сунг рейкани шкаласидан ҳисоб олинади. ПИЛ-1 ни қуллаш улчаш аниқлигини (хатолик ± 1 мм дан кичик) оширади ва геодизистларни иш унумдорлигини 1,5-2 марта оширади, шунингдек унча ёруғ булмаган жойда ишлаш имконини беради.

Ён қияликни текшириш лекала-шаблон ёрдамида бажарилади.

Ён қияликни назоратини тезлашган усули маълумдир. Ён қияликни текислигини ва йўл пойини баландлигини сифатини назоратини тез аниқлаш учун Н.А.Михайленко шаблон ва геодзик асбоблар (теодолитлар ва нивелирлар)ни эклиметр ва рейка билан алмаштириш усулини таклиф қилди. Бу курсатқичларни назорат қилишда узунлиги 3-4 м бўлган қияликка урнатилган рейкага 1 элемент 2 урнатилади ва оғиш бурчаги a (83- расм) улчанади. Рейкадаги булинган белгилар орқали оғиш масофаси l аниқланади. Йўл пойининг қоши олдидаги кўтармани баландлиги (ёки ўймани чуқурлиги)

$$h = l \sin a.$$


Рейка ёрдамида бир вақтда қияликдаги нотекисликлар аниқланади ва ғрунтни кесиш ёки тулдириш учун маяклар урнатилади.

А.А.Ловагин содда мослама билан ишловчи йўл пойини қундаланг ва буйлама қиялигини текширувчи рейкани конструкциясини (83- расм) ишлаб чиқди. Уч метрли икки

таври алюминий рейкага 1 иккита призма курунишидаги оргстеклоли ва унда суюклик учун тешик бўлган идиш 2 ва 4 махкамланади. Идишлар узаро трубка 3 билан бирлаштирилган. Суюкликни йуқолмаслиги учун огзи пробка 5 билан ёпилган. Призми бирсига идиш уклари орасидаги масофага ва керакли аниқликка қараб булинган интервалли белги (I куруниш) қуйилган. Ишни соддалаштириш мақсадида қиялик унли булакда эмас, минг булакда белгиланган 0 дан 80 гача градировка бажарилган, аммо автомобил йўллари куришда қиялик 0,04 дан деярли ошмайди. Асбобни компактчини ошириш шу кийматлар билан чегараланиш мумкин. 4 идиш ҳаракатланмайдиган қилиб мустаҳкамланган, 2 идишни вертикал бўйича ҳаракатлантириш мумкин. Суюклик (краскаланган сув) системагарейкани горизонтал қуйиб 0 белгигача келтирилади. Хисобни олишни қулай бўлиши учун ойна урнатилаган. Рйкани саклаш ва транспортировка қилиш учун икки қисмида шарнирли боғловчили йегилувчи қилинган. Назорат қилишда журнал тутилади, унга текширилган кун, йўл пойини лойихавий ва амалдаги улчамлари ва уларни огиши, бажарилган иш хажми, шунингдек берилган ишни баҳолаш бўйича хулоса ва таклифлар ёзилади. Назорат натижасида йўл пойини бажариш чизмаси тўзилади. Қурилиш булимни раҳбари (мастер, иш юритувчи) бу чизмага журнал малумотларига, агар рухсат берилган огиш булса, асосан кейинги ишни бажариш учун рухсат беради, агар огиш меъёрдан ортик булса - уларни тугрилаш учун кейинги ишгача муддат ва курсатма беради. Назоратни натижаси ер ишларини амалдаги кийматини лойихавийдан қанча огганини аниқлаб беради.

Йул пойининг геометрик улчамларини назорати


a)



83- расм: Кўтарма ва ўймани ён қиялигини назорат қилиш
 а-кутариб юривчи лекала ёрдамида; б-кутариб юривчи вешка ёрдамида;
 1-лекала; 2-вешка; 3-консоль

Ер ишларини бошқарилишини системали, берилган курс бўйича баландлик белгисини ва автоматик ҳаракатини кузатувчи йўл машиналари билан бажарганда (автогрейдерлар, профиловщиклар) бу жараёни ҳамма босқичларида копир толасини урнатишни назоратини сифатини амалга оширади.

Геодезик улчаш ишларини бажаришда экскаватор грунтни қовлаётган жойга, кўтарма ва ўймани ён қиялигига, йўл пойини қошидан 1 м қам масофага теодолит, нивелир ва бошқа асбобларни урнатишга, йўл буриладиган жойларда сигнал постларисиз ва махсус оғохлантирувчи белгисиз ишлашга рухсат берилмайди.



84-расм. Ён багир қиялигини улчаш:

1-рейка (Правиол); 2-бурчак улчаш асбоби (эттер);

Керакли далолатномани расмийлаштирмасдан йўл пойини кабул килмасдан (биргаликда буюртмачини техник куриги ва лойиха ташкилотини авторлик тектиришисиз) йўл тўшамасини конструктив қатламларини куришга рухсат берилмайди. Технологик танафусда аниқланган дефект ва камчиликлар, уларни сабабидан катъий назар, топшириладиган вақтигача тузатилиши керак. Йўл пойини оралик топширгунча, сув кочирувчиларни, дренажларни, тирговия деворларни. Кучкига ва музлашга карши иншоатларни оралик кабул килинади. Бунда дренажларни куриш бўйича ишлар айрим элементлар тайёр бўлган сари кабул килинади (буйлама дренажга аолохида оралик кабул керак булади). Очилган мохли ва дернли қатламни олгандан сунг, торфлар олингандан сунг, тункалар олингандан сунг, йўл пойи асосини грунтини куриштиш ёки алмаштирилгандан сунг, уни юзасида текислашдан аввал копир толасини урнатиш ишларга тўзилган далолатнома билан кабул килинади.

Йўл пойини кабул қилиш даврида уни геометрик улчамларини, режа ва буйлама кесимда жойлашиши, ён қияликларни қиялиги ва мустахкамлиги, резервлар, берма, ариқларни тоғри жойлашганлиги ва расмийлаштирилиши текширилади. Грунтли карьерлар, резервлар ва ағдаргичлар топширишга рекультивация килинган холда берилади.

Йўл пойини кенглиги ва ён қиялиги йўлнинг хар бир километрида учта жойда текширилади, шунингдек куриш жараёнида гумон бўлган жойда. Режада йўл пойини холатини айрим бурилиш бурчага ва улар орасидаги тугрилари улчаб, шунингдек эгриларни булинишини қўшимча назорат килиб текширилади. Йўл пойи буйлама кесимини белгисихамма пикет ва лойих қиялигини улчайдиган нукталарда текширилади. Бунда йўл уки белгиси, қоши ва сув кочирувчи иншоатни туби текширилади.

Йўл пойи грунтини сифати ва уни зичлаш даражасишлаб чиқариш назоратини бажариш босқичлари хужжати бўйича ва лаборатория синовлари бўйича текширилади. Алохида ахамият кувурлар қумилган жойга ва куприкларга олиб келувчиларга берилади. Йўлнинг хар бир километрида учта жойдан кам булмаган назорат утказилади ва қўшимча кувурлар устида ва мостлар конусида. Йўл пойини баландлиги бўйича грунтни тури узгарганда мос чуқурликка қўшимча синов утказилади.

Йўл пойини асосий конструктив элементларини улчамларини рухсат берилган огиши ахамиятли коэффиценти a_i урнатилган коидалар билан айрим ишларни сифатини S ни асосий сифатини боҳоловчи ўртача тортилган киймат бўйича O_t баҳолашга имкон беради:

$$\frac{g - a_1^2 + a_2^2 + \dots + a_n^2}{n} = \frac{g - a_1^2 + a_2^2 + \dots + a_n^2}{n} \quad (12)$$

$i = 1$

Лойиха, меъёрий хужжатларга улчамларни мослик даражаси «аъло», «яхши» ёки «кониқарли» баҳога боҳоланиши мумкин. Бу баҳолар шартли равишда мос равишда 5, 4 ва 3 баллга тенглаштирилади.

Йўл пойини сифатини умумий баҳоси P куйидаги ишларни S ўртача кийматини йегиндиси сифатида аниқланади: 1) йўл пойи асосини тайёрлаш; 2) кўтарма куриш ва ўйма уйиш; 3) сув кочиришни таъминлаш; 4) мустахкамлаш ишлари:

$$P = 0,26(0,7k + S_2 + 0,8S_3 + 0,7k), \quad (13)$$

бу ерда иш турини баҳолашни сонли коэффицентлар ва индекслари курсатиб утилган ишларни тартиб рақамига тугри келади.

Меъёрий хужжатларда йўл пойини ровонлигига, талаблар ишлаб чиқилмаган, шунинг учун у жуда катта оралик кийматига эга. Етарли ровонлик булмаса зичлаш бир хил булмайди ва йўл тўшамаси қатламларидаги материални ортикча сарфига олиб келади. В.А.Семенов йўл пойи учун ровонлик меъёрини ва бирхиллигини таклиф килди. Одатдаги йўл машиналари

билан йўл пойини куришда уч метрли рейкани остида ёриглик 10 мм гача куйилади, кузатиш системаси бор машинада - 5 мм.

Автомобиль йўллари курилиши атроф-мухитга жиддий таъсир утказди. Бундай таъсир турлича табиатга эга. Ер қатламини хосил қилиш, куприклар куришокибатида жой ландшафта узгаради; сув хайдовчи сунъий иншоотларнинг, чуқурликларнинг барпо этилиши, резервлар ишлаб чиқилиши гидрогеологик ва геокреологик жараёнларнинг кечишини узгартириб юборади; бутун Автомобильйўли буйлаб ажратилган ер чегарасидаги, карьерлардаги дарахтларнинг кесиб ташланиши, тункаларнинг казиб олинishi, буталарнинг олиб ташланиши, тупрок-усимликқатламининг бўзилиши ҳам гидрогеологик, геокреологик, биологик ва биокимёвий жараёнларга таъсир утказди; тураржой биноларининг, йўлкурилиши бўйича ишлаб чиқариш корхоналарининг курилиши, козонхоналардан фойдаланиш, асфалтбетон коришмаларини тайёрлаш усимликларнинг йук килинишига олиб келади, янги ерларга одамларнинг кучиб келиши эса атрофдаги хайвонлар ва кушлар сонининг кескин камайишига сабаб булади.

Қурилиш, геодезик, тадқиқот ва бошка ишлар тугаганидан кейин бу ишларни бажараётган ташкилотлар уз кучлари билан ҳамда уз маблағларига фойдаланилган ерларни кишлокхужалиги учун яркли холга келтириши лозим. Ерларни тиклаш курилиш ишларини олиб бориш давомида ёки улар тугаганидан кейин бир ойлик муддатда, бироқ тупрок музлайдиган пайтдан бошкавактда олиб борилади.

Йўл пойини куришда ишлар сифатини назорат қилиш ва ишларни кабул қилиш йўл пойи курилиши сифатини технологик жараёнга мувофик назорат қилишда куйидагиларни текширилиши лозим:


- > йўл пойининг уки буйлаб режада ва баланкликда тугри жойлашганини;
- > олинадиган грунтни унумдор қатлами калинлигини;
- > йўл пойи асосидаги грунт зичлиги;
- > ишлатиладиган грунтнинг намлиги;
- > ёткизилаётган қатлам калинлиги;
- қ кўтарма қатламларида грунтнинг бир хиллиги;
- қ кўтарма қатламларидаги грунтнинг зичлиги;
- > юза равонлиги;
- > йўл пойи кундаланг кесими (ук билан йўл чети орасидаги масофа, кундаланг нишаблиги, ён багир киялиги);
- > зах кочирувчи кувор ва сув кайтарувчи курилмалар, қатламлар, йўл ёкаси ва ёнбагир кияликларини мустахамлигининг тугри бажарилганлиги.

Куриб битказилган йўлни ва унинг иншоотларини фойдаланиш учун кабулқилишда ажратилган ерлардан тугри ва тежамли фойдаланилгани текширилиши зарур.

Йўл тушамси мустахамлиги, қоплама равонлиги ва тишлашиш сифатини бах, олаш усуллари ва курилмалари

Йўл қопламаси юзасининг геометрик хусусиятлари


Ⓐ



- (A) Лойихавий юза (D) Мегатекстура
- (B) Микротекстура (E) Равонлик
- (C) Макротекстура
- (F) Буйлама кесим

№	Қопла юзасининг геометрик параметралар номн	Улчов бирлннгн(мм)	
		Тулщ-ш узунлик	Амплитуда
1	Мг ткр отек сту р а	0 - 0.5	0 - 0.2
2	Ма кр отек сту р а	0.5 - 5	0.2 - 1
3	Мегатекстура	5 - 50	1 - 5
4	Рявонлик		
	Кнчгж тулщ-ш у зуншждагн	50-5000	1 - 20
	Ўрта тулщ узунлкдагн	5000-15000	5 - 50
	Катта тулк;нн узунлкдагн	15000-	10 - 200

қоплама норавонлиги деб- унинг юзасини автомобиль динамикасига, динамик юкланганликка ва харакат кулайлигига таъсир киладиган даражада, лойихдвий юзага нисбатан огиши тушунилади. 8888



85-расм: Иулнинг равонлиги йўл юзасининг таснифи булиб, норавонлик ёки буйлама ва кундаланг равонликларга ажратилади. Уч метрли рейка ва унинг понаси



86-расм: Равонликни уч метрли река ёрдамида аниклаш.

Тураржой-фукаролик объектларини (йўлбошкармалари, мотеллар, ёнилгикуйиш станциялари, йўллардан фойдаланиш хизмати уйлари ва х.к.) қуришда ерлардан тежамли фойдаланилгани П-60-65 СНиП "Шахарлар, кишлоклар ва кишлокахоли пунктларини режалаштириш ва қуриш" бўйича текширилади.

Қурилиш ишлари боришини назорат қилишда машиналар, жихозлар, транспорт воситалари бўйича технологии жараёнларни жорий этишнинг тупроқ ва хавони ифлослантирадиган зарарли чиқиндиларнинг ажралиб чиқишини олдини олувчи чораларига канчалик риюя қилинаётганига аълоҳида эътибор бериш керак. Қурилиш учун вақтинча бериладиган кишлокхужалик ерлари ёки урмонзорлар ишлар тугаганидан кейин, агар бу ишлар урмон ёки баликх ужаликлариди тупроқ қатламнинг бўзилишига олиб келган булса, рекултувация қилиниши лозим.

Тикланган ерлардан фойдаланувчиларга ерларнинг берилиши далолатнома билан расмийлаштирилади. Рекултивация ердан фойдаланувчилар хисобига амалга оширилади, йўлқурилиши учун сметада эса зарур воситалар назарда тутилади.

Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш учун тегишли технологик тадбирлар амалга оширилиши лозим, улар асосида чанг (АБЗ, ҚДЗ) ва атмосферага зарарли моддалар чиқармайдиган технологик жараснлардан фойдаланиш ётади. Асбоб-ускуналарнинг чоклари ва бирикувчи жойлари яхшилаб герметизация қилинади ва максимал даражада мустахкамланади, ишончли чанг тутувчи мосламалар (АБЗ) урнатилади. Зарарли моддалар рекупирацияланган бўлиши, улардан ажратмалар санитар иормалар даражасигача камайтирилиши лозим.

Тураржойлар, маъмурий бинолар технологик жараёнлар кечадиган ҳамда хавони ифлослантирувчи моддалар (АБЗ, ҚДЗ) манбалари бўлган ишлаб чиқариш корхоналаридан 500-1000 метрлик химоя зоналари билан ажратиб қуйилади.

Атмосферани муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар Автомобиль йўллари қурилиши бўйича ишларни ташкил қилиш лойиҳасининг технологик қисмида ишлаб чиқилади. Йўллари Автомобиль қурилиши учун ажратишда хайвонлар миграцияси йўллари саклаб қолишни ҳам режалаштириш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Дунё ҳамдустлигини тургун ривожланиш тармоқларини эълон қилган ва унда инсонларни ҳужалик фаолияти инобатга олинган. Уларга қуйидагилар киритилган:

- тухтовсиз тараккиёт марказида инсонлар булиб, улар соғлом унумли яшаш ҳуқуқида табиат билан ҳамоханг бўлишлари керак;
- тараккиёт ҳуқуқини таъминлашда атроф муҳитни ҳозирги ва келажак авлод учун саклаш;
- атроф муҳит муҳофозаси тараккиёт жараенини ажралмас қисмини ташкил этиши керак.

Транспорт қурилишида юқорида келтирилган тамойилларга асосан экологик тизим ёндашуви ишлаб чиқарилган ва у ушбу фаннинг шаклланаётган бир қисмидир. Транспорт экологияси фанида транспортни табиат билан узаро таъсири, атроф муҳитни инженерлик химоялаш усуллари, биосферада тухтатиб булмас жараёнларни ҳосил бўлишини олдини олиш масалалари урганилади. Шу ёндашувга биноан табиат-техник тизим (ТТТ) ва унинг транспорт тизим булаги (ТТТТ) тушунчалари киритилган. Биринчиси - инсонлар ҳужалик фаолияти натижасини акс эттиради, иккинчи эса унинг бир булагидир. Асосий ёндашув бу транспорт объектини лойхалаш, қуриш, фойдаланиш ва қайта қуриш даврида объектни хавфсизлигини таъминлашни бошқарувчи усул яратишдир. Бундай усулни татбиқ этишда ҳар бир автомобил йўл лойиҳаси бўйича атроф муҳит химояси тадбирларини ишлаб чиқилади. Тадбирларда атроф муҳитга етказилиши мумкин бўлган зарарни олдини олиш еки уни тиклаш усуллари амалга оширилади. Экологик зарарни олдини олишда техник ечимларни экологик энг хавфсизин танлашга ва тиклаш усули ТТТТни ҳафли таъсирлаш омилига тургунлигини оширишга қаратилган.

Автомобиль йўл транспорти қурилишида келиб чиқадиган экологик муаммоларни қуйидаги қурилиш ечимлари бўйича гуруҳлаш мумкин:

- ердан фойдаланиш;
- архитектурали режалаштириш;
- конструктив;
- технологик.

Автомобиль йўл қурувчилари ердан фойдаланувчилардан булиб, унга давлат фондидан ер майдони ажратилади. Амалдаги қонунчиликка биноан, зарурият учун вақтинчалик ажратилган ер майдонларидан фойдаланувчилар уз маблаглари хисобидан рекултивация - ерни табиатга тиклаб қайтариш бўйича ишлар бажаришга мажбурдирлар. Рекултивацияни қурилиш даврида , буни имкони булмаганда эса, ишлар тугатилгандан сунг бир йил давомида бажарадилар. Унумдор тупроқ қатламини бузулиши билан боғлиқ

ишларда қатлам юзадан кучирилади, уюм ҳолатда сакланилади, агар лозим бўлса, уюмга керакли сув ва угитлар билан парвариш қилинади. Унумдор тупроқ қатлами уз мақсади буича қайта ишлатилинади. Ерни рекултивация ишлари техник ҳужжатларни бир қисми булиб, ер участкасини ажратишни расмийлаштириш учун керакли органларга такдим этилади.

Автомобиль йўллари қурилишида автомобил йўли унинг атрофидаги иншоотлар билан бир каторда грунт резервида, карьерларида ер майдонлари ишланилади. Бундай майдонлар иш тугатилгандан сунг текисланиб, унумдор тупроқ билан копланиб, кишлок ҳужалик учун ярқли холга келтирилиши керак.

Карьер урнида сув хавзалари ҳосил қилинганда, унинг киргоклари кучки ҳосил бўлмаслиги учун, атрофида ободонлаштириш ишлари бажарилади.

Пармалаш - портлатиш ишларни бажарганда, портлаш энергиясини атроф муҳитга таъсирини камайитириш учун, бир вақтда портлатиладиган зарядларни массасига чекловлар қуйилади, зарядларини портлатиш вақти оралиги қупайитирилади. Улоктирувчи хусусиятга эга бўлган портлатувчи моддалар урнига юмшатирувчи портлатиш моддаларни ишлатиш, ва сунгра юмшатирилган тоғ жинсини ер қазувчи машиналар билан қазитиш ишларини бажаритиш керак.

Тоғли ҳудудларда йўл пойини қуриш буйча ишлаб чиқаришни лойихаси (ИЧЛ) ишчи чизмалар бўйича тўзиладиган ишни навбатини ва бажаритиш муддатини, тургунлигини таъминлаш тадбирларини, шахсий технологик ечимларни аниқлайди. Сфатни назорати аввалам бор қурилит шароитида йўл пойини мустаҳкамлигини таъминлашни текшириш ва ишни ҳовфсиз олиб бориш, техно-ишчи лойиха ва ИЧЛга амал қилиш, ҳамма технологик жараёнларни машина билан таъминланганлиги, иш жойи бўйича урнатилган тартибда ишни бажаритиш, грунт тупламни жойларда жойлашитиш бўйича ва ишни бажаритиш вақти бўйича қараб олади. Бу ҳамма назорат тадбирлари тоғ ён багрини, қиялигини, иншоотларни мустаҳкамлигини саклашга қаратилган, яъни тоғли ҳудудларда йўл пойини қурилишини бош сифатини қуратқичларини таъминлашга қаратилган.

Тикка тоғ ён багрларида ва кучки қияликларда ўймаларни, тиргович девор тагидаги котлованларни фақат махсус химояловчи тадбирлар утқазиб ва иш фронти бўйича урнатилган кетма-кетликда, уларни бажаритиш усуллари бўйича (экскаватор билан ишлаш ёки портлатиш, портлатиш қуввати ва уларни кетма-кетлиги ва бош.) ва грунт тупланган жойи бўйича очиш керак.

Қўтармани юқори қисмида (баландлиги бўйича 1 м гача) йириклиги 250 мм дан қатта булақлар бўлмаслиги керак, қўтармани қолган қисмида - зичлаштириладиган қатламни қалинлигини 2/3 дан қуп эмас. Йирик донали грунтларни зичлашда суглинқали майда доналарни намлиги қулай намликка тенг бўлиши керак, енгил нурайдиган сувга мустаҳкам бўлмаган йирик донали грунтларни зичлашда тугопластик қонсистенцияга мос қилиши керак. Бу грунтларни икки босқичда зичлаштирилади: аввал решётқали қатқлар ёрдамида, кейин қатламни қалинлиги 0,3-0,4 м белгилаб оғир пневмо қилдиракли қатқда.

Мергелда, опоқадп, аргиллитда, алевролитда, сланецли қлинада ва бошқа мустаҳкам бўлмаган грунтларда баландлиги 1,0-1,2 м бўлган қўтармани юқори қисми, шунингдек ён боғрида 0,15-0,20 м қатлам қўтармани ҳамма қисми бўйича химояловчи вазифасини бажаради.

Шунингдек назоратни асосий усули булиб ишлаб чиқаришдаги қундалиқ назоратлар: режада ва қесимда ук қизигини тугри жойлашитиш; қундаланг қесимни тугри жойлашитиш, табиий асосни зичлиги, қўтарма қатламларида грунтни бир қиллиги ва зичлиги, айрим қоя тошларни қатламни тургунлиги (қерак бўлса) қисобланади.

Йирик донали грунтларни зичлашитиш даражаси йирик булақлар 60 % дан ошганда етарли қисобланади, агар қўтармани юқори 1,0-1,2 м қисмида қуқиш 10-12 % ни ва 8-10 % ни қолган қисмида ташқил қилса.

Мехнатни муҳофаза қилишда зарур бўлган тадбир-қоралар лойихалаш даврида икки босқичда қал этилади: биринчи босқич лойихалаш даврида қурилишни ташқил қилиш (ҚТҚ)

лойихасини тўзиш, яъни қурилишдаги ялпи ишлар кетма - кетлигини ва умумий хавфсизликни таъминловчи тадбирлардан иборат булса, иккинчи босқич қурилиш чоғида сурункали давом этадиган ишларни бажариш жараёнида хавфсизликни таъминлайоладиган ишни бажариш (ИБЛ) лойихасини тўзишдан иборатдир. Ушбу лойихаларда ҳал қилиниши лозим бўлган меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари таркибан ва мазмунан мукамал ечимга эга бўлиши ва қулланма асосида тўзилиб қурувчиларга юқорида курсатилган муддат ичида такдим этилиши зарур. Чунки қурилиш меъёрлари ва қоидалари (КМД 3.01.02-00) курсатмаларига биноан ҳар қандай қурилиш ва таъмирлаш ишларини бундай лойихаларсиз олиб бориш қатъиян ман этилади.

Меҳнат хавфсизлиги масалалари дастлаб лойихани тузувчи ташкилот томонидан қурилишни ташкил қилиш лойихасида, бош пудратчи ташкилот томонидан эса ишни ташкил қилиш лойихаларида акс этирилади. Бу лойихаларда қуриладиган жамми масалалар учта яъни умуммайдон хавфсизлиги, тартибот жараёнидаги хавфсизлик ва махсус масалалардир. Умуммайдон масалалари қурилиш бош режасида қурилиб, майдонни танлаш, текислаш, сатхини белгилаш Еа девор билан тусиш, одамлар ва машина - механизмлар учун кириш ва чиқиш йўллари белгилаш, ишчилар ва раҳбар мукандислар учун зарур бўлган барча ёрдамчи иншоотларни, яъни ечиниш - қийиниш, овқатланиш ва ювиниш хоналари санитария қоидаларига риоя қилинган ҳолда жойлаштирилади, вақтинчалик фойдаланиш учун электр тармоғи, иссик ва совук сув, ҳамда оқава сув узатгич тармоқларлари, алоқа ва радио тармоқлари каби иншоотларни аниқ ҳисоблар асосида тугри жойлаштиришни уз ичига олади. қурилиш жараёнида ифодаловчи иккинчи масала тартибот ва меҳнат жараёни хариталарида уз ечимини топадиким, унда ишчининг саломатлигини химоя қилиш борасида аниқ ҳисобларга асосланган ва маҳаллий иш шароитларини инобатга олган муҳандислик мулоказалари ўзини ягона ва аниқ ечимини топган бўлиши лозим.

Нихоят учинчиси махсус масалалар турқумини ҳал этишдан иборат булиб, маҳаллий ер, иқлим ва атроф муҳитни экологик шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда, ишловчилар ва атроф - муҳит учун хавф - хатар манбаларини бартараф қилинишига қаратилган булади. Яъни қурилиш майдонидаги ер ости ва устидаги электр, телефон, радио ва сув гармоқларини маҳаллий ҳокимият билан келишган ҳолда қучириш назарда тутилади.

қурилишни ташкил қилиш лойихаларини муҳофаза қилишда бош пудрат ва ёрдамчи ташкилотлар мутахассислари, яъни бош механик, технолог, энергетик, меҳнатни режалаш ва маош булимлари ходимлари, меҳнат хавфсизлиги бўйича қатта мутахассислар ва бошқалар иштирок этадилар.


Меҳнат хавфсизлиги булимининг қатта мутахассиси бош муҳандис ёрдамчиси сифатида ушбу лойихаларда қуриладиган хавфсизлик масалаларини аниқ ва мукамал ҳал этилишини назорат қилиш ва тасдиқлаш ҳуқуқига эгадир. Шундай қилиб лойиха мутахассислар томонидан қуриб чиқиб маъқуллагандан кейин хавфсизликни таъминлаш борасидаги лойихалар қурилиш бош муҳандисига тасдиқлаш учун такдим этилади. Тасдиқланган қурилишни ташкил қилиш ва ишни бажариш лойихалари мулжалланган навбатдаги қурилиш билан танишиш ва уни ўрганиш учун бош пудрат ташкилотининг қурувчи муҳандисларига ушбу майдонда иш бошлашдан қаида 2 ой олдин такдим этилади.

Ишларни режали ва хавф - хатарсиз олиб борилиши, хавфсизлик тадбирлари қай даражада ҳал қилинганлигига ва шу билан бирга маҳаллий муҳит ва иқлим шароитлари қанчалик тула ҳисобга олинганлигига бевосита боғлиқдир. қурилишда меҳнат муҳофазасининг техникавий ва ташкилий масалалар мажмуаси ҳал қилинади.

Бу лойиханинг ташкилий қисмлари аниқ ҳисоблар асосида тўзилади ва қуйидагилардан иборат булади: баландлига 2 м келадиган урама девор, вақтинчалик йўл ва йўлаклар, иссик ва совук сув узатув чи қувурлар, оқава сув қувурлари, электр, алоқа ва радио тармоқлари, ёритгичлар, электр таксимлагич шкафлар, хожатхоналар ва шахсий тозалик ва ювиниш хоналари, дам олиш хоналари, тиббий ёрдам курсатиш бурчаги, омборхоналар, муҳандислар хонаси, овқатланиш хонаси, майдонга кириш ва ундан чиқиш дарвозалари, қўтарма кран ва унинг йўли, кран йўли атрофидаги чегараловчи тусик, хавфли муҳит

чегарасини билдирувчи панжара тусиклар, қурилиш ашёлари сакланадиган ёпик ва очик омборлар, темир-бетон, ёғоч ва металл мосламалар сакланадиган майдончалар, ёнишга мойил, қурилиш ашёлари ва жихозлари сакланадиган ёпик омборлар, кучма ёритгич қурилмалари, ёнгинга қарши гидрантлар ва ут учириш воситалари бурчаги ҳамда овкат чиқиндилари учун коПҚокли кути, ахлат ураси ва хоказолар.

Қурилиш тухтовсиз давом эттирилиши сабабли қурилиш майдонларида меҳнат шароитини яратишда ёзнинг жазирама иссик даврида, кишнинг қахратон совугини ҳисобга олган ҳолда қўшимча тадбирларни ишлаб чиқиш лозим.



87-расм.: қурилиш майдони атрофини ураш учун ишлатиладиган инвентар девор қурилмалари. 1-х.имоя соябони 2-тахта девори

Чунки Ўзбекистон шароитида йил давомида ҳавонинг ҳарорати - 23°C дан 43°C гача узғариши сабабли ишчиларнинг иш фаолияти ва кийим кечагини йил фаслларига мос даражада ташкил қилиниши лозим бўлади, акс ҳолда ишчилар иқлим шароитининг нобоблигидан келиб чиқадиган касб касалликларига чалинишлари муқаррардир. Шу боисдан қурилиш майдонларида ёрдамчи хоналарни муътадил ҳарорат билан таъминлаш мақсадида ёзда сунъий совитгичлар, кишда эса иситгичлар билан жихозлаш мақсадга мувофиқдир. Юқорида номлари зикр қилинган ёрдамчи хоналар, иншоотлар ва усқуналар бош тархда шундай танланиши ва узаро жойланиши лозимдурким, бири-иккинчисига ҳалакит бермаслиги ва шамол йуналишини инобатга олган бўлиши шарт.

Шунингдек бош тархда оғохлантирувчи ёзувлар ва белгилар ёрдамида одам учун ҳавфли ва зарарли бўлган манбалар олдида ҳаракат йуналишларини аниқ курсатувчи белгилар қуйилиши бахтсиз ходисаларни олдини олиш имконини беради. Унда юк ташувчи машиналар ҳаракати учун йўллар, тухташ ва айланиш жойлари ҳамда ҳаракат тезлигини курсатувчи белгилар аниқ бўлиши шарт. Ювиниш, ечиниш - кийиниш, овкатланиш ва дам олиш учун муваккат хоналарни ҳамда ёпик омборхоналарни жойлаштиришда СанКМ меъёрларининг талабларига қатъий риоя қилиниши лозим. Ҳар бир қурилиш майдончаси учун аниқланган муваккат иншоотлар ва ундаги хоналар сони ишни бажариш лойиҳаси талабларига мос келиши керак. Бу иншоотлар қуриладиган бинодан 50 м дан кам бўлмаган масофада шамол эсадиган томонда жойланиши зарур. Ёрдамчи иншоотларни расмийлаштиришда узаро иқлими мос келган хоналарни жуфтлаш мақсадга мувофиқдир. Масалан ечиниш -кийиниш хонасини ювиниш хонаси билан ёки ювиниш хонасини овкатланиш ва кийимларни қуришиш ёки исиниш хоналари билан қушни жойлаштириш ва х.о.

Қурилиш майдонида бахтсиз ходисаларни олдини олиш учун келтириладиган қурилиш ашёларини машинага юклаш ва тушириш ёки уларни юқори қаватларга қутариш ишларини меҳаник қўтарма усқуналар зиммасига юқланиши яхши ва тугри тадбирлар сирасига қиради. Бунинг учун етарли даражада қабул майдончалари, механизмларни эркин ҳаракатланишини таъминловчи йўллар ва иш тартибини изоҳловчи курсатмалар мавжуд ва барча ишловчиларга тушунтирилган бўлиши шарт. Шу боисдан қурилиш майдони текисланган, йўллар ва йўлкалар ҳамда қурилма ва буюмлар сакланадиган усти очик захира майдончалари асфалтланган бўлиши, кишда қор ва муздан тозаланиб турилиши лозим. Қурилиш майдонида яна бир муҳим масала, ундаги ҳавфли манбаларни аниқлаш ва уларни бош тархда белгилаб қуйишдир. Улар икки хил қурилишда, яъни таъсир доираси узгармас ва узгарувчан бўлади.

Биринчисига мисол килиб, ишлаб чиқаришдаги хавфли манбалардан бетон ва сувок коришмаларни тайёрлаш ускуналарини, электр таксимлагич шкаф ва унга уланган кузголмас электр дастгоҳларини, баландлиқда жойлашган иш жойининг атрофидаги мухитни, қурилатган бино атрофини, хаводан утказилган электр тармоқларини, санитария меъёридан юқори бўлган захарли ёки уткир хидли газ ва буг чиқарувчи манбаларни, ёнувчи моддалар сакланадиган омборлар ва шуларга ухшашларни алоҳида рамзий белгилар билан курсатиш лозим бўлади.

Иккинчисига эса, ҳаракатдаги қўтарма механик ускуналар ва машиналар, электр ва газ пайвандлагич қурилмалар, кучма электр ёритгич мосламалар, сакич эритувчи ва пуркагич қурилмалар ва бошқалар мисол бўлаолади.

Булар каби ҳар бир хавфли мухитни ёки бир неча ёндош мухитлар атрофини тусиқлар ёрдамида ураб қуйиш ва шу тариқа унга дахлсиз одамларни киришини таъқиқлаб қуймоқ бахтсиз ходисаларни олдини олишга имкон берадиган тадбирлар сирасига қиради.

Хавфли мухитлар чегарасини белгилашда 1-чи ва 2-чи жадваллардан фойдаланиш мумкин.

16-жадвал

Юқоридан тушаётган жисмининг баландлиги	Хавфли ҳудуд чегараси	
	Кран билан кутарилаётган юкка нисбатан, м	қурилатган бинога нисбатан, м.
10 м гача	4	3.5
20 м гача	7	5
20дан 120м. гача	10	5
70дан 120м. гача	15	10
120дан200м. гача	20	15
200дан300м. гача	25	20
300 дан 450м. гача	30	25

Юқори кучланишли электр тармоқлари угган мухит атрофида инсон соғлиги учун ута хавфли ва зарарли бўлган электрмагнит майдони таъсиридан одамларни химоялаш учун улардан маълум масофада тусиқлар қуйиб чегаралаш орқали одамларни хавфсизлигини таъминлаш мумкин.

Технологик хариталари ИТқ лойиҳаси таркибида иккинчи муҳим ҳужжат ҳисобланади ва унда бир ёки бир нечта аниқ қурилиш жараёнлари илмий асосланган ва илгор тажрибаларга таянган ҳодда қурувчилар учун батамом хавфсиз тартибда бажарилшни таъминланган бўлади. Бундай хариталар одатда мураккаб иш жараёнлари учун тўзилиб ишнинг кетма - кетлигини, услубини, механизмларни ишлаш жойини ва химоя воситаларини аниқ ёритиб беради. Булар жумласига тупроқ казиш, бинонинг ер ости қисмини қуриш, ер усти қисмини йиғиш, томни ёпиш, бинони пардозлаш ишлари ва бошқа махсус ишларни бажаришга мулжалланган

технологик хариталарини киритиш мумкин. Технологик хариталарни тўзишда қуйидаги умумий йўлланмаларга риоя қилиш лозим :

- мошин ва механюмларни хавфсизлик ва иқтисодий курсатгичлар асосида тугри танлаш, уларни иш жойида мавжуд бўладиган хавфли мухитларни белгилаш, ҳаракат тартибини аниқлаш ва уларни ишлатишда хавфсизликни таъминловчи курсатмалар бериш;

- қурилиш ашёлари ва қурилмаларини майдондаги захираси уч қунлик эхтиёж микдоридан ошмаслиги ва аниқ хисобларга таянган ҳолда махсус ажратилган майдончаларда маълум кетма - кетлик тартиби билан сақланишини таъминлаш;
 - қурилиш майдонининг ашёвий таъминот даражасини қурилиш жараёнининг кетма- кетлиги билан узвий боғланган ҳолда олиб борилишини таъминлаш;
 - хар хил улчамли қурилмаларни йиғиш жараёнида хавфсизликни таъминлаш, ишни тугри ташкил қилиш ва унинг кетма-кетлик тартибига катъий риоя қилиш;
 - фан ва техника ютуқлари ва илгор тажрибаларга асосланган ҳолда иш жараёнларини имкон борича механизациялаштириш ва барча усқуналардан хавфсиз фойдаланиш усқуларини ишни бажариш лойихасида акс эттириш;
 - мосламаларни вақтинчалик маҳкамлашда ишлатиладиган ёрдамчи маҳкамлагич (кискич, туткич, тиргович ва бошқалар) воситаларни танлаш ва уларни амадқа тугри ишлатиш ҳақида ишчилар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш;
 - баландликда туриб иш бажаришда ишлатиладиган ёрдамчи (тахта-супа, "эшак", шоти, нарвон, осма кажава ва бошқалар) хавоза турларини тугри танлаш ва уларни ишлатиш тўғрисида курсатма бериш:
 - бажарилаётган ишни турига караб ишчилар хавфсизлигини таъминловчи химоя воситаларини тугри танлаш ва уларни ишлатиш ҳақида курсатма бериш:
 - тунда ишловчилар ва қуриқлаш учун зарур бўлган ёритгич тизимларини меъёр талаби микдорида урнатиш;
 - умумий ёки айрим ишларни бажаришда уларни кетма-кетлигини билдириб турувчи иш графигини тўзиш;
- қурилиш ашёларига ва техник жихозларга эхтиёж жадвалини ҳамда меҳнат харажати рўйхатини тўзиш ва хоказолар.

Умуман технологик хариталари бир ёки бир нечта иш жараёнини камраган ҳолда тўзилиши мумкин ва таркибида хавфсизликни таъминлашга хизмат қиладиган чизмалар ва хисоб-китобларга асосланган жадваллар ҳамда меҳнатни илмий асосда ташкил қилишни тушунтирувчи тавсияномалар ва меъёрий курсатмалардан иборат булади.

Қурилишни ташкил қилиш лойихасида аниқ бирор иш жараёни (ер казиш монтаж қилиш, пардозлаш, ободонлаштириш ва бошқалар) учун зарур бўлган механизмлар танланиб ишчи кучи аниқланади, уларни қурилиш майдонида харакатланиш ҳудудлари белгиланади ва бажариладиган барча ишларнинг ҳажми, муддати ва кетма - кетлиги, механизмларни иш тартиби ҳамда ишчиларни иш билан тулик таъминланганлиги аниқ рақамларда тасвирланган булади.

Қурилиш майдонида жойлари узғариб турувчи хавфли муҳитлар ҳудуди аниқ чегаралар билан курсатилган бўлиши керак.

Назорат саволлари

1. Йўл пойини назорат қилинадиган геометрик курсаткичларини курсатинг.
2. Геометрик курсаткичларни назориатида қандай асбоб ва жихозлар ишлатилади.
3. Йўл пойи қуришда унинг сифатини назорат қилиш.
4. Йўл пойини топширишга тайёрлашда нима ишлар қилинади?
5. Йўл пойининг қиялигини назорати.
6. Йўл назоратида геодезик асбобларни жойларга урнатиш тушунчаси.
7. Йўл пойи грунтини сифатини назоратини амалга ошириш.
8. Йўл пойини назорат бўйича меъёрий ҳужжатлар.
9. Йўл пойини кенлиги ва ён қиликни назорати.
10. Йўл пойининг асосий конструктив элементларини оғиш нормалари.
11. Саъноат лазерли улчовчи асбоб тўғрисида тушунча.
12. Йўл пойи ён қиялигини назорати.

Фойдаланилган адабиётлар

1. ШНК 2.05.02-07 “Автомобил йўллари” .Тошкент 2007 й.
2. ШНК 3.06.03-08 “Автомобил йўллари” . Тошкент 2008 й.
3. ГОСТ 9128-2009 «Смеси асфальтобетонные дорожные, аэродромные и асфальтобетон» М.: Стандартиформ, 2010. - 17с.
4. Хархута Н.Я., Васильев Ю. М. Прочность, устойчивость и уплотнение грунтов земляного полотна автомобильных дорог. -М.: Транспорт. 1975. -286 с.
5. Некрасов В.К. Строительство автомобильных дорог. В 2-х т. -М.: Транспорт. 1980. Т. 1. -416 с.
6. Рекомендации по технологии уплотнения грунтов ВПП Учкудукского аэропорта. - Ташкент: Узавтойўл 1997. -26 с.
7. Сиденко В.М., Ильясов Н. Проектирование, строительство и организация возведения земляного полотна в засушливых районах. -Ташкент: Ўқитувчи. 1983. -284 с.
8. Бабаханов П.Б. Земляное полотно автомобильных дорог Узбекис-тана. -Ташкент: Госиздат Узбекистан. 1958. -84 с.
9. Калужский Я.А., Батраков О.Т. Уплотнение земляного полотна и дорожных одежд. -М.: Транспорт. 1971. -160 с.
10. Форсоблад Л. Вибрационное уплотнение грунтов и оснований. -М.: Транспорт. 1987. -192 с.
11. Золотарь И.А. и др. Водно-тепловой режим земляного полотна и дорожных одежд. -М.: Транспорт. 1971. -410 с.
12. Каюмов А.Д. Уплотнение и расчетные характеристики лессовых грунтов. - Ташкент: Фан. 2004. -120 с.
13. Афиногенов О. П., Серегин Н. П., Санников А. Ф. Управление качеством дорожных работ/ Под.ред. О. П. Афиногенова.- Томск: Изд-во Том.ун-та, 1997.-153 с.
14. Бочин В.А. Строительство автомобильных дорог: Справочник инженера дорожника. - М.: Транспорт, 1980. - 510 с.
15. Горельшев Н.В. и др. Технология и организация строительства автомобильных дорог. - М.: Транспорт, 1992. - 551с.
16. Грушко И. М., Королев И. В., Борщ И. М., Мищенко Г. М. Дорожностроительные материалы.-М.: Транспорт, 1991.-357 с.
17. Дорожная техника, технология. Каталог-справочник. С.-Петербург: И. А. Партнер, 2000-2004.
18. Домке Э.Р., Бажанов А.П., Ширшиков А.С. Управление качества дорог: учебное пособие. - Ростов н/Д: Феникс, 2006- 253с.
19. З.ХСаидов, ТЖАмиров, ХЗ.Гуломова Автомобиль йўллари: материаллар, қопламалар, саклаш ва таъмирлаш. Т.: АНавоий номидаги Узб. Миллий кутубхонаси, 2010.
20. Справочная энциклопедия дорожника. Том 1. Строительство и реконструкция автомобильных дорог.-М.: Информавтодор, 2005.-646 с.
21. Стебаков А., Кириухин Г., Гопин О. Щебеночно-мастичный асфальтобетон - будущее российских дорог -Строит, техника и технологии. 2002. № 3, с. 68-70.
22. Кириухин Г.Н. Контроль плотности покрытий из щебеночно-мастичного асфальтобетона -Наука и техника в дорожной отрасли № 1 2005 с. 15-17

Мавзу: Йул иклим графигини куриш ва курилиш муддатини асослаш

Ишдан мақсад: Талабаларга берилган топширикга асосан йўл иклим графиги куриб, унга асосан курилиш муддатини аниклаш ишларини ургатиш.


Назарий қисм

Курилиш муддати йўлнинг вилоятда жойлашувига, табиий об-хаво шароитига, гидрогеологик, грунт турига, ер ости сувлари шароитларига ва йўл курилиши техникасининг имкониятларига боғлиқ равишда аникланади.

Йўл тўшамасини куриш ишлари баҳорда хаво ҳарорати +5 °С дан, кузда +10 °С гача бўлган даврда олиб борилади.

Йул утказилаётган ҳудуднинг иклим графиги

Йўл утказилаётган ҳудуднинг иклим шароитларини такқослаш учун йўлнинг айрим даврларида иклим характеристикалари графиги курилади (1-жадвал).



Унда йил давомида ҳароратнинг узгариши, ёғин-сочин миқдори, музлаш чуқурлиги, қор қатлами қалинлиги ва бошқа характеристикалар белгилаб чиқилади.

Йўл утказилаётган ҳудудда иклим тавсифларининг графиги:

1- ёмғир ёғин-сочинлари; 2-қор ёғин-сочинлари; 3-тупроқ йўлларидаги лойгарчилик даврлари; 4-ҳарорат; 5-кун ёруғ даврининг давомийлиги; 6-қор қопламасининг қалинлиги; 7-музлаш чуқурлиги; 8-ер қазиш.

Йўл тўшамасини куриш муддати куйидаги формула оркали топилади:

Вилоятлар	Ойлар												
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	
1													
Коракалпоғистон													
Андижон													
Бухоро													
Жиззах													
Кашкадарё													
Навоий													
Наманган													
Самарканд													
Сурхондарё													
Сирдарё													
Тошкент													
Фаргона													
Хоразим													

$$T = (T_k - T_{дам} - T_{ик} -$$

Бу ерда: T_k - курилиш давридаги календар кунлар сони;
(йўл иклим графиги асосида олинади).

$T_{дам}$ - курилиш давридаги дам олиш ва байрам кунлари сони.

$T_{ик}$ - об-хавонинг ёмонлиги туфайли нокулай иш кунлари сони $T_{ик}=7-10$ кун

$T_{таъм}$ - таъмирлашга мухтож машина ва механизмларнинг ишламаган кунлари $T_{таъм}=(3-4)$ кун. n - сменалар сони $n=1$ ёки $n=2$ Бажариладиган ишларнинг турларига караб (чизикли ёки жамланган) иш куламини аниқлаймиз. Агарда йўл тўшамасини барио қилиш чизикли хдрактерга эга булса, иш куламининг ўртача суръати I куйидаги формула оркали аниқланади.

$$l = L / T_{хис} * n$$

Бу ерда: L - курилатган йўлнинг узунлиги, м

$T_{хис}$ - йўл тўшамасини курилиш муддати. n - сменалар сони.

Талаба амалиётда олган билимларига таянган холда натижасида хулоса ёзиб тугаллайди.


2- амалий иш Мавзу: Етакчи йўл курилиш машиналарини танлаш ва иш унумдорлигини аниклаш

Ишдан мақсад: Талабаларга етакчи йўл курилиш машиналарини танлаш ва иш унумдорлигини аниклаш буйичма формулардан фойдаланиб ечишади.

Назарий қисм

Йўл тўшама конструкцияси ШНК 2.05.02-07 ва ШНК 3.06.03-08 талабларига амал қилган холда, йўл тўшамаси конструкциясини куриш технологик жараёнлари ишлаб чиқилади.

Қум-шағал аралашмаси (КИТА) ли асосни куришда сменали иш куламини етакчи машинанинг иш унумдорлигига қараб аникланади. Бу ишни бажаришда етакчи механизм қилиб эксковатор ЭО - 4225 ни танлаб оламиз. Эксковатор ҚША ни автосамосвалларга ортиб беради.



Асоснинг қуйи қатламини куриш материал тури “Қум-шағал аралашмаси”.

Эксковатор ЭО-4225 нинг иш унумдорлиги қуйидаги формула орқали аникланади:

$$P_{\text{э}} = \frac{q}{t} * K * K_{\text{е}} * K_{\text{т}} \text{ м}^3/\text{соат};$$

q - м^3

Бу ерда: $q_{\text{э}}$ - эксковатор қовшининг ҳажми, $q = 1.25 \text{ м}^3$;
- цикл давомийлиги, соат;

$$< 0.65 \text{ м}^3 \text{ т}_{\text{ц}} = 0.004 \text{ с},$$

$$> 0.65 \text{ м}^3 \text{ т}_{\text{ц}} = 0.005 \text{ с},$$

$K_{\text{р}}$ - грунтни юмшатиш коэффициентлари, $K_{\text{р}} = 1.1$;

$K_{\text{гр}}$ - материал турига боғлиқ бўлган коэффициент, $K_{\text{гр}} = 0.80$;

$K_{\text{в}}$ - вақтдан фойдаланиш коэффициентлари, $K_{\text{в}} = 0.70$;

$K_{\text{т}}$ - технологик коэффициент, $K_{\text{т}} = 0.60$;

Эксковаторнинг бир сменадаги иш унумдорлигини аниқлаймиз.

Бир смена иш 8 соат давом этади.

$$V = \Pi \cdot 8 \quad \text{м}^3/\text{смена};$$

экс

Эксковаторнинг сменалар сонини аниқлаймиз.

V

$$\Pi = \frac{V}{8} \quad \text{экс та}$$

Иш куламини ошириш учун 2 та эксковатордан олинади.

$$\Pi = \frac{V}{8} \cdot 2 = \frac{V}{4} \quad \text{экс та}$$

экс м³/смена;

Бир кунлик иш куламини узунлигини аниқлаймиз.

$$i = \frac{L}{u \cdot k}$$

и .к

$$\Pi \quad \text{м};$$

Эксковаторнинг ФИК ва иш вақтини аниқлаймиз

$$K = 10^{-36} = 0.99;$$

Ф 124

$$t = K\phi \cdot 8 = 0.99 \cdot 8 = 7.92 \text{ соат};$$

Тўшама остки асосини қуриш учун керакли бўлган КША синининг микдори:

$$1 \text{ км учун } V_{\text{ум}} = 11892 \text{ м}^3.$$

3-

амалий иш

Мавзу: Йўл тўшамаси конструкциясини танлаш ва асослаш

Ишдан мақсад: Талабаларга берилган топшириққа асосан йўл тўшамасининг конструкциясини танлаш ва асослашни ургатишдан иборат.

Назарий қисм

Йўл тўшамасини конструкциясини танлаш тадбирлари уз ичига қуйидагиларни олади:

- қоплама турини танлаш;
- қатламларни қуриш учун материалларни танлаш билан конструктив қатламлар сонини белгилаш, қатламларни жойлаштириш ва уларнинг тахминий калинлигини тайинлаш;
- йўл-иклим кичик минтакаларни, йўл пойи ишчи қатламининг тури ва турли участкаларда ишчи қатламнинг намлиги схемасини ҳисобга олиб қўшимча совуқдан химоялаш чора-тадбирларни тайинлаш заруриятини дастлабки баҳолаш;
- конструкцияни қуриш шунингдек, конструкциянинг ёриққа бардошлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш заруриятини дастлабки баҳолаш;
- йўл пойи ишчи қатлами юқори қисмини мустаҳкамлаш ёки яхшилашнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш;
- ишнинг маҳаллий, табиий ва лойихавий шароитларини ҳисобга олиб, рақобатбардош вариантларни танлаб олишдан иборат.

Йўл тўшамаси конструкциясини танлашда қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим:

1. Йўл тўшамаси ва қоплама тури, тўшама конструкцияси умуман йўлнинг тегишли тоифаларига талаб этиладиган ва маълум таъмирлашлараро муддатлар, таъмирлаш ва саклашнинг тахминий шароитлари давомида ҳаракат жадаллиги

узгаришини ҳисобга олиб, истикболда ҳаракат таркиби ва жадаллигидан кутиладиган транспорт-фойдаланиш талабларини кониктириши зарур;

2. тўшама конструкцияси андозавий тарзда қабул қилиниши ёки бир хил ҳисобланадиган зуриқишли ухшаш табиий шароитлар (йўл пойи ишчи қатлами грунти, уни намлантириш шарти, иқлим, маҳаллий йўл-қурилиш материаллари билан таъминланганлик ва бошқалар) билан хусусиятланувчи ҳар бир участка ёки йўл участкалари учун индивидуал ишлаб чиқилиши мумкин. Мазкур шароитлар учун тўшама конструкцияси танланаётганда ушбу шароитларда амалиётда синалган андозавий конструкция афзал қурилиши лозим;

3. стандарт тошли материаллар билан етарлича таъминланмаган минтакаларда уларга боғловчилар билан (цемент, битум, оҳак, фаол учувчан куллар ва б.) ишлов берилганда хусусиятлари яхшиланиши мумкин бўлган маҳаллий тош материаллари, саноатнинг иккиламчи маҳсулотлари ва грунтларни куллашга йўл куйилади.


Бир пайтнинг ўзида имкони борича материал сарфи камроқ бўлган конструкция яратишга интилиш лозим;

4) конструкция технологик асосланган бўлиши ва йўл-қурилиш жараёнларининг максимал механизацияланиши ва саноатлашиши имконини таъминлаши лозим. Бу мақсадларга эришиш учун конструкциядаги қатламлар сони ва материаллар турлари минимал бўлиши керак;


5) тўшама тўзимасини танлашда қурилиш ишлари утказишнинг реал шароитларини ҳисобга олиш зарур (ёзги ва кишки технология ва б.).

